

**Ўзбекистон Республикаси Факулер Академияси  
«Кибернетика» илмий-ишлаб-чигарниш бирлашмаси**

**Н.Мўминов., Д.Ахмедов., С.Қосимов., Х.Мамажонов.,  
Ш.Пўлатов., Б.Абидов., Б.Мусабеков., О.Пахоменко**

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС  
СТРАТЕГИЯСИ**

**I-қисм**

**Масъул мухаррир:  
техника фанлари доктори,  
профессор**

**З.М. Салихов**

**ТОШКЕНТ-1999**

Ушбу кўлланмада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш омиллари, бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли, бизнесни ривожлантиришдаги менежъ ва маркетингнинг тутган ўрни, бозор иқтисодиётига ўтища фан ва ахборотнинг аҳамияти, интеллектуал мулк ва уни баҳолаш усуллари, корхонани бошқариш тамойиллари, иқтисодий интеграция ва хориждаги бошқарув, бизнесда одоб, маънавият ва хуқуқ, инвестицияларни жалб килиш йўл-йўриклари, ҳамда турли-хил иқтисодий саводхонликка оид маслаҳатлар келтирилган.


Кўлланма кенг китобхонлар оммасига, олий ўқув юртлари талабалари, аспирантларига мўлжалланган.

Такризчилар :  
техника фанлари доктори, профессор Э. Ёкубов,  
техника фанлари номзоди, доцент Ў. Кудратов

Незматилла Абдуллаевич Мўминов, Даврон Насриддинович Ахмедов, Содик Собирович Косимов, Ҳамид Абиджанович Мамажонов, Шарифжон Йигиталиевич Пўлатов, Баҳтиёр Рихсибоевич Абидов, Баҳром Искандарович Мусабеков, Ольга Владиславовна Пахоменко.

M 1402010000-005  
M389(04)-99

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг  
“Кибернетика” ІИИ Кибернетика институти, 1999.



«Энг муҳими эса, биз иқтисодиёт таркибида кичик ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрин эгаллашига, керак бўлса, ҳал қилувчи ўринни эгаллашига. яқин икки-уч йил ичидан кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушкини камида 25 фоизга етказишга эришимогимиз лозим».

(Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис 14 сессиясидаги «Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда» маърузасидан).

## КИРИШ

Кўпчилик кичик бизнесни йирик бизнесдан фарки худди кичик бола ва катта одам фарқидек тасаввур этади. Бу тўғри эмас. Ҳозирги замон тажрибаси шу нарсадан далолат бераятики, қайси мамлакатда кичик бизнес тарақкий этган бўлса шу мамлакат тараққиёти юкори бўлади. Дунёнинг турли хил мамлакатларида кичик бизнеснинг мезонлари турли хилдир. Ишловчилар сони 20 дан 30 гача бўлса кичик корхона, 100 дан 400гача бўлса ўрта корхона, 500 дан ортиқ бўлса йирик корхона деб юритилади.

Европа худудида 5 минг кишидан ортиқ ходим ицлайдиган корхонани жуда йирик фирма деб юритилади. Дунёнинг етакчи давлатларида кичик бизнес кўрсаткичи 86 фоизни ташкил этади. Шунинг ўзи кичик бизнеснинг ҳаётда тутган ўрнини яккол белгилайди.

Иктиносни ислоҳ килишнинг самарали йўлларини кидириб, гигант, баҳайбат катта корхоналар олдида турган кийинчиликлардан воз кечиб асосий эътибор кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожланишига қаратилмоқда. Кичик бизнеснинг ҳалқ хўжалигини тарақкий эттиришдаги аҳамиятини чукур хис қила бошлаганимиз жуда кўп режа ва хошишларимизни яна ва яна қайталаб кўриб чикишимизни талаб этмоқда. Ушбу режа ва хошишлар йирик уч йўлланма билан белгиланади:

1. Тадбиркорлик.
2. Инновация (янгилик киритиш, янгилик ташкил этиш).
3. Шу соҳалар учун ахборот.

## Тадбиркорлик нима ?

Тадбиркорлик - тадбиркор деб аталувчи ўз номицан ёки доимий таваккалчилик асосида жисмоний ва хукукий шахслар

томонидан мустакилхўжалик фаолияти юритишинг алоҳиди туридир.

Инновация эса тадбиркорлик туридир.

### Ахборот нима ?

Ахборот сўзи рус тили учун ҳам, ўзбек тили учун ҳам янги сўз. Кейинги 20-25 йил давомида электрон-хисоблаш машинаси ёрдамида ҳаётнимизга кириб келган «ахборот» атамаси муҳимлиги билан яққол вожралиб турибди. Ахборот атамаси инглиз тилида «компьютерли фан» деб аталади. Бизнинг мамлакатимизда ишлатилиб келинаётган ахборот сўзи тўла маънода француз тилида ишлатилувчи «informatiqns» сўзига мос тушади.

Кичик ва ўрга бизнес бўйича катор директив, меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилғанлиги республикамиз тадбиркорлари учун кўк чироқ ёкиб берилди десак муболига қилмаган бўламиз.

Ҳақиқатдан ҳам бу йўлларни ма бошқа давлатлар учун намунали ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Албатта ишлаб чиқитган ва қабул этилган ҳужжатлар ҳаёт талаби, бозор иқтисодиётининг белгиланган қонун-коидалари асосида ўзгартирилиши, бойиши мумкин. Бироқ шу ҳужжатларнинг ўзи ҳам тадбиркорларни ишонч билан илдам қадам ташлашига асос бўла олади.

Сиёсатчиларимиз, иқтисодчиларимиз, социологларнимиз (ижтимоний фан билан шутулланувчилар) асосий ҳаракатланувчи ҳар бўлиб хисобланувчи тадбиркорлар - кыни инсонлар, илмий тараққиёт ва илгор технология - инновацияга катла аҳамият берib ишончли, фойдали, кучли ва оммабоп ахборот ресурслари билан куролланиб республикамиздаги ахборот-иқтисодий алоқаларни мукаммлаштиришга бел боғламокдалар. Бу эса республикамизни дунё ҳамжамиятига дадил қадамлар билан кириб боришги имкон тутдирмоқда.

Маълумки, ахборот асрода тадбиркорликни ривожланиши жуда кўп томондан факаттина у ёки бу муҳим муаммони ҳал этишгигина эмас, балки таҳлилий фаолиятни амалга оширадиган ахборот тизимиға боғлиқдир.

Жаҳон жамоатчилигига Япония ва Олмониянинг мўъжизалари, Франция, Швеция, Жанубий Корея, Сингапур, Тайланд, Туркиянинг ижтимоний-иқтисодий ривожланиш йўллари яхши маълум. Ўзбекистон ҳам бозор муносабатларига ўтиш борасида ўз йўлинин барпо этуб, ундан фойдаланишга киришди.

«Шубҳасиз, эркини қўлга киритган ҳар бир ҳалқ ўз таракқиёт йўлини излайди», - таъқидлайди Узбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов, - «янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишига ҳаракат қиласи. Биз ҳам республиканизмнинг миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-иктисодий, маънавий камолот ва тариққиёт йўлини белгилаяпмиз. Шу билан бирга, барқарор ва ҳалол бозор иқтисодиётига, очик ташки сиёсатга асосланган демократик хукукий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этамиз».

Жамият, моддий ишлаб чиқариш ва ҳалқ хўжалигига раҳбарлик қилишда объектив иқтисодий қонунларга амал қилинмасдан, бу омил маъмурий буйруқбозлик билан алмаштирилиб, республиканинг объектив эҳтиёjlари деярли қондирилмаган эди. Республиканинг табиий, моддий, меҳнат бойликлари умумиттифоқ эҳтиёjlарини қондириш учун сафарбар этилган эди. Масалан, ҳалқимизнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёjининг 50 фоизи бошқа республикалардан келтириладиган маҳсулотлар билан копланар эди. Ваҳоланки, бу истеъмол молларини ишлаб чиқариш учун керак бўлган ҳом ашёлар республиканинг ўзида мавжуд эди.

Узбекистон Президенти И.Каримов республика шоир ва ёзувчилари билан ўтказган учрашувида шу нарсани айтдиларки, у кишининг шахсан хисоб-китоблари бўйича 1965-1990 йилларда республиканинг фақат тилла ва пахтасидан иттифоқ марказига тушган диромад 35 миллиард доллардин ошик бўлган, лекин уни жуда оз қисми республиканинг эҳтиёжи учун сарфланган.

Президентимиз Ислом Каримов биз қурмоқчи бўлган адолатли демократик давлатнинг арқони бўладиган беш асосий қоидани жуда кўп марта лўнда килиб ифодалаб берди:

Биринчидан - иқтисодиёт сиёсат устидан хукмронлик килиб, уни ҳар кандай мағкуридан озод қилиш лозим. Иқтисодиёт ўз қоидиларига асосланиб ривож толиши керак.

Иккинчидан - иқтисодиётни бошқарища, айниксу янги бозор иқтисодиётни курилаётганди, янги тизим барпо этилаётганди, давлат бошқарув тизимини қўлдан чиқармаслиги керак, хукумат, яъни давлат асосий ислохотчи бўлмоги лозим.

Учинчиси - конунга итоат килиш тамоили бўлиб, бу хукукий давлат барпо этишнинг зарур шартидир. Конунларга барча баравар риоя этишини таъминлаш, конун ҳаётимизнинг ҳар қайси соҳасида қарор топтирилишига ҳаммамиз интилишишимиз керак.

Тўртингиси - кучли ижтимоий сиёсат юртишдир. Ойликини оширилмокда, биздаги энг кам маош Россия, Молдова, Арманистон каби республикаларнидан кўпроқ; аммо Россияда бир оиласда 2-3 киши яшаса, бизда 5-7 киши яшайди. Бир ойлийдорга қанча оғиз қарайди - буни хисобга олишимиз лозим, яъни маошларни меҳнатга қараб янада оширишни мақсад қилиб қўймогимиз керак.

Бешинчиси - бозор иқтисодиётига шошқалокликка йўл қўймай, боскичма-боскич ўтишимиз зарур. Бозорга ўтиш мукаррар. Бу - давр талаби, объектив заруратдир. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш - буни ҳаммамиз пухта англashingиз зарур - мақсад бўлиб колмасдан, аввалом бор, у ҳалқимиз учун фаровон ва муносиб ҳаёт қуриш мақсадида татбиқ этилиши керак. Бозор иқтисодиётига ўтамиз деб, яшаётган, истикомат қилаётган ўйнимизни куйдириб, вайронна қилишга йўл қўймайлик.

Бор шарт шароитдан фойдаланиб кичик ва ўрга бизнесни ривожлантиришга аҳд қилган тадбиркорлар учун озгина бўлсала мадад бўлади деган умидда ушбу китобни коллектив қилиб чиқаришга аҳд қилинди.

Муаллифчар ушбу қўлланмани ёзища ўзлари олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари, талабалар учун ўқилаётган маъruzалар ҳамда республикамиз ва хорижда тўпланган кенг тажрибадан фойдаланишаг ҳаракат қилдилар.

Қўлланманинг бешинчи боби асосан профессорлар Х.Мамажонов, Н.Мўминов ва етакчи мутахассис О.Пахоменколар иштирокида ёзилди. Қолган боблари профессорлар Н.Мўминов, Д.Ахмедов, С.Қосимов, Ш.Пўлатов, Х.Мамажоновлар ва Б.Абидов томонидан биргаликда, ҳаммаслаҳатликда ёзилган.

Қулланма<sup>1</sup> Республика Фанлар Академиясининг “Кибернетика” илмий ишлаб чиқариш бўйлашмаси кибернетика институти илмий кенгашида, “ВИРТЕХ” Америка-Россия-Узбекистон қўшма корхонасида, ҳамда Узбекистон Республикаси “Фан ва транспорт” республика ӯкув-илмий-ишлаб чиқариш марказида муҳокамадан утиб тасдиқланган.

*"Рақбат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди.  
Raқbat – бозорнинг асосий шарти, айтиши мумкинки, унинг  
қонунидир".  
И.А. Каримов.*

## **I. БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ**

### **I.I. ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИНИНГ ҲАЁТИЙЛИГИ**

Ўтмишдан маълумки, ҳар қандай янги ижтимоий-иқтисодий тузимга ўтиш жараёни, одатда тарафларнинг кучли тўкнашувлари туфайли инқилобий йўл билан амалга оширилиб жамиятда катта талофатлар юз берган.

Бунга қарши ўларок СССРнинг парчаланиб кетиши ва ўрнида мустақил давлатларнинг таркиб топиши ва бозор иқтисодиётига қаратилган янги ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши эволюцион тинч йўл билан амалга оширилмоқда. Бу эса ҳали жаҳон тажрибасида учрамаган ўзига хос мураккаб вазиятни вужудга келтирди. Бундай ҳолат мазкур давлатлар олдига шундай мураккаб вазиятдан кутулиш йўлларини излаб топиш ва мамлакатларни умуминсоний маданий ва маърифий тараққиёт сари силжишларини таъминловчи муаммоларни ҳал этиш заруриятини кўйди. Бу каби мураккаб жараённи ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан ҳал килиб бўлмайди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов буни яхши идрок килган ҳолда республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган режалар ва бу борада юз берастган кийинчиликлар ва республикамизнинг ҳозирги ривожланиш ҳолати ва ҳал этилиши зарур бўлган долзарб вазифалар тўғрисида бор ҳақиқатни кенг меҳнаткашлар оммаси муҳокамасига ташламоқда.

Бинобарин И.А. Каримовнинг танлаган услуби, яъни ҳалқ билан бевосита мулокотда бўлиши ва ўз асарларида, маърузаларида ҳозирги замон ва келажакдаги ривожланишимизнинг йўлларини аниқлаб бериши замон талабидир.

Маълумки, ҳозирги даврда деярли жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида амал килинаётган бозор иқтисодиётига ўтиш собиқ СССРнинг барча республикалари олдида турган энг мураккаб ва бош масаладир. Бу жараёнга ўтишда шошманашошарлик билан, ҳали пишиб етмаган хомаки, ҳар хил «андозалар» асосида иш тутган республикаларнинг ачинарли

шаронти ҳаммага маълум. Чунки мана шундай фаолият туфайли айрим республикаларнинг ижтимоий-иктисодий даражаси 10 йиллар орқага қараб кетди.

Шу боисдан республикада бу соҳада олиб борилаётган ишилар ўз самарасини бераётганилиги ва жаҳон мамлакатлари эътиборини жалб этгаётганилиги билан диккатга сазовордир.

Булар И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон: миллӣ истиқдол, иктинос, сиёса, мағкура», «Биздан озод ва обод ватан қолсии» тўпламларида, «Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктиносий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон XX аср бўсағасида; ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон буюк қелажак сари» ва бошқа китобларида ўз ифодасини топган.

И.А. Каримовнинг мамлакатимизда рўй бергаётган ижтимоий-сиёсий ва иктиносий силжишларининг назарий омиллари ва ҷамаъий йўналишлари чукур таҳлил килиш асосида ёзилган «Ўзбекистон иктиносий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» йирик асарида республикамизда мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда кўлга киритилган муваффақиятлар кўламига объектив баҳо берилган, юз бергаётган иктиносий ислоҳотлар ижтимоий ривожланиш даражаси ва булар туфайли ҳалқимиз тафаккурида рўй бергаётган ижобий ўзгаришлар кенг таҳлил этилиб, келгуси стратегик вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Асада қатор услубий тамойилларга асосланилган, яъни тарихий ва мантиқий бирлик кўзга ташланади. Қолаверса мавжуд ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликлар кичик жараёнлардан то юқоригача таҳлил этилиб, давлат даражасида ҳал этиладиган хуносаларга келинниши ва кўйилган вазифалар республикамизга хос хусусиятлардан келиб чиқилгани умумбашарий талабларга ҳам мөсдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг бозор иктиносидиётига ўтиш йўли жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига қаратмоқда. Шунинг билан бирга жамиятда юз бергаётган миқдорий ўзгаришлар узвий ўрганинг кенг таҳлил этилиши эътиборни жалб қилмасдан қолмайди.

Шуни алоҳида қайц қилиш лозимки, таҳлил этилаётган жараён шакл жиҳатидан бир даврни ифода этса-да, мазмун жиҳатидан асрларни ўз доирасига қамраб олади. Чунончи ижтимоий хаётда мустамлакачилик ва ундан кейинги тоталитар

тузум даврларида юзага келган эндииятлар мустақиллик заминини яратиб келди ва уни юзага чиқарди. Шу боисдан олганда мустақилликни хадя этган XX аср хилма-хил фожиаларга «бой» бўлганилиги билан аввалтилардин фарқланниб туради. Бунда сиёсий фожиалар экологик, иқтисодий ва ҳарбий фожиалар билан туташиб жамият ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади. Айниқса биз яшаб турган заминимизда бундай воқеаларнинг таъсири жуда сезиларли ва шиддатли бўлган.

Мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз мана шундай заиф маънавий ва иқтисодий меросга эга эди. 1990 йилга келиб аҳоли жон бошига тўғри келган миллӣ даромад СССРда 2230 сўмни ташкил этган бўлса, республикамизда атиги 1100 сўм эди. Ваҳоланки, бу кўрсатуич Туркияда - 2650; АҚШда - 19000 долларни ташкил этган эди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, республикамизда мустақиллик ва ислоҳотларни амалга ошириш пойдевори жуда занф бўлган. Бу кўрсаткичлар ислоҳотларни ўтказиш тезлигига ва унинг йўналишларига жуда катта таъсир кўрсатувчи иқтисодий дастакдир. Шунинг учун ҳам республикамизнинг ривожланиш услубиятини белгиланади мавжуд иқтисодий салоҳиятнинг қувватини ҳисобга олмасдан иложи йўқ.

Мазкур асарнинг фазилатлашдан бири - унда ислоҳотларни амалга оширишини стратегияси аниқ кўрсатилган.

Ижтимоний-иқтисодий муносабагларда мамлакатимиз учун мутлақо янги бўлган, мулкчиликнинг ҳар хил шакллари бўлмнш ҳусусий ва қўпқатламли мулкка асосланган, дунё сари дадил қадам ташлаётган очик иқтисодиётга ўтиш содир бўлмоқда ва янги тарздаги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барло бўлмоқда.

Булар туфайли мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграция и қучайиб, чет эзлил сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши қучаймоқда ва уларни таъсир олиб келаётган сармояларининг ҳажми қўпаймоқда.

Демократик давлат ва фуқаролар жамиятими яратишни йўлга кўйиш мақсадида тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ва тизимлари шакллантирилмоқда.

Бу йўналишларда олиб борилаётган фаллик фуқароларимизнинг дунёқараши, ҳаётга муносабатларида ижобий силжишлар юз беришинга сабаб бўлмоқда. Энг муҳими бозор иқтисодиётининг заруриятини кенгроқ фахмламоқдалар.

Шунинг учун ҳам китобнинг биринчи ва иккинчи қисмлари ўзаро узвий боғланган бўлиб, унинг I қисми иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи яқунлари ва сабокларига, II қисми эса иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишларига бағищланган.

Мухим амалий чоралар мажмуасига китобда қайд этилганидек, давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп қатлами иқтисодиёт исосларини шакллантириш борасидаги тадбирлар киради. Чунки мулкка ким эгалик килиши масаласини ҳал этиш жамиятлардаги ижтимоий муносабатларнинг марказий масаласи бўлиб келган. Бу муаммога ҳам республикамизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шошмасдан босқичма-босқич ёндошиш баркарорлик гаровидир. Республикада мулкини хусусийлаштириш жараёни ҳам бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятта эга.

Ўзбекистонда ислоҳ килишининг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари teng ҳукукли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Бинобарин, давлат мулки монополизмини тутатиш ва бу мулкини хусусийлаштириш ҳисобига кўп қатлами иқтисодиётни шакллантириш мухим вазифа сифатида белгиланди. Ва уни амалга оширишнинг аниқ тизими ишга тушурилганлиги китобда кенг ўрин эгаллаган. Шунга мувофик мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғица аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратилганлиги ва таъминланаётганлиги алоҳида ургу берилган. Амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар туфайли хусусийлаштириш бўйича мухим натижаларга эришилди.

Энг мухими марказий иқтисодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти қайта кўрилиб, уларнинг зиммасига янги вазифалар юклатилмоқда. Шунга биноан давлат режа қўмитаси, давлат таъминот қўмитаси, давлат нархлар қўмитаси, давлат агросаноат қўмитаси ва бошқа йирик давлат қўмиталари тутатилиб, уларнинг ўрнига янги иқтисодий муносабатларни рўёбга чиқарувчи бошқариш бўғинларининг ташкил этилиши, молия вазирлиги ва марказий банкнинг таркибий тузилиши ва вазифалари ўзгарганлиги бошқариш соҳасида ўтказилаётган долзарб тадбирлардан эканлиги кўзга яққол ташлаиди.

Айниска назорат органларининг фаолиятини тартибга солини мақсадида давлат солик қўмитасининг тузилганлиги эътиборга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш

давлат кўмитасининг тащкил этилиши, республика тарихида биринчи марта тузилган ташки иктиносидий алоқалар вазирлиги зиммасига маъсулиятли вазифалар юкланганлиги иктиносидий ислоҳотларни жадаллаштиришга янгича ёндошиш эканлиги алоҳида таъкидланади.

Табиийки, бундай ўзгаришлар республика иктиносидётининг тармоқлари ва айрим муҳим соҳаларни бошқариш тизимида ҳам юз беради.

Чунончи, ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, иттифоқлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли билан батамом тутатилди. Умуммиллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ва соҳалар эса миллий компанияларга айлантирилиб, улар иктиносидий жиҳатдан батамом мустакилликка эришдилар (саёҳатчилик, транспорт, кинолаштириш ва бошқалар).

Шунга биноан кўйи бўғин ташкилотлари ва корхоналарга иктиносидий эркинлик берилиб, улар ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва маҳсулотларини эркин сотиш хукуқига эга бўлишилиги алоҳида таъкидланган.

Республикамизning ташки иктиносидий фаолияти «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмокда. Эшикларимиз дунё учун очик ва дунё эшиклари ҳам биз учун очик бўлишига ҳаракат қиласяпмиз», - деб Президентимиз олга сурган тамойиллар асосида олиб бориляпти.

Ахолининг ишончли ижтимоий химояси кафолатларининг таъминланиши иктиносидий ислоҳотларнинг ажралмас қисми эканлиги асосий тамойиллардан хисобланади.

И.А. Каримов ўз асарида таъкидлаганидек «Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин».

Чет эл инвестициясини иктиносиднинг таркиби ўзгаришлардаги ролига жиддий эътибор бериб, улар билан кўшма корхоналар барпо этиш истиқболга эга эканлиги асосланган. Хуллас, республикамизда шундай структура барпс этиш зарурки, у барча имкониятларни хисобга оны мамлакатимизнинг иктиносидий ва сиёсий мустакиллигин мустаҳкамлашни таъминласин.

Асарда юкори маълумотли ва малакали фуқароларни тайёрлаш ва тарбиялашга жуда катта эътибор кўрсатилиган.

Миллий тикланиш йўлми юмори заводхонлик, юксак маданийт орқали ўтишишга аходида ургу берилган.

## **1.2. ИКТИСОДИЙ МУСТАҶИЛИК ОМИЛЛАРИ.**

Бозор иктиносидёти кенг маънода товар-пул муносабатлари йигиндиси бўлиб, у ўз доирасига бозорни тўйинтириш учун товарлар ишлаб чиқариш, товарларни сийирбошлиш ва пул муоммаласининг дозирги жараёнларини ўз ичига олади. Лекин бозор иктиносидёти 40-50 йиллардаги бозор иктиносидёти эмас, балки юксак ривожланган монополлашмаган, яъни ўзининг дозирги замонавий кўрининишидаги эркин-товар пул муносабатидир. Шу жиҳатлари билан у классик капиталистик ва социалистик иктиносидётдан фарқ қиласди.

Ўзбекистон ташлаган бош йўл - иктисолий ривожланган, юъзи фаровон яшайдиган, инсон ҳаки-хукуклари тўла юзага чиқадиган, чинакам демократик жамият барпо этишдир. Албетта, бундай жамият курниш осон кечмайди.

Президентимиз ишлаб чиқкан «Ўзбекистон бозор иктиносига ўтишнинг ўзига хос йўли» концепциясида бозор иктиносини илохийлаштириш керак эмаслиги, унинг ҳам ўз муаммолари борлигини кўрсатиб берди. Булар: иктисолий туажумлик, ишсизлик, инфляция, корхоналарминг хонавайрон бўлишин, иктисолий жиноятларнинг кучайниши каби кўнгилсиз воқеалар бўлишини назарда тутади ва уларнинг давлат иштирокида кесиш мумкинлигини зътироф этади.

1990 йил маълумотларига қараганда, Ўзбекистон аҳодисининг 70 фоизи камбагалликда яшаган. Иккинчидан, Ҳамдустлик мамлакатлари билан иктисолий ва хўжалик алоқалиги мураккаблашганлиги туфайли ишлаб чиқариш корхоналари тўла кувват билан ишлай олмади ва баъзан тўхтаб камишгача бориб етди. Учинчидан, ислохотларга кадар Ўзбекистонда давлат сектори ва амалда давлатлаштирилган кооператив сектори миллий даромаднинг 90 фоизини яритган. Даъватлаштирилган иктиносидан, яъни давлат иктиёридаги иктисолий механизмни дарҳол йўкотиб, унинг ўринги бирданига бозор механизми келмайди, яъни бозор иктиносига бирдан ўтиб бўлмаганидек, унинг босқичма-босқич бўлишини тақозо этади.

Бозор иктисолий конунчиликка таянади, унга хос бўлган ҳатти-харакат қонидалири, иктисолий муносабатлар қабул килинган хукукий конунларда қайд этилаци. Бозор муносабати цивилизациялашган муносабат бўлганинги бонс у конун доирасида харакат килиши шарт. Файриконуний фаолиятни

жамият қабул эта олмайди. Конунлар ҳамма фаолият турларини узий boglaniшиги хизмат килганда ҳакикий бозор муносабати юзага чиқади.

Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини амалда тъминлаш учун ҳалқ хўжалигининг устувор йўналишларини ривожлантиришга ҳамда ишлаб чиқаришнинг замонавий миллий мағнгағга мос бўлган структураси яратилмоқда.

Маъумки, мамлакатимизда кичик хусусийлаштириш яъни уй-жойларни хусусийлаштириш, савдо, маҳаллий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи хусусийлаштириш жараёни амалда тутатилди, ҳисоб. Бундай тадбирларнинг амалга оширилиши аҳоли катламларини мулкдор бўлишини тъминлашга ёрдам беради. Чунки мустақилликнинг бирламчи асоси ва шарти ҳам мулк эгаси бўлишидир. Бу эса ўз ўрнида адolinинг канчалик мулкдор бўлишига караб уларнинг фаровонлиги ҳам ошиб боради.

Бугунги кунда ташки иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон учун энг аҳамиятлиси чет эл капиталини мамлакат иқтисодига жалб этишдир. МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон хорижий сармоялар ҳажми жиҳатидан биринчи ўринда туради. Муҳими, чет эл инвестициялари хисобига иш жойлари ташкил этилмоқда, бу эса истеъмол соҳасидаги кескинликни юмшатади. Чет эл инвестицияларини жалб қилиш, биринчидан, замонавий ускуналар ва илгор технологиянинг қўлланилишига; иккинчидан, юкори даромадли иш жойларини яратишги; учинчидан, бизнинг иқтисодий рақобат унсурларини олиб киришга имкон беради.

Республикамиздаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар иқтисодий тарбиянинг барчага баробар тааллукли ва узлуксиз бўлишини талаб этапти. Муаммонинг оммавийлиги иқтисодий тарбияни шакллантириш ҳақиқатай барча жойларда амалга оширилаётганидадир. Бу оилада, мактабда, мактабдан ташқари таълим муссасаларида, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ва хоказо. Иқтисодий тарбиянинг ривожланишини вакт билан, босқичлар билан чегаралаш мумкин эмаслиги унинг узлуксизлигидир.

Энг илгор фикрлар, мафкура, энг такомиллашган тафаккур фаолият воситасида моддийлашсагина, ишлаб чиқариш орқали кишилар турмуш даражасини яхшилашга таъсир этасигина, у иқтисодий тарбиянинг омилига айланади.

Узлуксизликни тъминловчи иқтисодга йўналтирилган таълим-тарбия тадбирлари тизимдаги марказий скіммо - бу

жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсdir. Шаҳснинг иқтисод фанини, илмини ўрганиб, камолга интилиши ижодкорликни таъминловчи омилдир.

Ватанимиз тарихига назар ташласак, аждодларимиз ўз замонасига мос иқтисодий фикр юритища алоҳида ажралиб турганлар. Бу борада уларнинг буюк ишлаб ўрганишни кашф этиб, савдо-сотик, моллар алмаштириш, ишлаб чиқаришни талаб даражасига караб ўстириш, хуллас, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга асос солғанларини эслаш кифоя. Темур ва темурийлар авлодлари ҳокимиятни бошкарган даврда ҳам мамлакат бойлигини кўпайтириш учун иқтисодий алокалар, иқтисодни бошқариш ишига кишиларни тайёрлаш, иқтисодни ривожлантиришга илм-фан ва маданият кишиларининг таъсири каби муаммолар ҳал этилган. Замон талаб этган кишиларни тарбиялашда иқтисодий аҳамият касб этувчи шахсий сифатларни таркиб топтириш марказий мавзу эканлигини А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ» асарида «Иқтисод» бўлимининг ажратилиши ҳам бундан далолатдир.” Бу замонда мақсадга ётмак, ўз миљлатига хизмат қилмок мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги миљлатларнинг ҳол ва қурдатлари мол ва бойликларданур. Ҳар ерда бой миљлатлар оғир келуб, палланлар ўлганидан факирларга енгил келуб, кул ва асир бўлиб қоладур...

Америкаликлар бир дона дон экуб, йигирма кишилик олурлар, оврупаликлар ўзимиздан олган беш тийинимизни келтуриб ўзимизга йигирма тийинга сотурлар, туркистонликлар думба согуб, чанлир чайнаймиз, сут ошармиз, нон ўрнига кесак тишилаймиз, замонга мувофиқ бўлмак учун илм ва маърифат билан инсоф, туганмас сабый-битмас гайрат лозимдир”. (Абдулла, «Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ» - Т, «Ўқитувчи»33-34 бетлар).

### I. 3. ИҚТИСОДНИ БОШҚАРИШ ТАРИХИДАН

IX аср охирида Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиб унинг тепасига келган Сомонийлар ва унинг авлодлари мамлакат қурдатини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун бир қанча ислоҳотлар ўтказдилар. Биринчи навбатда давлат бошқаруви ислоҳ қўлинди. Исмоил даврида девон (маҳкама) деб аталадиган 10 та бошқарма ташқил этилди. Бу бошқармалар учун Регистон ғиниде 10 та бино курдирди. Бу девонларда: вазир девони, (бош вазир); молия (кирим-чиким) ишлари девони, давлат ишларини бошқариш, давлат хужжатларини бошқариш ишлари девони, сокчилар, ҳарбий ишлар девони, хат-хабарлар, давлатта ҳос

мулклар · девони, мухтасиб (диний, савдо-сотик, хунармандчиликни назорат қилиш) девони, вакфлик девони, қозилик ишлари девони. Вилоятларда ҳоким худди шу девонларнинг бошликлари бўлган. Бу лавозимларга кишиларни олишда унинг келиб чиқиши, жамиятда тутган ўрни ва давлат тизимида турган кишилар билан бирга алоқасидан ташқари форс, араб тилларида Куръон ва шариат қонунлари ҳамда бошқа фанлардан ҳам хабардор бўлишлари керак бўлган. Бундай кишилар Сомонийлар даврида кўп бўлиб, давлатга ва исломга садоқат билан хизмат қилишган. Марказлашган бошқарув тизими давлат томонидан кишлоп хўжалиги, сув иншоотлари, савдо-сотикни ривожлантиришга қаратилган чоратадбирларни ўтказишга катта ёрдам берган. Аввало, кишлоп хўжалигини тиклаш, уни сув билан таъминлаш учун катта маблағлар ажратилган. Мовароуннахрда сувдан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишда «Ариклар хусусида китоб» деб аталган қоидалар тўпламининг тайёрланиши, сувдан фойдаланиш устидаги баҳсларни очища кўлланма бўлиб келган.

Яхё ибн Асад (819-855) даврида Тошкентда сув муаммосини ечиш учун 2 миллион дирҳам тул ажратиб, ариқ қаздирган. Бу қўшимча ерларни ўзлаштиришга олиб келди. Бу даврга келиб каналлар тор ва чукур қилиб кавлана бошланди, сув омборлари ва сув таксимлагичлар, оқава ариклар курилди. Сув кўтаргич иншоотларининг ихтиро қилиниши катта ютуқ бўлди. Наршахийининг ёзишича, Бухоронинг ўзида 10дан ортиқ ариқ бўлган. Бу ариклар бўйлаб дехқон хўжаликлари жойлашган ва тирикчилик қилишган. Арикларга сув ёрдамида ишлайдиган тегирмонлар курилган. Сомоний амирлари ташландик ва дашт ерларни ўзлаштириб, ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берган.

Наршахийининг «Бухоро тарихи» китобида ёзишича, Сомонийлар Бухорога яқин жойдаги Лаштак деб аталаған жойни сотиб олиб, уни ободонлаштирган, жоме масжиди курдириб дин вакилларига вакф қилиб беришган. Бу даврга келиб йирик ер эгалари табакаси пайдо бўлди. Ҳатто гуломлар (ҳарбий хизматга кирган кулилар) олий лавозимларга эриншган. Уларга ер сотиб олиш учун рухсат берилган. Бундай гуломлардан бири - Алп Тегин кўл остида 500 дан ортиқ кишлоп, шахарларда қаср, карвонсарой, ҳаммомлар, гална омборлари, минглаб кўй - эчки, туюлари бўлган. Тарихий манбаларда кўпинча бу даврга «атокли дехқонлар», «бақувват

дехқонлар» деган ибораларнинг учрашидан, йирик дехқон хўжаликларининг мавжуд бўлганилигини билиш мумкин.

Ўрта Осиё катта ер эгалитининг ўзига хос хусусиятлари бўлган. Тарихий манбаларда кўрсатилишича катта ер эгалари ўз ерларини майда қисиларга бўлиб дехқонларга ижарага беришган. Ендай дехқонларни корандалар деб аташган. Агар коранда ер эгасидан ишлаб чиқариш қуроллари, уруг олса ҳосилнинг учдан бир қисмини олган, факат ернинг ўзини олса, от, от улови, уруги ўзидан бўлса ҳосилнинг иккidan бир қисмини олган. Қишлоқ хўжалигида этиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнида кўплаб ҳунармандчлик соҳалари ривожланди. Терини ошлаш айникса Тошкент атрофида кенг таркалган. Ошланган терилар шу ернинг ўзида Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларга олиб борилиб маҳсулот қилиб чиқарилган. Бугдойнъ ун қилиш, шолини очиш, канопдан ин йитириш, нон ёпиш, ширинлик пиширувчилар ўз иш жараёнларинч гакомиллаштириб, ҳунарларнинг мохир устаси бўлган.

Ушбу даврда Мовароуннахр тарақкий этган ҳунармандчлик ва савдо-сотик марказига айланди. 1X-X асрларда шаҳарда ҳунармандчиликнинг мавқеи ўсиб борди. Бу вактга келиб Ўрта Осиёда олимларнинг ҳисоблашибича, 20-25 фоиз ахоли шаҳарларда яшай бошлади. Ҳунармандлар, савдоғарлар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кишилар шаҳарнинг асосий ахолиси бўлиб қолди.

Бу пайтга келиб ҳунармандчиликнинг барча соҳалари, гўқимачилик, заргарлик, темирчилик, ўйнакорлик, мисгарлик каби кўплаб ҳунарлар тарақкий этди. Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказлашуви, ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви, ҳом ашёнинг кўплиги, ички ва ташки бозорда маҳсулотлар ракобатининг кучайиши, давлат томонидан бу жараёнларни тартибга солиб турилиши ва кўллаб-қувватланиши ўлканн ўқтисодий ва маданий жиҳатдан равнақ топишига олиб келди.

Ўрга Осиёда тўқимачилик, жумладан Марв ва Бухоро вилоятларида айникса тарақкий этди. Чунки бу вилоятларда этиштиришган нахта ва ипак бу тур ишлаб чиқаришига катта таъсир кўрсатган.

Марв газламалари бутун Шаркда бозор.. чаккон бўлса, Бухоро «зандана» номли газламаси билан машхур бўлган.

Гермиз шаҳрида чинни идишлар, камон ўқи, совун, қишлоқ хўж ғонти учун меҳнат қуродлари ясалган. Археологлар

Эски Термиз шаҳри ҳаробаларидан темирчиларнинг йирик кварталини, шунингдек куолчилик, чинни идиш чикарувчилар, заргарларнинг кварталларини топишган.

Қоғоз ишлаб чиқаришда Самарканц усталирига тенг келадигани бўлмаган ва бу қоғозлар мусулмон мамлакатларидағи папирус ва пергаментни бутунилай сикиб чикаришган.

Афросиёбла керамика ишлаб чиқариш юксак даражада ривожланган. Бу ернинг ажойиб санъат намуналари (чинни буюмлари) Самарканц, Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажида, Шарқ маданияти музейларида сакланмоқда.

Давлат томонидан ички ва ташки савдода шароит яратилиши, яъни сэздо корхоналарининг хавфсизлигини гаъмилаши, олинидиган бож солиғининг камлиги, карвои йўлларидағи куляйликлари унинг ривожига катта тасир этди.

Давлат томонидан яратилган шарт-шароитлар, маҳсулотларнинг кўшиги ташки давлатлар билан бўладиган савдони ривожлантириди. Сомонийлар даврица Жацуби-Шарқий Европа, шунингдек Эронни, Олд Осиёни, Кавказни, Ўрта Осиё оркали Хитой билан боғлаб турувчи карвои савдоси катта аҳамиятга эга эди.

Сомонийлар томонидан пул ислохотининг амалга оширилиши ирки ва гашки савдони ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. «Исмоил» деб аталган кумуш тангалар тўлов воситаси сифатида машҳур бўлди. Унинг таркибида кумушининг кўплиги (92,5 фоиз) факаттинга ички савдода эмас, ташки савдода ҳам катта рол ўйнади.

Мовароунахр Сомонийлардан кейин корахонийлар, газнавийлар, Хоразмшохлар даврида иқтисодий жиҳатдан ривожланиб борган бўлса, XIII асрдаги мўгуллар истилоси халқлинг бошига оғир кулфатлар келтирди.

Сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан халқ оғир ахволда колди. Токи улуг бобомиз Амир Темур мўғул зулмиши тутатиб, йирик давлатга асос солғандан кейингина халқ қайта уйгонди.

Инсоният тарихида 1800 йилдан 1970 йилгача бўлган вақт самарадорликни ошириш муаммосини ўрганишдаги энг маҳсулдор давр бўлиб ҳисобланади.

Дунё иқтисод ёти самарадорлигини оширишга (айникса XX аср бошида) энг кўп хисса кўшганлар қўйицагилардир: Эли Уитни, Чарлз Бэббидж, Фредерик Тейлор, Аири Файол, Ҷенри Форд, Фрэнк ва Лилиан Гилбрет, Генри Гант ва Мэри Паркер Фоллеттлар.

**Маълумки, Э. Уитни (1765-1825й.)** пахта тозалаш машинасини ихтиро қылган ва кўпчиликка ҳали ҳам номиътум бўлган йигув конвейери ва машиналар кисмларини ўзаро алмаштира оладиган ишнч биринчи жорий эттан америкаликлар. У бу ишни 1812 йилдаги уруш арафасида ўзига тегишли курод-аслаҳа заводи ва пахта-когоз фабрикасида амалга оширган.

1832 йилда Ч. Бэббидж Уитни гоясини тарақкӣӣ эттириб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошиши тор йўналищда ишловчи ҳар бир ишчи мутахассислигига боғлиқ эканлигига алоҳида ўтиборни қаратади. Бэббидж ишчиларни машина билан алмаштирилганда иктисодиёт ўлчами ҳай даражада ўзгаришига онд катор масалаларни кўриб чиқди.

**Ф. Тейлорни (1856-1915й.)** «киммий бошқариш» муаллифи сифатида кўмдир осмону-фалакки кўтарган бўлса, кўмдир уни ерга урган эди. Балким, Тейлор ишчининг бир кунлик меҳнат ҳажмини хронометраж усули билан асослаш ва унинг меҳнат харажатларини ўргангани учун шундай мақтоз ва ўтироzlарга мойнилдири.

**А. Файсалини илмий бошқарувининг францийлар отаси цеб ҳам иташган.** У тог мухандиси бўлиб 1916 йилда «Умумий ва саноат бошқаруви» номли китобни чоп этди. Ушбу китобда бошқарувининг ўн тўртта тамойиллари ўз аксенин топған. 1949 йилгача ушбу китобнинг инглиз тилидаги таржимаси бўлмаган.

**Г. Форд (1863-1947й.)** у автомобилни ихтиро қылган эмас, лекин шундай арzon баходаги автомобилларни ишлаб чиқарганки, миллионлаб америкаликлар биринчи марта автомобил сотиб олишга муваффик бўлишган.

Тарихга жуда кетта таъсир ўтказганилардан бири Давид Рикардо (1772-1823) бўлди. У Англияда тутилиб, Лондон фонд биржасида кўп муваффақиятларга эришди. Ортирган давлати келажакда фин билан шугулланиш ҳамда Англия парламентининг умумпалатаси ишнда иштирок этиш имконини берди. Д. Рикардонинг инча машҳур «Сиёсий иктисол ва солиқда тортиш тамойиллари» деб номланган асари Адам Смитдан кейин уни мумтоз сиёсий иктисол гоҳларининг ифодачиси сифатида оламга танилди.

Рикардо ҳалқаро иктисодиётда савдо эркинлигининг афзаликларини тадқиқ қылгани туфайли айниқса машҳур бўлиб кетди. Эркин савдо сиёсати шундайки, бунда миллатлар ўртасидаги олди-сотидида тарифлар ва бошқа тўсиклар олиб ташланади. Ана шу нуктаи назарни исботлаш учун Рикардо биз

бутунги кунда қиёсий устуниклар деб атаётган концепцияни ишлаб чиқди. Бу устуникларни таҳлил этиш унга агар экспортчига нисбатан импортчи камрок сарф-харажатлар билан маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, бир мамлакат товарларини бошқа мамлакатдан импорт килиши мумкин, деган хулоҳага келган эди.

Киёсий устуникларнинг рикардоча талқини куйидагича:

Португалия ва Англияда вино ҳамда дагал мато ишлаб чиқарилади. Ҳар иккала мамлакат бир-бири билан ана шу маҳсулотларни айирбошлиш нақадар афзаликка эга эканлигини чамалайдилар. Шундай тахминий ҳисоб-китоб килайлик:

Х баррель вино У ярд (91,44 см) дагал мато билан эквивалент ҳисобланади (бинобарин, айирбош килиш мумкин).

Португалияда 80 ишчи бир йилда Х баррель вино ишлаб чиқариши мумкин. Англияда эса шунчак вино ишлаб чиқариш учун 120 ишчи банд бўлади.

У ярд дагал мато ишлаб чиқариш учун Португалияда 90 ишчи керак. Англияда эса шунчак дагал матони бир йилда 100 киши тўкӣ олади.

Кўриниб турибдик, деб давом этади Рикардо, Португалия винони ҳам, дагал матони ҳам Англияга караганда бир мунча самаралирек ишлаб чиқаришга қодир бўлса-да, у вино гайёрлашгага иктинослашади ҳамда дагал матони Англиядан импорт килишини маъкул кўради. Бу шунинг учун ҳам қулайки, Португалия Альбион билан савдо-сотиқ қилар экан, бир йил мобайнида ўзида 90 киши ишлаб чиқарадиган м.кдордаги матони Англиянинг 80 ишчиси меҳнат маҳсулти сифатида олади. Ўз навбатида Англия ҳам бундай мол айирбошлишдан ютади. У дагал мато тўкишга иктинослашар экан, ўзида 120 киши ишлаб чиқарадиган микдордаги винони Португалиядан 100 ишчи меҳнат маҳсулти сифатида олади.

Рикардо парламент аъзоси бўлгани ҳолга ағъланавий ҳөмийлик қилиб туриш сиёсатидан воз кечишга мажбур этиши маҳсадида ҳукуматга кучли даражада таъсир ўтказа бошлади. У ўз ниятига эришгунига қадар оламдан ўтиб кетган бўлсада, зўр бериб қилган саъй-ҳаракатлари ниҳоят ўз самараларини келтиради: 1840 йилда Англия савдо сиёсатини қўллауб-куватлаган дунёда биринчи мамлакат бўлди. Ўшандан кейин иктисолиёти барқ уриб ўтган 70 йил мобайнида Англия ер юзидағи энг бой давлатлардан бири қаторидан ўрин олди.

## I.4. ИНФРАСТРУКТУРА КАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ҳаммага маълумки ўзига хос иктисадий муносабатларсиз бозор пайдо бўлмайди. Ҳаётлэги ёрқин мисолларга ўтамиш. Сабзовотчилик маҳсулотлари, яъни помидор, бодиринг, сабзи, карам ва шу кабиларни етишириш билан шугууланадиган дехконга мавжуд ажратилиган ердан ўн баробар катта ер ажратиб берилса, унумдорлик ҳам шунча марта ошади деб айтиш мумкинми? Йўқ, албатта. Нима учун деган савол туғилади. Жавоб жуда оддий, тайёрланган маҳсулотни ҳарид қилинишига ишонч йўқ. Бусиз ҳеч ким ортиқча уруг, ортиқча ўғит, ортиқча техника сотиб олмайди, ортиқча меҳнат қилимайди. Бунинг устига транспорт ҳаражатлари тўхтовсиз ўсиб бормокда, агар республикадан ташқарига олиб чиқиб сотиш керак бўлса, дехкон керакли ҳамма конун-қоида, тартиб ҳуллас қогозбозликни амалга оширолмайди.

Бундай шароитда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришинирагбатлантириш керакч сэмарани бермайди, албатта. Ҳўш нима қилиш керак? Албатта, биринчи павбатда ҳарид масаласини ҳал этиш керак. Кандай йўл билан ҳал этиш керак?

Ушбу масалани ҳал этиш учун нима тўскинилик килаётганини аниқ билиш керак. Ҳарид бозорини бунёд этишига кандай факторлар салбий таъсир этажти? Жуда оддий фактор шундан иборатки, ҳарид билан шугууланувчилир учун ҳеч бўлмагандыа банкдан олинадиган қарз кўринишида нул керак. Пул эса буютириладиган маҳсулотни сотиб олиш ва уни ташиш учун керак бўлганди ҳаражатларни коплаш учун керак бўлади. Маҳсулотни саклаш учун маҳсус жой, сотиш учун дўйон керак. Ҳар бир шартнома белгиланган тартибда қайд этилиши керак, шартноманинг бузилиш ҳолати, эса ҳўжалик судида кўрилади. Олинган маҳсулотларнинг сифатини бузилиб қолмаслиги, яъни ўз вактида ҳарид қилинмай қолишини олдини олиш учун ўзига хос ахборот хизмат ўчоклари бўлиши керак. Телефон, телеграф, телекс алоқалари, почта хизматлари ҳакида галириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Қиска қилиб ўтигандага маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан ҳаридорга етиб боргунча бўлганди ҳаракатини ўзаро боғланган бозор инфраструктурасини ташкиш этувчи воситаочи таъмин этиди. Бозор механизми тўлиқ куз билан ишга тушиб кетиши учун инфраструктура ўзининг ростворчи вазифасини бажараётганлигини аннеклаш керак.

## ИНФРАСТРУКТУРА НИМА?

Инфраструктура - бу маҳсулот ишлаб чиқарувчини хари ўр билан бир бутун бозор шароитида чамбарчас боғлайдиган хизмат ўчголарицир. Маҳсулотни ишлаб чиқариш инфраструктураси ўз таркибига қайта ишлайдиган саноатни, шу билан бирга табиний икlim шароити, агросаноат мажмуси - хўл мева, сабзовотларни мухитга қараб тайёрлаш, маҳсулот хом ашёсининг бир текисда тайёрланмаслиги (хайвонлар териси, эчки юнги, кушлар пати ва ш.к.) киради.

Аҳолининг мол ва хизмат кўрчнишларига бўлган эҳтиёжи кўйидаги хусусиятлар билан ажralади:

- озиқ-овқатларга бўлган текис эҳтиёж; кийим ва оёқ кийимлари-мавсумига қараб; мураккаб техника анжомлари;; хотекис эҳтиёжларга уйда ишлатилувчи мебеллар, уй ва шу кабилар киради.

Инфраструктура қўйидагиларни таъминлаши керак:

- ишлаб чиқариш учун энг кулай шарт-шароит яратиб беришга мўлжалланган эҳтиёжнинг ҳамма талабларини кондириш;
- хизмат кўрсатиш учун кетадиган ҳаражатларни камайтириш;
- ҳамма бўлим ва бўлинмалар фаолиятини координациялаш;
- маҳсулотнинг жамоат учун керак бўлган баҳосини аниклаш;
- эҳтиёжни кондирувчи ҳамма маҳсулот турларини кўпайтириши раббатлантириш ва бунинг учун керакли инвестицияларни кўпайтириш йўл-йўргини қидириб топиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун бозор маркетинги асосида буюртмаларни бўнёд этувчи коллектив буюртмачи ролини бажариш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг иштирокчилари қўйидагилар: маҳсулотни ишлаб чиқарувчи, мол-хомашё биржасининг далполи, таъбиркор банк, консигнация омборлари, автотранспорт корхонаси, юк машиналарининг эгалари.

## **И БОВ, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСДА МЕНЕЖМЕНТ, МАРКЕТИНГ**

### **II. 1. МЕНЕЖМЕНТ НИМА?**

Менежмент - инглизча сўз бўлиб, ўзбекчада бошқарув маъносини англатади. Асримизнинг 60-йилларида менежмент америкача бошқарув деб тушунилган, кейинчалик «илмий-бошқарув» деб юритила бошлаган. АҚШда ҳозирги замон бошқарувни аср бошида вужудга келган, деб ҳисоблашади ва Тейлор номи билан боялашади. Тейлор: «Бошқарув - аник қонун ва қоидаларга таянадиган ҳакиқий илм» деган эди. 30-йилларда эса «инсон омили», «одамлар ўртасидаги муносабатлар», «индустрнал социология», «гурӯҳ бўлиб масалани дал этиши», «мувозанатни тавмиилаб бошқариш», кейинчалик «инсон муносабатлари доктринаси» юзага келди. Бошқарув илмининг американлик намоёндалари ҳозирги даврни «илмий менежмент» даври деб таърифлайдилар.

Шундай килиб менежмент бу - бошқарув. Ресурсларни, одамларни бошқариш, унинг асосий мақсади - олинадиган фойдани кўпайтириш. Бошқарув ишлари билан шугулланувчишарни менежерлар дейишади. Барча ижтимоий муаммоларни, иқтисодни ривожлантириш йўлидаги ҳамма кийинчилкларни, агар уларга ишбиярмонлик руҳида ёндашилса, «яратувчилик менежменти» орқали осон дал этиш мумкин. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалигида менежментга ижобий ёндашиб, зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ҳамма ривожланган мамлакатларда, хусусан АҚШда барча тушунчаларни «ташкил қилиш» ва «бошқариш» билан боғлайдилар. Улар корхона, фирма ва ҳўжаликларни тўғри ташкил қилиб, кейин бошқариш керак, дейшилар. Асосий иқтисодий категорияларни ҳам бошқарув сўзини қўшиб айтадилар. Масалан, «мехнат унумдорлигини бошқариш», «сифатни бошқариш», «молияни бошқариш», «нархни бошқариш» ва доказо.

Ҳакиқатдан ҳам бошқариш билан ҳўжалик фаолияти кўрсаткичлари ўртасида узвий боғланиш бор. Бошқарув юқори савиядга олиб бориладиган ҳўжаликларда интизом, унумдорлик, даромад (фойда) юқори ва аксинча, сарф-харажат, камчилик ва нуқсонлар оз бўлади. Бошқарув, аввало, бажариладиган ишларнинг ҳажми ва турини аниқлаш, ходимлар ўртасида тақсимлаш, ресурсларни етказиб бериш, ҳисоб-китоб, назорат, харажатларни кузатиб борини, молияни ва даромадни

шаклантириш, уларни ишлатиш демакдир. Шу боис хорижда бошқарувга жиiddий эътибор берилади.

Энди кишлоқ, хўжалигида менежмент масаласига келсак\*, бозор муносабатларига ўтилаётган боис менежментни кўллаш учун зарур вазият, шарт-шароит юзага келди. Энди менежмент усувларини аста-секин кўллай бошлаб, кейинчалик кўламини қонгайтириш зарур. Бунинг учун маҳсус тайёргарлик шарт эмас. Менежмент усувлари канчалик тез ва эрта қўлланилса, унинг самараси шунчалик тез намоби бўлади. Менежмент ёрдамида испоҳотни ҳам, асосий ишларни ҳам юқори савиядада олиб бориб, салмоқли иқтисодий кўрсаткичларға эришиш мумкин.

Хозирги даврнинг юқори малакали менежерлари асосан куйидаги ҳислатларга эга бўлишлари керак:

- воқеалар ривожини олдиндан кўра билиш, стратегик рожани тўғри олиш;
- моддий-техникавий, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларини вактида ахрата ва тўғри йўналтира билиш;
- мураккаб вазиятларда тўғри ва асосли қарорлар қабул кила олиш;
- ўз касбларни сирларини мукаммал эгаллаш ва жон кўйдириб ишлаци;
- асосий эътиборни камчилик ва нуқсонларнинг келиб чиқиши себабларини бартироф этишига каратиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлитетини тиъминлаш.

Бошқирик тамойиллари жуда кўп. Бизнинг шароитда бемалол кўлласа бўладиганлари «тўрт мақсад» ва «7-С» тамойилилариди.

«Тўрт мақсад» тамойилига кўра, бошқарув иқтисодий, ишлаб чиқариш, «ноу-хау» ва ижтимоий ҳимояга оид вазифаларни бажаришни кўзлаб олиб борилади. Шу тўрт мақсадга оид микдорий кўрсаткичлар белгилиниб, ҳамма ресурслар шу мақсадларга эришишга йўналтирилади.

«7-С» тамойили корхона, фирма, хўжалик ўз олдига кўйган иқтисодий натижага эришиш учун куйидаги йўналишларда иш олиб боришини назарда тутади: стратегия, структура, тизим, ходимлар таркиби, бошқарув кондаси, бошқарув маҳорати, якуний натижалар. Бу тамойилга мувофик, аввало, иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилиб, уларга эришиш учун лозим даражадаги ишлаб чиқариш структурасини яратниш, ресурслар билан таъминлаш, ходимларни танлаш,

ўқитиш, бошқарууда энг самарали усул ва тажрибаларни кўллаш лозим бўлади.

Япония ҳам менежмент соҳасида кўп янгиликлар яратган мамлакат. Ҳозир ҳам дунёда етакчилардан бири ҳисобланади.

Японлар бошқарувни, аввало, тўла берилиб ишлаш, агар керак бўлса, ўзни қурбон қилишга ҳам тайёр туриш, деб тушунадилар. Ўзини бошқарувга бағишлаган инсон ҳурматта сазовор бўлади ва жамиятда масъулиятли, шу билан бирга шарафли ўрин эгаллади.

«Канбан» усули японларга тегиши бўлиб, у бошқарув илми тарихида энг самаралисиdir. У ишлаб чиқаришинг узлусиз ҳаракатини таъминловчи бошқарув гизими ҳисобланиб, хомашённи тайёр маҳсулотга айлантириб, истеъмолчиларга етказиб беришини таъминлайди. Ҳодимларни танлаш ва ишга ёллаш, маҳоратини баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш, ўқигиши ва малакасини ошириш, улар солдига аниқ мақсад ва вазифалар кўйиш, лавозимларни алмаштириб туриш (рэзация) япон менежментининг ўзига хос хусусиятлариданди.

Японияда фирма манфаати бошқа ҳамма манфаатлардан устун қўйилади. Фирмада ишловчилар катта оила руҳида тарбияланадилар. Ўзига нисбатан ғамхўрликни хис этган ҳодимлар ўзларини фирмага нисбатан бегона тутмайдилар. Раҳбарлар ва ишчиларнинг тақдирини бир деб қаралади ва шу боис улар бир ошхонада овқатланадилар ва доимо бирга бўладилар.

Умуман, японлар ҳам худди ўзбеклар сингари оиласпарвар ва болажон бўладилар. Шу бойс бу ерда менежернинг қобилиятига кўпчиликнинг фаолиятини уйгуни ҳолда ташкил эта олишига, уларни бир бутун жамоага айлантира билишига қараб баҳо берадилар.

Хулоса қилиб айтганда, республика қишлоқ ҳўжалигида ҳозирги замон менежменти тажрибасини кўллаб, унинг имкониятларидан тўла фойдаланадиган пайт келди. Президентимизнинг «Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан кўллаб-куvvatлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тармоқда ёпиқ турдаги хисседорлик жамиятларини тузиб, менежментнинг ўзимизга хос ва мос усулларини кўллаб, бундай ҳўжаликларни японлар сингари бир бутун оила даражасига кўтариш ислоҳотлардан кутилаётган натижатарни беринчи, шубҳасиз.

Фарб мамлакатлари менежментида асосан 2 хил фаолиятга эътибор юкори:

1. Техникага оид фаолият - маълум бир соҳада янги техника, технология ва хом-ашёларнинг прогрессив турларини яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича. Ушбу фаолиятда энг муҳими мутахассиснинг техника ва фан соҳасидаги билими, ихтирочилик санъати ва мухандислик тажрибаси ҳисобланади. Бу соҳада ютуқ битта истеъододли ихтирочининг меҳнати ёрдамида таъминланиши мумкин. Менежментнинг вазифаси эса истеъододли кишиларни кидириб топиш, аниқлаш ва уларнинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатdir.

2. Бошқарув фаолияти - ишлаб чиқариш жараёнлари мувофиқлигини йўлга қўйишни таъминлаш, ходимлар фаолиятини уйғулаштириш ва ташкил этиш бўйича.

Бошқарув фаолиятида, олдингисдан фарқли ўларок, мудаффакият асосин барча ходимлар меҳнатининг самарааси эвазига қозонилади. Раҳбарнинг моҳирлиги - барча ишларни ўзи бажаришида эмас, биреки кўпчилик фаолиятини ташкил этиш, керакли оқим сари йўналтиришдан иборат

Менежментнинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

а) Истеъмолчини ўрганиш бориш. Корхона фаолияти билан боғлик фактларни ўрганиш ва таҳлил қилишни билиш. Мунтазам равищда ретроспектор таҳлил қилишни билиш. Корхона фаолиятига ташки омиллар таъсирини прогноз қилиш.

б) Жорий ва келажакдаги вазифаларни белгилаш. Жамоанинг ички имкониятларидан фойдаланишга каратилган стратегик концепцияларни ишлаб чиқиш.

в) Кўзланган мақсадларга эришиш йўлида барча ресурс ва воситаларни (ходимлар, асбоб-ускуналар, хом-ашё ва материаллар, молия, маълумот ва ҳ.к.) бирлаштиришни ташкил этишни таъминлаш. Корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини барча турдаги ресурслар билан таъминлаш нуқтан-назаридан мувофиқлаштириш. Норматив базадан фойдаланиб смета ва баланс бўйича ресурсларни сарфлашга оид кўлланмаларни аниқлаш. Мухим ресурияларни мустаҳкам назорат ўрнатиш.

г) Фаол ижро этувчи структураларни яратиш. Одамларни қадрлай билиш. Уларни танлай билиш, ўз вактида ташаббускор ва қобилиятлilarининг мартабасини ошириш. Меҳнат жамоасини бошқаришининг мақсад ва вазифалари билан хабардор қилиб бориш. Ходимларда ишга нисбатан бўлган қизиқишини хам моддий, хам маънавий ташкил этиш.

## **МЕНЕЖМЕНТ ЦИКЛИ**



### **II. 2. КОРХОНА МАВҚЕНИИ МУСТАҲКАМЛАШДА МЕНЕЖМЕНТНИНГ РОЛИ.**

Олдинги бўлимлардан аён бўлишича «менежер», «менежмент» деган, бозор иктисодиётига тегишли бўлган тушунчаларни ўзлаштириб олдик. Ҳозирги давримизда «бизнинг директор яхши менежерда» ёки «бизнинг корхонада менежмент яхши йўлга кўйилган» деган ибораларни эштиб қоламиз. Бу билан улар ўз бошликларининг маъмурӣ-буйруқбозлик системасидан бозор иктисодиётига мос бўлган бошқаришнинг янги услубларини кўллаганлиги ҳакида хурсандчилик билан қайд килимокчи бўладилар. Менежер деганда биз лавозимни эмас, юқори малакали бошқаришни уюштирувчи мутахассисни кўз олдимизга келтиришимиз керак, яъни ишлаб чиқариш воситаларига таалуқли бўлган бир турух кишиларни замонавий бошқаришининг янги услублари билан куролланган бошқарувчини, ривожланган давлатларда, менежер деб атайдилар.

Менежер юқори унвонли ёки даражали бошлиқ бўлиши шарт эмас. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда менежментнинг (ва шу сабабли менежерларнинг ҳам) уч погонаси ёки тоифасини ажратадилар:

- Top management - бошқаришнинг юкори погонаси;
- Middle management - бошқаришнинг ўрта погонаси;
- Lower management - бошқаришнинг кўйи погонаси.

Менежмент - ўзига хос фаолият билан шугулланувчи гижорат корхонасининг бошқариш органидир. Фарб мамлакатларида «Мерседес-Бенц» ёки «Дженерал Моторс» корхоналари дейилса, шу корхоналарнинг бошқариш органлари - менежментни тассавур килинади, яъни корхоннинг унинг бошқариш органи - менежментни асосий вакили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир уддабуррон (ишбильармон) корхона иш юритиши жараёнларини ўзининг бошқарувчи органи - менежмент орқали амалга оширади. Бошқариш органлари ҳар хил тармоқларда бўлиб (давлатни, армияни, диний муассасаларни бошқаришда), уддабуррон корхонанинг бошқалардан фарки, яъни менежментнинг асосий вазифаси, товар ишлаб чиқариш ёки керакли хизматни кўрсатиш, яна бошқа сўзлар билан айтганда бозор тизими орқали иштеполчанинг талабини кондиришдан иборатdir. Бошқа ташкилотлардан фарқли ўларок, ишлаб чиқариш ёки фойдали хизмат кўрсатиш уддабуррон корхоналарнинг менежменти, ўз фаолиятида, асосан, иктисадий гушунчаларни асосий пойдевор деб ҳисоблаши зарур. Корхонанинг порлоклиги ва келажаги менежментнинг юксак иктисадий натижаларига эришганлиги билан аникланади. Менежмент, ифодасига биноан, у шундай органки, индустрiali ривожланган жамиятда фаол ҳизмат қилади, яъни менежмент ёки менежернинг иш фаолигини жамият, ҳудуд, корхонага келтирган иктисадий каромати, натижалари билангина ўлчаш ва ҳисоблаш мумкин.

Менежмент асосан амалиёғ бўлиб, илмни ҳам, мутахассисликни ҳам ўз ичига камраб олади. Охирги пайтларда, корхоналарнинг ўртасида ракобатнинг кучайинши ва бунинг натижасида бозорнинг ўта тўйинини натижасида, корхонани бошқариш (менежмент)да катта ўзгаришлар вўй берди. Агар аввалилари бозорнинг ўзгаришига тез эътибор берадиган менежмент (менежер) ҳурмат ва эҳтиром козонган бўлса эндиликда эса ўз корхонаси учун янги бозор топадиган ёки бор бозорни ўз Сойдасига оғиштирадиган менежмент (менежерлар)нинг баҳоси юкори ҳисобланади. Менежментнинг асосий вазифаси хоҳлаган истакни мумкинлигини ва бор шартшароитларга таянган ҳолда мумкинлигини амалиётга оширишдан иборат деб бекорга айтмасалар керак. Менежментнинг асосий вазифалари:

- корхонанинг олдига қўйган мақсадларини (Management by objectives) амалга оширишдир. Шу хусусияти билан ҳам менежмент аввалги бошқариш услубидан фарқ қиласди. Менежментнинг вазифасидан яна бири, содир бўлган одам ва материал ресурсларидан фойдаланган ҳолда рентабеллик корхона яратишдан иборат. Агар менежмент ва менежерлар фаол ишласа, корхона бошкা конкурент корхоналарга нисбатан сифатлироқ, лекин арzonроқ товарлар ишлаб чиқариш ёки фойдали хизматлар кўrsatiши лозим;

- у доимо иш воситаларига эга бўлган одамлар гурухининг ишини уюштиришдан иборат;

Корхона тузиш учун капитал ёки молич, менежернинг мўлжаллаган ишини биладиган, яъни корхонанинг мақсадини ва ютугини таъминлайдиган ходимларни топиш, бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ҳам катта муаммо, корхонанинг иши яхши бўлса майлия, корхонанинг норентабел ишлашида оддий ишчиларни айбдор деб хисоблаш тўғри эмас, демокчимиизки, менежмент ва менежерлар бўйнида катта масъулият бор: бу ҳам бўлса, корхона инкиrozга учраса ишчиларни эмас, бошликларни алмаштириш керак. Демак, менежмент коллективнинг ишини уюштириш экан, шу колективда бўлган психологик мухит, кишиларнинг меҳнатини рагбетлантириш орқали меҳнат самарадорлигини ошириш менежернинг асосий вазифаларидан бўлиш керак. Менежер карор қабул килиш жараёнида айни вактни эмас, келажакни назарда тутиши керак; бир корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот учун бозорлар топиш, топилган бозорларда ўз мавқенини мустаҳкамлашдан иборатди. Шу йўл билан менежер корхона оғцига қўйилган асосий мақсадни бажаради. Корхонадаги ишчиларни иш жойлари билан таъмини ўди, уларни раъбатлантиради, истеъмолчининг хохишини қондириди. Истеъмолчининг хохишини қондириш йўлида эса менежментнинг маркетинг ва янгиланиш (инновация) вазифалари асосийлардан бўлиб хисобланади.

Маркетинг вазифаси фақатгина маҳсулотни сотишида эмас, ундан кенгроқ кўламда, яъни маҳсулотни сотгандан кейинги даврни ҳам ўз ичига олади. Масалан, маркетинг илмий изланишлар, хом ашёни сотиб олиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, қадоқлаш, бозорга етказиш, истеъмолчиларга сотиш, хизмат кўrsatiш, эҳтиёт кисмлар билан таъминлаш ва хоказо даврларни ўз ичига олади ёки кисқаси истеъмолчининг хохишини қондиришдан иборагдир. Маркетингнинг

концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш фақаттина юқори погонали менежментнинг вазифа доирасига киради.

Маркетинг бошқариш фаолияти сифатида ўз ичига куйидагиларни олади:

- маълум бозор ёки унинг сегментида аник товарга бўлган талабини ўрганиш;
- бозор талабини муфассал ҳисобидан келиб чикиб маҳсулот бўйича маркетинг дастурини тузиш;
- уни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва товарнинг энг юқори чегара баҳосини аниклаш;
- фирма хўжалик фаолиятининг охирги натижасини аниклаш, яъни даромад ва соғ фойдани аниклаш;
- Компанияларда марказий маркетинг хизмати ташкил килинган бўлиб, у куйидаги фаолият йўналиши бўйич жавобгардир:
  - маҳсулот бўйича маркетинг дастури;
  - бозорни тадқиқ қилиш;
  - янги тур маҳсулотлар ва товарларни ишлаб чиқиш;
  - реклама ва истеъмолчиларга техника хизмати кўрсатиш;
  - сотинни ташкил этиш;
  - товарни таниш;
  - маркетинг фаолияти бўйича умумий раҳбарлик.

Юқори погонали менежментнинг асосий вазифасидан бири янгиланиш (инновация) бўлиб, у юқори сифатли янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришни ўз ичига камраб олади. Янгиланиш деганда фақаттина техникавий янгиланишини эмас, хизмат кўрсатиш соҳасидаги янгиланишларни ҳам (хизмат кўрсатишнинг янги турлари, истеъмолчига мос келадиган нархнаво, сифатларнинг янгиланиши) кўз олдимишга келтиришимиз мақсадга мувофик бўлади. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига карши кураш ҳам шулар жумласидандир;

▪ Менежментнинг ечадиган масалаларидан яна бири одам соғлиги учун ҳавфли бўлган, юқори малакали иш-кучини талаб килимайдиган, атроф муҳитни ифлослантирадиган жараёнларни автоматлаштиришдир. Қорхонанинг самарали фаолияти унинг ташкилий структурасига боғликдир. Шу жиҳатдан корхонада самарасиз, паразит ҳолатида ишлайдиган гурух ва шахсларни ўз вактида йўқ қилиш ҳам менежментнинг вазифаларидан ҳисобланади. Бозор шароитида, айниқса ракобатлар мавжудлигида, бўзи бир йирик истеъмолчиларнинг ахволлари тангликка яқинлашганида корхонанинг келгусида хатарлик эҳтимоли ошиб бораверади. Менежментнинг ҳамма қонун

коидаларига риоя қилиб, корхонанинг келажагини режалаштирганда ҳам хатар эҳтимолини бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Корхона шароитида таҳлил ишлари катта аҳамиятга эгадир. Таҳлил қилинаётганда корхонанинг бозордаги мавқенини кечаги ёки бугунги кунга қараб эмас, узоқ келажакдаги аҳволини назарда тутиш керак;

корхонада психологик аҳволни бошлиқ билан хизматчилар ўртасидаги муносабатни, хизматчилар билан хизматчилар орасидаги муносабатни юкори ҳурмат тариқасида ўшлаб туришдир. Чунки шундай бўлмаса корхонанинг куидан-кунга аҳволи бозорда, айниқса истеъмолчилар орасида сусайиб боради, меҳнат самарадорлиги пасаяди ва буларнинг ҳаммаси корхонани инқироз даражасига олиб келиши мумкин.

Фирма ёки корхонанинг раҳбарияти бозордаги аҳволни таҳлил қилганда қўйидагиларга эътибор берини мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳозирги вактда корхона чиқараётган маҳсулотларнинг бозордаги мавқеи ҳоҳлагандайми ёки йўқми?
- корхона чиқараётган маҳсулотларнинг мўлжалланган бозордаги аҳволи қай тарзда?
- йишилаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қайси бирини, самарадорлик нуқтаи назаридан, корхона режаларидан чиқариб ташлаш керак?
- янги бозорларга мўлжалланган маҳсулотларни ишилаб чиқариш қай аҳвозда?
- агар юкорида кўрсатилган масалалар ижобий ечимга эга бўлса, у ҳолда ҳозирги бошқариш тузилмасига қандай ўзгартиришлар киритиш керак?

Янгиланишни киритиш, юкорида айтганимиздек, корхонага эмас, баъки истеъмолчига боғлиқ бўлиб, корхонанинг менежменти эса истеъмолчига керак бўлган янги маҳсулотларни ишилаб чиқаришни ўзишининг таҳлилига асосан, улардан аввалроқ чиқаришни кўзда тутиши ва шу даражада самарали иш олиб борини керак. Бу соҳала қўйидагиларга эътибор берини керак:

- бозорнинг маълум бир қисмини эгаллайдиган янги маҳсулот ёки хизматларни аниқлаш;
- эскирган маҳсулот ва хизматларининг ўринини олувчи янги маҳсулот ва хизматларни аниқлаш;
- янгиликларни киритиш ва иш жараёнининг колган соҳатарida (иш юритиш, жамоатчилик билан алоқа ва муносабатлар ва хоказолар) иш услубларини ўзгартирини.

Бу ишларни амалга ошираётганда янги (математик моделлар, компьютерда оптималлаш ва ҳоказо) услублар билан «бозор»ни вужуди билан сезаоладиган кишиларнинг фикрига ҳам кулок сола билиш керак.

Бундай янгиланиш таҳлиллари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва ишлаб чиқариш дастурларини 2-5 йил ичида (автомобил ишлаб чиқариш гармоғи ҳар йили янги модел ишлаб чиқаради) янгилаб, ўзгартириб туриш корхоналар учун жуда зарур ва кераклийдир.

Хозирги кўп тармоқли ишлаб чиқариш жараёни нуктаи назаридан мураккаб бўлган корхоналарга бир кишининг намунали менежер бўлиши ҳақиқатдан узокдир. Шунинг учун ҳам гарбдаги йирик корхоналарда раҳбарият бир киши тарзида эмас, ишчи гурух тарзида амалга оширилади. Жуда майдада бўлмаган фирма ва корхоналарда менежерлар баъзи бир ваколатларини бошқа бошликларга вактимчалик берип турадилар. Шундай қилиб замонавий гарб корхоналарида бир гурухдаги менежерлар бошқа гурухдаги менежерлар билан узвий боғланган ҳолда (Managing Managers) иш олиб борадилар.

Managing Managers бошқариш тизими масала қўйиш ва ўзини ўзи текшириши асосида олиб борилиши керак. Бу тизимда юқори бошлиқдан тортиб то мастер ёки катта ишчигача ҳамманинг ўз олдига қўйган ва корхона умумий мақсадининг бир бўлагини ташкил этадигин аник ва равон масалалари бўлиши керак. Иш юритишнинг бундай услуги ўз-ўзини тешкиришни жорий қилиш билан бирга, хизматчиларнинг ишдан хайдалиш ёки пул мукофоти олмаслик ҳақидаги вахима ва таҳликасини йўқка чиқариш мумкин. Шундай қилиб менежментнинг асосий ечадиган масалаларидан бирни ҳар бир корхона аъзосига аник ва равшан масала, ҳар бир менежер эса ўзининг ютуқ ва камчиликларини таҳлил асосида олиб боришни ва шу билан корхона олдида турган мақсадларга эришища самарадорликни оширишдан иборатdir. Юқоридагилардан келиб чиқадики, юқори раҳбарият ҳеч қачон истеъмолчининг ролини, ходимлари эса, раҳбарият билан узвий боғланган ҳолда, у билан ишлашга тайёр эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаслиги шарт.

Гарб мамлакатларида корхона ёмон ишласи «балик бошидан сасииди», «бутилканинг тор жойи юкорисида» деган иборалар ишлатилади. Австрия императорлари бир неча бор ўзларини биринчи ҳалқ хизматкорлари деб айтганлари бежиз эмасдир. Баъзи бир бошликлар корхонанинг ютуғи,

ишиларнинг осойишталиги унинг қабул қилган қарорига боғлиқ деб хато ўйлайдилар. Аслида эса боштикларнинг ҳәттимоти, онласининг осойишталиги корхона ходимлари ва истеъмолчиларнинг хоҳишлари билан бевосита боғлиkdir.

Жойи келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳамма менежерлар, айникса юкори погонали менежерлар юкори маълумотли, ҳамма соҳадан хабари бор, айтганинг устидан чиқадиган, ирова кучи қаттиқ, хушмуомалали ва ҳоказо юкори баҳоли хусусиятларга эга бўлган киши бўлиши керак. Ҳар қандай учрашишларда, акционерлар билан иш, хусусий мулк эгалари биланми, ўз ходимлари биланми, истеъмолчилар биланми ва ҳоказолар билан учрашганда корхонанинг мақсади учун фаол курашчи эканлигини кўрсатиши керак.

Рахбарият янги хизматчини ишга олётган пайтида унга ишчи кучи сифатида эмас, маълум бир даражадаги ижобий ва салбий хусусиятларга эга бўлган шахс деб қабул килиши керак. Гарб мамлакатларида «кишилар орасидаги муносабатлар»га бекорга бириччи даражали ёзгибор бермайдил р. Чунки боштик билан хизматчилар орасидаги муносабат корхона олдида турган мақсаднинг бажарилишига катта таъсир кўрсатади. Ишга келаётган одамни фақатгина иш ҳаки эмас, унинг психологик таъаблари ҳам қизиқтиради, шунинг учун корхонадаги психологик вазиятни яратади билиш менежмент учун ҳам бефарқ бўлиши керак эмас.

## II. 3. МЕНЕЖЕР ВА КЕНГАШЛАР

Менежернинг жамиятдаги мавқеи, кишилар билан тил топиши усуслари, авл-заковати, одамгарчилиги, воқеаларни олдиндан кўра билиш каби сифатлари қанча юкори бўлса, кенгашларда ўтказадиган вақти ҳам шунча кўп бўлади. Аввалам бор, бундай кишилар билан ҳамма кенгashiшни хоҳлайдида! Ваҳоланки ҳамма ишлари кўнгилдагидек бўлаётган корхоналарнинг боштиклари ҳам кўп вактларини кенгашларда ўтказадилар, бу самарали кенгаш ўтказиш услубларини билмаслик оқибатидир. Шу боисдан ҳам баъзи бир менежерларга керак бўлган, маслаҳатларни келтириб ўтамиш. Бу маслаҳатлар менежернинг қиммат баҳо вақтини тежаш имконини берар деган умиддамиш.

Аввалам бор, кенгашни кун тартибдаги асосий масалани счишдан бошлаш керак: кўригаётган мавзуни ҳақиқатдан ҳам шу кенгашда кўриш керакми? Кўп холатларда кенгашнинг асосий камчилиги - катнашчилар билан фикр алмашиш

жараёни амалга ошмай қолади, чунки раҳбарият йигилганларга фақат ахборот бериш билан чекляниб, саволларга қониқарли жавоб ҳам бермайди ёки берилган саволга лўндасинга жавоб кильмайди. Агар кўриладиган мавзуни тезкорлик билан ечиш жуда ҳам зарур бўлмаса, хизматчиларга ахборот тариқасида циркуляр ҳат ёки корхонадаги мавжуд бўлган компьютер тизими орқали етказиш мумкин бўлади. Корхонадаги ходимлар кенгашини кўйидаги ҳолларда чакириш тавсия этилади:

1. Кўриладиган масалани ечишда жамоа карори керак бўлганда, бу ҳолда керакли ахборот бир неча асоснӣ бўлимларга олдиндан тарқатилиши керак;

2. Кўриладиган масала бир неча бўлимларга таалукли бўлган ҳолда;

3. Кўриладиган масаланинг ечилишида бир неча бўлимларнинг фикрларидан фойдаланиш зарур бўлган ҳолда.

Юкоридаги кенгаш ўтказиш доллари зарурий деб топилса, кўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофик бўлади:

1. Контиш аъзоларини, унинг кун тартиби билан камида, кенгаш ўтказиладиган кундан иккى кун олдин таништириши керак;

2. Кун тартибини кўрсатганда, масалалар бўйича ажратилган вактларни олдиндан белгилаб қўйиш керак;

Шундай бўлганда кенгаш катнашчиларини вакт нуткан назардан анча тартибли бўлишга олиб келади;

3. Ҳар бир кенгаш катнашчиси, кенгаш катнашчиларининг рўйхати билан таништирилиши ерак. Бу эса кенгашини самарали ўтишига ижобий таъсир қиласи.

Агар сиз ўзингиз кенгашга ранслик килаётган бўлсангиз катнашчилар, уларнинг лавозимлари ва улардан нималар кутаётганинг ҳакида кенгашга қисқа (3-5 минут) ахборот беришни эсингиздан чиқармасликни тавсия қилинади. Ахборотда кўйидагиларга эътибор бериш керак бўлади:

1. Кенгашдан мақсад ва кун тартиби;
2. Бахс олиб бориш тартиби;
3. Кўрилаётган муаммонинг ўтмишдаги қисқача тарихи;
4. Кўрилаётган муаммодан кутилаётган натижалар;
5. Эҳтимол бўлган ечимлар, уларнинг қабул қилиниши ёки инкори.

**Баённомани олиб бориш тартиби.**

Кенгашга ўйчан, хотиржам кишиларни таклиф қилиш кенгашининг хотиржамлик билан ўтишига олиб келадиган

омилларданцир. Мунозара пайтида эса ҳақоратлашга йўл қўймаслик, сўзги чикканлар устидан кулмаслик, кенгашни эса олдига қўйилган мақсад сари олиб бориш керак. Мунозарада қатн шиокчи бўлғанларнинг ҳаммасига сўз бериш керак. Кенгашнинг якун қисмида ҳаммага мурожиат қилиб: «Биз ҳозир қўйидагилар ҳакида келишиб олдик, яъни ... ҳамма кенгаш қатнашчилари ҳозирги айтилган гапларга розими?» - деб, кенгашнинг фикрини аниглаш керак. Якунда эса ким, қачон, нима қилишини аниглаш эсингизда бўлсин. Кенгаш қатнашчиларига эса баённомадан бир нусхадан бериш керак.

## **II. 4. МЕНЕЖЕР ИШНИ ПУЧГА ЧИҚАРАДИГАН ЎН УЧТА «ЎЛИМ ГУНОХЛАРИ».**

Фарб мамлакатларида менежернинг бошқи ходимлар билан бўлган муносабатларига жатта ўтибор берадилар. Бу ерда менежерларга ўн учта ишини пучга чиқарадиган «ўлим гунохларини» эслатиб ўтмоқчимиз.

1. Шахсий масъулиятликдан ўзини олиб қочиш, яъни воз кечиш.

Менежернинг иши доимо ўигидан келавермайли. Шундай ҳолатларда, баязи бирлар, бадоналар қидира бошлайди, энг ачинарлиги эси, масъулиятини кўл остидаги одамларга ўтказали., уларни айблашга уринади.

2. Ходимларнинг малакасини, энг ачинарлиси талантини оширишида ҳарикитларига тўскинилик қилиш;

Ишга олинган ходимларнинг беъзи бирлари жуда самарали ишлай олмайди ёки ишга яхши ёндаша оймаслик натижасида кизикишлиги паст бўлади. Шундай ҳолларда менежер уларнинг малакасини ошириш йўли билан ишга кизиктириши керак, чунки ҳар бир ўртачадан паст ишлайдиган хизматчининг төъсири мутчиликнинг натижасига ҳам ўтади.

3. Фикрлаш услубини ўзgartириш ўрнига ишнинг натижасини текшириш. Менежерлар хизматчилардан қўйилган мақсадга мувофик фикр юритишни кутадилар. Лекин, «беш кўл баробар эмас» деганиларидек беъзи бир ходимларнинг фикрлари бошка нарсаларга йўналиши натижасида қўйилган мақсад амалга ошмаслиги мумкин. Бу эса бутун корхонанинг пировард натижасига төъсир қилиши мумкин.

4. Нотўғри вазиятда туриш.

Хизматчилардан одоб саклашни талаб қилган менежернинг ўзи одобли бўлиши. хизматчилар томонидан солири бўлган майда-чўйда хатоликларни кечира билиниш керак.

### **5. Даромаднинг зарурлигини эсдан чиқариш.**

Хар бир менежер корҳона фаолиятига келадиган фойдага қўшган улуши билан катнашади. Шунинг учун у ўзининг фаолиятига гоҳи маҳалларда ганқидий баҳо берса максадга мувоғик бўлади.

**6. Бошқариш ишларида ҳамма ходимлар билан бир хил муносабатда бўлиш.**

Корхонада ишлайдиган хизматчиларнинг ҳаммаси бир хил маълумот, дунёқараш, характер, ҳусусиятларги эга десак хато килган бўламиз.

Хар бир ходимнинг мутахассислигиде камчиликлари ҳам, ютуклари ҳам ҳар хи"б бўлади. Шунинг учун ҳам: «Корхонада ишловчиларнинг ҳаммаси бир киль» - деган менежер катта хатога йўл кўяди ва бу эса унинг пировард ютуғига салбий тасир кўрсатиши мумкин.

**7. Эътиборни кўйилган асосий максадларга эмас, балки иккинчи даражали муаммоларга йўналтириш.** Кимки кўйилган максадларни эсдан чиқарса, майда-чўйда муаммоларга аҳамият берса бошликлик курсисида узок ушланиб қолмайди.

**8. Бирга ишлайдиган хизматчилар билан дўстларча (ўртоқларча) эмас, тўраларча (буйруқбоз, кеккайлан, бошликларча) муносабатда бўлиш.**

Менежер хизматчилар олдицаги ўз бурчини етарли даражада сезиши керак. Тўра бошлиқ эса хизматчиларнинг олдицаги масъулиятига ҳам буйруқбоз сифатида аралашаверади. Бу эса хизматчиларнинг масъулиятлини бурчини сусайтиради.

**9. Корхонанинг умумий конунларини бузиш.**

Фойда ва ҳаражатларни ҳисоблашдаги ютуқ ва камчиликлардаги, корхонанинг асосий ва келажакдаги йўналишларидағи аниқликлар менежернинг иш жарабйида тўскин бўла олмайди.

**10. Ходимларга акл ўргатиб, тикилинчлик қилмоқлик.**

**11. Менежер олдиға кўйилган максадларга эришин учун кўл остидаги хизматчиларнинг иш шароитини яхшилаш, рағбатлантириш, ходимлар орасидаги муносабатларни бегараз холда амалга ошириши керак.**

**12. Эътиборсизликка йўл кўйиш.**

**13. Яхши менежерлар иш фаолиятида қолган ходимларга ўрнак бўлиши ва уларнинг қўлларидан келмайдиган ишларни улардан талаб қиласлиги керак.** Хизматчилар томонидан бўладиган ташаббуслар менежернинг доимо эътиборида бўлиши керак.

14. Фақатгина яхши ишлайдиган ходимларнинг ишларини юкори баҳолаш.

15. Мохир менежер бўлиш учун ходимларга ўзи қўлга кириттан ютуқларни беғаразлик, мактабчоқликсиз сездириши керак.

16. Одамларга хийла-найранг ишлатиш.

Одамларга дўқ, пўписа қилмоқлик, вахима, парокандалик туғдириш, ношуц бошликтининг иш услуги. Мохир менежер қўл остидаги хизматчиларнинг қўйилган мақсадга ижодий ёндашишига, уларнинг қўйилган мақсадни бажаришга тайёр эканликларига ишонган холда иш олиб боради. Бу эса гарбдаги менежерлар тили билан айтганда: «бошлиқлик қилмоқ - бу ўз-ўзини (олдинга қўйилган мақсадни) енгмоқ, эгламоқ» - деганицир.

Хулоса килиб, айтганда, корхона унинг раҳбарияти, ходимлари муайян мамлакат иқтисодиётнинг бир бўлагидир. Менежерлар, айниқса юкори ногонадаги раҳбарият корхонанинг бозордаги мавқеи корхона ходимлариги боғлиқ эканлитини яхши англашлари керак. Корхонанинг яшашини оқлаш учун нафакат истеъмолчиларнинг, балки ўз ходимларининг ҳам эҳтиёжини, зарурятини қондириш зарурурдир.

## Ц. 5. ШЕРИК (РАҚИБ)ЛАРНИ АХТАРИШ ВА УЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ.

Фарб мамлакатларидағи йирик корхоналар, охириги ўн йирик давомида, хорижий йирик бозорларда ўз филиалларини ташкил килаётирлар. Биринчи навбатда бу кўп маҳсулотли йирик корхоналардаги ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва шунинг натижасида ўз мамлакатларидағи бозорларнинг торлик (хажмий кичиклик) кидиши билан боғлиқдир. Иккинчи томондан эса бундай концернлар хорижий мамлакатларда - жойлашган бозорларнинг имкониятларини максимал даражада ўз фойдаларига бўйсундиришга интилишиданadir. Иккинчи масалани ҳал килиш борасида хорижий бозорларда ўз шароитларини яхши биладиган «она» компаниясидағи филиалларни ташкил қилиш муаммосини очиш зарур бўлади. Бу филиаллар эса, истеъмолчиларга маҳсулотларни хорижий мамлакат эмас, ўз мамлакатида жойлашган корхоналар ишлаб чиқаради деган таассурот колдиради. Юқорида кўрсатилган сабабларга кўра гарбдаги йирик корхоналар XX асрнинг иккинчи ярмида ёки тижорат корхоналарини ёки ишлаб чиқариш бирликлари сифатида

хорижий бозорларда ўз филиалтарини ташкил қилдилар. Халқаро концернларнинг тажрибасини таҳдид қиласиган бўлсақ юқорида айтганимиздек, янги бозорларни ўзлаштириш учун босқичдан иборат деган халосага келиш мумкин.

І.Босқич. Чукур ва ҳар тарафлами таҳдид натижасида бозорни ва ундан келадиган фойдани ўрганиш. Ўрганиш натижасидан: «шу бозор билан шугулланиш керакми?» - деган саволга тўла ва аниқ жавоб тайёрлашимиз керак. Чунки ҳар хил жойда бозорнинг катта кичиклиги, бож олиш, кафолаглаш ва ҳоказо муаммоларнинг тувилишини чиnobаттга олиш керак.

Масалан, халқаро концернлардан хисобланган Швецариянинг «Нестле» концернини олайлик. Бу концерн эмизикли ёш болаларга қадоқланган сут ва бошқа овқатларни Африка мамлакатларидағи мавжуд бозорларга олиб чиққанида арзимаган бир нарасани: эмизикли оналар ўз болаларини кўқрак сутлари билан бокишига одат қилғанликларини инобатта олмаганлар. Янги она сути хақиқатдан ҳам гўдаклар учун анча кулай бўлиб, ҳар хил касалликларга қарши иммунитет тудириди. Лекин сармоғси катта бўлған концери фирмалари, рекламалари ва ташвиқотларга катта мәблаглар ҳарражат қилиб, болаларни кўқрак сути билан бокиши замонавий эмаслигини «исбот» қилидилар ва натижада Африка мамлакатлари бозорларида сут ва гўдак болалар учун керак бўлган бошқа овқат маҳсулотларини кенг кўламда сотишга эришиллар. Бундай «галаба» биринчидан шундай ҳам камбигал бўлган Африка мамлакатларининг бошқа соҳалирига зарурроқ бўлган чет зал валюталарини «керак бўлган» болалир өзуқасига сарфлашга олиб келган бўлса, иккинчи томондан шифокорлар ва «Бутун дунё» соглиқни саклаш уюшмаларининг она сути эмганига нисбатан текширишлари гўдак ва ёш болаларнинг соглиги яхшиланмаганлигини кўрсатади. «Галаба» натижасида гўдак ва ёш болалар орасида ҳар хил касалликлар кўтайди. Бу мисол эса халқаро концернларнинг хорижий бозорларда фойда олиш учун ҳар хил йўл-йўрикларни киширишларидан дирак беради.

## ІІ. Босқич.

Бу босқичда экспортер (бозорга ўз маҳсулотини олиб кирувчи хорижий менежер) шу бозордаги ерли савдо фирмаларнинг ичидан ўз вакилини тинтайди. Вариант тариқасида тезкорлик билан ўз филиалини очишни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

Ерли вакилни танлашнинг ўзига хос бир неча афзалликлари якъол кўзга ташланади. Биринчидан у шу ернинг шарт-шароитини яхши билади. Иккинчидан ерли вакилнинг шу мамлакатдаги ҳар хил табакадаги имтиёзли кишилар, сиёсий ҳарбоблар билан бўлган яхши муносабатларни тижорат ишининг кўл келишига таъсир кўрсатиш мумкин. Бу таъсир айникса ривожданётган Африка мамлакатларида ерли вакилнинг подшох оиласига якинлигига боғлиқдир. Учинчидан, ерли вакил бир жойнинг сервис ва таъмир ишлари билан шугулланиб, ѿмборида эса керакли микдорда тайёр ва захира буюмлар саклаши мумкин. Юқоридаги афзалликларнинг устига, ерли вакил билан бўлган тижорат ишлари филиал очишдан кўра арzonрок бўлиб, иш бошлашдаги харажатлар кўп пайдада самарадорликни оширади. Ерли вакил ўзининг хорижий экспортери билан унумли ишлаши натижасида ўзининг имконияти бозор талабини кондира олаётганини сезади. Бу эса ҳалқаро концернларни бозорни ишғол этишнинг учинчи босқичига фидиал очишига даъват этади.

### III. Босқич.

Филиал очишининг имкониятлари ҳар хил бўлиб турмушда учрайдиган уч тури ҳакида кисқача маълумот берамиз:

1. Концерн ерли вакилнинг бозордаги сотув фирмасини сотиб олади. Бу имконият оилавий корхона учун таалукли бўлиб, унинг иш олиб боруви чибилиги кариганлиги, тижорат ишларини давом ўтирадиган кишини бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади;

2. Бу ҳолда гап ерли вакилнинг корхонасини экспортер томонидан кисман ёки бутунлай сотиб олиш орқали, фирма-агентнинг бирдан-бир эгаси ёки шерикчилик эгаси бўлиши ҳакида бораяпти.

3. Ҳалқаро концерн ерли вакил билан контрактни бекор килади ва ўзининг янги филиалларини барпо этади. Контракт ёки битимни бекор килиш учун куракда турмайдиган бир баҳона топиладио, бу баҳонани аниклаш учун тоҳида жуда кўп вакт кетади.

Аниклаш вақтида сармояси кўп бўлган концернлар вакиллига маҳсулот беришни тўхтатиб, вакилни унга ишдан чиқарма пул олиш ҳакидаги битимга рози қылади. Яна қайд килиб ўтиши керакки, вакил билан бўладиган шартномада жуда кўп қалтис жойлари бўлиб, улардан бироргаси бузилса, концерн битимни бекор килиш ҳукукига эга бўлади. Шунинг учун ҳам

гарб мамлакатларида савдо қонунномаларида агар контракт ёки битим, ким томонидан бўлишидан қатъий назар бекор килинса, ерли вакилга маълум бир маблаг тўланиши кўзда тутилади. Шунинг учун ҳам ҳоҳ ерли савдо фирмаси вакили билан контракт тузиладими, ҳоҳ мустакил филиал очишга тўғри келадими, мавжуд бўлган у ёки бу мамлакатнинг қонунномаларини билиш ва уларга амал қилиш керак.

Тарихий одатга биноан ҳалқаро концернлар юкорида қайд этилган боскичларнинг ҳаммасидац ўтадилар. Боскичларни амалиётда жорий қилинда бозорнинг ҳажми, бож тўсикларнинг мавжудлиги ва ҳоҳазо шароитларни инобатта олиш керак. Қай ҳол ёки ҳолат бўлмасин келажак шерикнинг қўйидаги хислатлари мавжуд бўлиши керак:

- молия ҳолати мустаҳкам бўлиши керак;
- бозорни аъло давражада билиши керак;
- янги вакиллик ваколати билан фаол шутулланиш ихтиёри бўлиши керак.

Келажак шерижни ташлашда «тўйимсиз», «харакатчан» ёш корхоналарга қўпроқ эътибор бериш керак, чунки корхоналар янги бозорларни ўзлаштириш йўлида тиниб-тинчимай ҳаракат қиласидан шериклардан бўладилар. Янги бозорларни ўзлаштириш нияти тутилиши билан унинг қошида шунга оид ташкилий тузилма ўзининг менежменти бўлиши керак.

Кай тирзда бўлмасин, корхонанинг ташки бозордаги вакилини тайинлаш маросимига оид бўлган қўйидаги баъзи бир маслаҳатларни келтиринш ўринладир:

- бўлажак вакилнинг ўз истеъмолчилари ва бўлажак истеъмолчилари орасидаги маъқби қандай, қайси корхоналарнинг, шу жумладан қайси ракиб корхоналарнинг вакили ва ҳоказолар?;
- молиявий хатарли бўлган бозорлардаги вакил сотилган маҳсулотларга пул тушушига кафолат бўлиши мақсадга мувофик бўлиб, бу хизмати учун асосий оладиган маошинга бир-икки фонз маблаг кўшиб берилшини унга уқтириш керак;
- тайёр маҳсулотни сотадиган ва уни таъмир қиласидан вакилнинг маҳсулот ва эҳтиёт қисмлар саклайдиган омбори, ўзининг устахонаси бўлиши ҳам мақсадга мувофикдир;
- янги тайинланган вакилга жуда катта худудда савдо-сотик ва бошқа ишларни зудлик билан эмас, аста-секин ва кам-камдан олиб боришини ишониш тавсия қилинади.

**Хар доим бозор мавжуд бўлган мамлакатларда, вакилга хайрихохлиқ билдирувчи миллӣ қонунномаларнинг борлити эса туриши керак.**

Охиригина пайтларда, одатдаги маҳсулотни экспорт килиш бир қанча кийинчилликларга дучор бўлмоқда. Биринчи навбатда протекционизм, яъни бошқа давлатлардан келтириладиган маҳсулотларнинг мамлакат бозорларига киришига каттиқ каршилик кўрсатиши деб тушуниб, унга карши янги усувлар ахтарни керак бўлади. Бу соҳада ҳалқаро маркетингнинг янги ютукларига таянган ҳолда, лицензия ва «ноу-хау», бошқариш хизматларини таклиф килиш, маслаҳатга оид битимлар тушиш компенсацион ва бартер алмашишларнинг ҳамма турларини ишга солиш, қўшма корхоналар тузиш учун катта капитал маблагъ ажратиш, ўз филиалларини тузиш каби тижоратнинг янги усувларини қайд килиш мумкин. Дунё бозорида юқорида қайд килинган услублар ўзларининг юқори самарасини бераётir.

Кооперация йўналишидаги биринчи ҳал килувчи илк қадамлардан бири лицензияларни таклиф килишdir. Лицензия сотининг устунлиги ажратилган маблаглар ичида молиявий воситаларнинг бевосита йўқлигидан иборатdir. Лицензион битим тузища ички қаршиликни, яъни "она" фирманинг килган изланишларининг натижасини ва бошқа давлатга бериш каби бўлган психологияк тўсикни ёниб ўтишга тўғри келаци, чунки бу ишлар натижасида янги рақиб корхона дунёга келиши мумкин. Лекин лицензияни сотиш бож тўсикларидан холидir. Лицензияни сотиш ташки бозорни тез ўзлаштиришнинг асосий усувларидан хисобланади. Лицензион битимнинг патентли шартнома ва «ноу-хау»ни сотиш шартномаси каби усувлари мавжудdir. Лицензион келишувда лицензион патентни ҳам «ноу-хау»ни ҳам беришни кўзда тутади, чунки асбоб ускуналарни ишга туширишда, кадрлар тайёрлашда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини оширишда техник ёрдамдан ташқари тижорат ишлари ҳам катта роль ўйнайди.

Лицензия бернида унинг ҳақини тўлашнинг икки хил имконияти бор:

- умумий пулни бир йўла ёки бўлаклар билан тўлаш;
- умумий пулни ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳажмига ра унинг сотилишига қараб тўлаш (чатқаро минъесда алмашувнинг 2-5 фонзи). Хулоса килиб айтганимизда, лицензия сотининг кўнидаги усулларни мавжуд эканлигини эса тутни максадга мувофиқ бўлсан:

1. хорижий бозорни тезкорлик билан ўзлаштириш мумкин, чунки курилиш ва бошқа асбоб ускуналарни сотиб олиб келтиришга сарфланган вакт тежалади;
2. сиёсий ахвол номуътадил бўлган мамлакатларда экспроприация масалалари четланиб ўтилади;
3. экспортер иш берувчи ролни бажаради;
4. хорижий мамлакатларга ўз мамлакатида норентабел бўлиб қолган ишлаб чиқаринши ўтказиш мумкин;
5. лицензияга олинган маблағ изланишларга кетгун ҳаражатларнинг бир кисмини бўлсада қоплайди;
6. айрим ҳолларда яширин ракибларга, улар ўзлари ракиб маҳсулот чиқаринши ҷалаб топишларидан олдинроқ лицензия сотишин тавсия этилади.

Хорижий бозорларни ўзлаштириш усуллари ичидаги яна бир усул яъни, ерли шерик билан биргаликда капитал маблағ ажратиш усули ҳам мавжӯд. Ушбу усулни амалга ошираётганда куйидагиларни инобатга олиш керак:

- \* конкрет мамлакатнинг конунномаси ерли шериклар иштирокисиз, яъни факат хорижий маблағ ҳисобига филиал барто этишини ман килинади;
- \* кўп ҳолларда ерли савдо фирмаларининг молиявий ахволи етгарин бўлиб, капитал қурилишига маблағ сарфлашида хорижий капиталга зарурий эҳтиёжлар бўлади;
- \* кўпинча, ерли шерикларни кўшма тижорат ишларига жаъб қилингандан, ерли ҳукумат томонидан турли-хил имтиёзлар яратилади, (ерни арzonроқ сотиш, арzon уй жойлар ва ҳоказолар);
- \* кўпинча, капитал маблағ ажрагилишида иқтисодий ёки сиёсий хатоликларга дуч келмаслик учун ерли шерикларни тижорат ишига жалб қилиш керак;
- \* ерли шерикнинг мавжуд бўлгани ўз юритидаги устунликлари (савдо-сотик ва тижорат ишларида яхши обрўси, бозорни тез ўзлаштирувчи сифатлари) доимо инобатга олиниши керак.

Бўлажак шерик билан кўнг’ма корхона тўғрисида келишилигандан кейин, иккала шерик «келажак ишлар баённомаси»ни имзолайдилар. Бу баённомада кўшма корхона тузиш, қайси соҳаларда иш олиб бориш тўғрисида принципиал келишилинади, бундай баённомани гузарётганда адвокатни жалб қилиш мақсадга мувоффикдир. Лекин «келажак ишлар баённомаси»ни тузиш кўшма корхона тузиш дегани эмас, чунки кейинги музокараларда келишимовчиликлар чиқиб қолиши мумкин. Кўшма корхона тузишдаги асосий ишлардан бирини

корхонанинг биринчи бюджетини (ҳарважат ва фойдалар сметаси) тузиш бўлиб, унда ишлайдиган соҳалар ва корхонанинг ишлами учун керак бўлган хом қисоблар қилинади, бундай корхонанинг рентабеллиги қай холда эканлиги аниқ кўриниб туради.

Фарб мамлакатларида янги тузилган корхона биринчи икки-уч йил зарар билан, ундан кейин эса фойда билан ишлайди, деган фикр ҳам йўқ эмас.

Кўшма корхона, фирма, филиаллар тузиш ҳар ҳил ва кўпчилик мамлакатларнинг иктисадиётини чамбарчас боғлаб, дунё бозоридаги тижорат жараёнларини фаоллаштиради, шунинг учун ҳам факатгина дунё бозорини эмас, бўлажак шерикларимизнинг ўзларини, яъни уларнинг жамиятда қандай тутишларини, бошқа, яъни бўлажак шерик мамлакатларнинг урф-одатларини ва нафакат тижорат учун керак бўлган томонларини яхши ўрганишимиз ва билишимиз керак, зоро бизнинг менежерлар ҳам, кенг кўламда, хорижий давлатларда тижорат ишларини олиб боришади деган умиддамиз.

## II. 6. МАРКЕТИНГ ТАДКИҚОТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Жадоннинг етакчи дивлатларда ҳозирги вақтда бошқа давлатлар билан савдо муносабатларини тъзмийлаб келаётган яхлит маркетинг тадқиқотлар тизими барпо этилиб фиолият кўрсатиб кўлмокда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам унинг мустақиллигини, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга ишлаб чиқариладиган ва ташқаридан олиб келинайдиган маҳсулотлар таъбини ўрганиши йўли билан эришини учун яхлит маркетинг тадқиқотини бунёд этиш ҳаёт тақозосига вайланниб бормоқда.

Бу борада республикамиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган босқичма-босқич тадбир-чоралар зътиборга молнидир. Чет эл тажрибалари ва Ўзбекистон республикаси шарт шаронтидан келиб чиқиб маркетинг тадқиқотларини ташкил этишининг куйидаги ташкилий тузилмаси лойиҳасини кўриб чиқиши мумкин.

Таклиф этилаётган маркетинг тизимининг ташкилий тузилмаси куйидаги босқичлардан иборатdir.

**Биримчи босқич** корхона, ташкилот, қичик, кўшма корхоналар ва шу кабиларнинг ахборот органларини бирлаштиради Ушбу органилар тадқиқот ва ўрганиш обьектларининг манбан бўлиб ҳисобланади, чунки улар оркали

маҳсулот ва хизматларнинг кўринишлари баҳоси белгиланади. Кайд этилган ташкилотлар ҳар кварталда компьютер тармоғи ёки қорозсиз узатувчилар ёрдамида ишлаб чиқарилаштган ёки ишлаб чиқариш мўлжалланаштган, сотиб олинаётган моллар баҳоси, ҳажми, янги технология, асбоб-ускуналар ҳақидаги ахборотларни туман ҳокимиятларидағи ахборот-маркетинг маркази учун гайёрлашлари назарда тутилади. Туман ахборот-маркетинг маркази келиб тушган ахборотларни тартибиға солади ва туман раҳбариятига мурожаат этади. Туман ахборот-маркетинг марказида тайёрланган мавъл, мотлар ҳар ойда вилоят ахборот-маркетинг марказига юборилади. Вилоят ахборот-маркетинг маркази са мавжуд маълумотларни республика ахборот-маркетинг марказига узатади.

Худди шу тартибда корхона ва ташкилотлар илмий-техника ахборот органлари вазирлик, идора, акционерлик жамияти, концерн, ассоциация ва ш.к.ларнинг илмий-техника ахборот органлари орқали республика ахборот-маркетинг марказига тегишли маълумотларни узатадилар. Шундай килиб мулкчилик кўринишидан катъий назар республика ахборот-маркетинг марказига ҳамма ташкилот ва корхоналар таң тутиган маълумотлар йигилабориб тегишли маълумотлар банки бунёд этилабошланади.


Маркетинг тизимининг иккичи босқичида худди шу тартибда қайта алоқа тиъмин этилади.

Республика ахборот-маркетинг марказининг асосий вазифаси мол, хизмат кўринишлари ҳақидаги ахборот, чет зиллардан олинган ахборотларни маркетинг тизими катнашчиларига ўз вактида етказиб беришидир.

Маркетинг мухит деб корхонанинг бозор фаолиятига таъсир этувчи омилларга айтилади. Маркетинг мухитидан яхши фойдалана олган корхона кўп куч-ғайрат сарф қилмасдан юқори кўрсаткичларни кўлга киритиши, ундан фойдалана олмагани эса ҳар қанча ҳарражатлар эвазига ҳам мўлжалланган маррасига етолмай қолиши мумкин. Ҳар бир корхона самарали натижаларга эришиши учун маркетинг мухитини батафсил ва мунтазам равишда ўрганиб, унинг ҳолати ва ўзгаришларини аник билиб, унга эпчиллик билан мослашиб бориши зарур.

Маркетинг фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг бир кисми корхонанинг ўз доирасида амал қиласи ва унинг иккичи мухити ёки корхона томонидан бошқариладиган (назорат килинадиган) омиллар, деб аталади. Бу омиллар (назорат) даражасига караб иккига бўлинади. Биринчиси, корхона юқори

## ЎР маркетинг тизими ташкилий тузилмаси



раҳбарияти томонидан бошқариладиган омиллар бўлиб, уларга корхонанинг фаолият доираси ва умумий мақсади, бошқариши системаси, унинг тузилиши, маркетинг ўрни ва роли, корхона маданийти киради. Иккинчиси, маркетинг томонидан бошқариладиган (назорат қилинадиган) омиллар - корхонанинг мўлжалланган бозорини ташлаш, маркетинг мақсади, маркетингни ташкил этиш, маркетинг структураси ва бошқалардир.

Корхонадан ташқарида бўлиб унинг маркетинг фаолиятига таъсир киладиган омиллар тўплами маркетинг ташки муҳитини ташкил этади. У корхона ва унинг маркетинг хизмати томонидан бошқарилмайди. Маркетинг ташки омиллари унга таъсир килиш характеристи бўйича иккӣ гуруга бўлинади. Улардан бир гурухи айнан шу корхонага алокадор бўлиб, унинг маркетинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади ва маркетингнинг маҳсус ташки муҳити ҳисобланади. Бу гуруга корхонанинг истеъмолчилари (мижозлари), шериклари (товар, хом ашё, материаллар етказиб берувчилари ва маркетинг воситачилари), рагиблари, қизикувчилари киради.

Янгича иқтисодий шароитда корхоналарнинг ташкил топиши, ривожланиши ва тутатилишини асосан бозор аниклайди. Шу сабабли корхона яшовчанлиги кўпроқ раҳбариятнинг савиаси, омилкорлиги, билимдонлигига ҳам боғликдир. Уддабуррон раҳбар бозор билан муросага келиб ишлаши, шу орқали фойда кўриши талиб этилади. Масалан, корхона келгуси йилда қанча фойда олиши, бунинг учун у қандай ва қанча товар ишлаб чиқариши ёки сотиши, қандай даражаца хизмат кўрсатиши керак каби вазифалар белгиланади. Ундан сўнг раҳбарият корхонанинг мақсадига етиши, белгиланган вазифаларни бажаришни таъминлайдиган бошқариш тизими ва унинг тузилишини инкюдайди. Бошқариш тизимида ҳар бир бўлимнинг (хизматнинг), шу жумладан маркетинг хизматининг алоҳида роли - маслаҳат беришдан тортиб то ҳал қилувчи кучга эга бўлган етакчилик даражасигача бўлиши мумкин. Маркетинг хизматига (бўлимига) унинг ҳамма вазифаларини тўла-тўқис бажариш топширилганда корхона фаолиятида унинг қалмоғи катта бўлади. Агар бу хизматнинг кўлами чеклаб кўйилган бўлса, корхона фаолиятида маркетингнинг роли ҳам паст бўлиши аниқ. Жаҳон илгор тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, йирик фирма, компания президентининг маркетинг бўйича маҳсус вице-президенти бўлиб, маркетинг хизмати бошқа бўлимлар фаолиятини умумий мақсадга йўналтирувчи ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кўшина оғир ахволги тушиб қолган фирмалар маркетинг фаолиятини кучайтириш натижасида янада юксалиб кетганлар.

Корхонанинг маркетинг фаолиятига унинг товар, ҳом ашё ва бошқа материаллар етказиб берувчи шериклари сезиларли таъсир этади. Мальумки, ишлаб чиқариш корхонасининг шериги белгиланган пайтда ҳом ашё етказиб бермаса, у мижозлари олдиғаги мажбуриятини бажаря олмай колади. Савдо корхонасига товарни вактида етказиб бермаслиги оқибатиди истеъмолчилар талаби тўла қондирилмайди. Бундай салбий ҳолат корхонанинг маркетинг стратегиясини амалга оширишга катта ҳалакит беради ва унинг мақсадига етишини ҳавф остида колдиради. Бозор муносабатларининг ривожланган боскичида ва кучли ракобат шароитида тадбиркор шериклар бир-бирини яхши тушунади, ўз шеригига зарар етказмасликка, унинг эътиборидан қолиб кетмасликка ҳаракат қиласилар. Доимий яхши ҳамкорликда бўлган, синалган шериклар, бир-бирларини қадрлайцилар. Тадбиркорларнинг янги шериклардан кўра эски

синалган шерикларни афзал кўришлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Корхоналар иккинчи томондан маркетинг воситачилири билан шериклик қиладилар. Маркетинг воситачилири ишлаб чиқариш корхонаси товарларини истеъмолчиларга силжитиши ва тарқатишда мустақил корхоналардир. Уларга савдо корхоналари, говар ҳаракатини ўюнтирувчи маҳсус корхоналар, маркетинг хизмати кўрсатувчи корхона, қарз берадиган молия муассасалари киради.

Ўзбекистонда маркетинг воситачилари брасида савдо корхоналари ва молия-кредит муассасалари катта роль Ўйнайди. Эндиликда янгилари - биржа, брокерлар идоралари шаклланмоқда. Истеъмол товарларининг асосий қисми улгуржи ва чакана савдо тармоқлари оркали истеъмолчиларга етказиб берилади. Вилоят, шаҳар, туманларда ишлаб чиқарилган озиқовқат товарлари давлат, кооператив, шахсий чакана савдо дўконлари, ишлаб чиқариш корхонасининг ўз фитма дўконлари оркали адолига сотилади. Ноозик-овқат товарларининг ҳам бир қисми шундай воситачилар иштироқида сотилади. Лекин республикада истеъмол килинадиган говарларнинг айримлари бошқа давлатлардан келтиришади. Бундай ҳолларда кўпнинг чакана савдо тармоқларидан ташқари улгуржи савдо ҳам иштирок этиди, яъни воситачилар икки ва ундан ортиқ бўлиб, товарлар ҳаракати мураккаблашади, йўли узоқлашади, ҳаражатлар ошади ва натижада товарнинг нархи нисбатан юқорилашади. Бундай шароитда маркетинг стратегиясини тузиши ва асосий вазифа товар ҳаракатидаги воситачиларни кисқартиришдир.

Иккисодиётимиз тармоқларида таркибий силжишларнинг илмий-техник тараққиётини ва келгусида самарали ривожланиш суръатларини белгилайдиган, тармоқлараро ва худудий манфаатларни муштарак самарадорлигини таъминлайдиган, қишлоқ хўжалигида бандлик, хосилдорлик, унумдорлик ва бошқа иккисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган соҳаларни, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу ўринда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва айникиса, мева-сабзовотларни қайта ишлашга ихтисослашган корхона ва ташкилотларнинг келгуси ривожланиш масалалари ўз кўлами ва долзарб жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этади. Маялумки, мева ва сабзвот

маҳсулотлариңи тайёрловчи, қайта ишловчи корхона ва ташкилотларнинг келгуси равнаки учун мамлакатимизда бой илмий, малакавий, меҳнат ва қоланерса, тарихий тажриба тўплланган. Сўнгти йигирма йицчин ортиқроқ вакт мобайнида мева-сабзавот хўжалиги корхона ва ташкилотларининг ривожланишида юқори даражадаги ихтинослашув, ишлаб чиқариш қувватларини концентрациялашуви асосий мезон сифатида белгиланиши ва бозор муносабатлари шароитида уларда кечётган иқтисодий, молиявий, таъминот муаммолари ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Мева-сабзавот хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, таркибий тузилмалар фаолиягини бозор муносабатлари асосида қайта қуриш жараёни суръатлари мазкур соҳа корхона ва ташкилотларица омилкорлик, мутасаддиллик жиҳатларини ималий қарор тогишига нисбатан илдам кечмоқда. Хусусан, мева-сабзавот хўжалиги тармокларигинг стратегик ривожланиши йўналишларини белгилашда Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 18 июль 163-сон «Республика мева-сабзавот хўжалигини монополиядан чиқариш ва ихтинослашишни чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ни Карори алоҳида зътиборга молик. Мазкур қарорга мувофик, қайта тузилган «Ўзмевасабзиявотузумсаноатхолдинг» компаниясининг тузилиши кўп жиҳатдан тармоқдаги маркетинг стратегиясини белгилашда ва амалга оширишда, корхона ва ташкилотларнинг экспорт салоҳиягини юксалтиришда, хорижий сармоқлар учун “тармоқнинг жалб этувчаник” жиҳатларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Лекин, мазкур тармоқда шаклланган иқтисодий молиявий мухит қай даражада «тармоқнини жалб этувчаник» жиҳатларини оширишга қодирлиги тўғрисидаги масала бу борада бир мунча кенгрок мулоҳаза юритишга ундейди. «Тармоқнинг жалб этувчанилиги» кўпгина ҳолларда сармоқларни унумли жойлаштириш, юқори фойда олиш нуктаси назаридан талқин этилади: Масалага факат молиявий жиҳатдан эмас, балки гегишли гармоқда маркетинг стратегиясини амалга ошириш нуктаси назаридан ҳам ёндошиб лозим.

Табиийки навбатдаги вазифаларни ҳал этишда қуйидаги савояллар вужудга келади: хорижий фирмалар билан қандай илмий-техникавий ҳамкорлик асосида мева-савзавот тармоклари корхона ва ташкилотларининг «жалб этувчаник» хусусиятларини ошириш мумкин? Ҳуш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида устувор йўналишта эга бўлган

- тармоқларнинг келгуси равнаки ҳамда улар таркибидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятни рағбатлантиришида қандай стратегик мезонлар, тамойиллар ҳал этувчи аҳамият касб этади?

Агар Олмония тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, 50-йиллардан бошлаб тадбиркорликнинг кенг кўламда ривожланиши ва трансмиллий корпорациялар сармояларининг ортиши ва у ерларда янги корхоналарни жойлаштиришга ўндовчи асосий афзаликлар дастлаб ўша даврда Олмонияда мавжуд бўлиб турган қўйидаги омиларга боғлик бўлди:

- юқори малакали мутахассисларнинг мавжудлиги ва уларнинг рағбатлантирилиши;
- ишлаб чиқаришнинг юқори технологик даражада ташкил этилганлиги;
- яхши амал қилиб турган инфратузилма;
- кўнгилли ижтимоий мухит;
- барқарор валюта;
- юқори меҳнат унумдорлиги;
- барқароқ ва ишончли сиёсий мухит ва ҳоказо.

Бу эса ўз навбатида олмон фирмаларининг тез орада қалкаро рақобатда етарли мувоффақиятларга эринишларни сабаб бўди.

Сўнти йилларда Олмониянинг ягона давлат сифатида шаклланиши, шарқий Олмония иқтисодиётъни қайта куриш ва таркибий силжишлар сиёсатида амалга оширилган ишлар хусусида мулоҳаза юритиши алоҳида аҳамиятга этди. Бунинг учун биринчи ўринда, таркибий силжишларни амалга оширишда замонавий тадбиркорлик соҳасидаги кескин ўзгаришлар кўламини, унинг хусусиятларини назарда тутиш ўринлидир. Чунки, юқорида таъкидланганниек, тадбиркорлик соҳаси бир томондан самарали сармоя сарфлаш обьекти сифатида, иккинчи томондан, иқтисодиётдаги таркибий силжишларни амалга ошириш соҳаси сифатида қаралиши лозим.

Хозирги пайтда Олмонияда юқори турмуш даражаси, аҳолини кучли ижтимоий-иқтисодий муҳофаза тизими барпо этилганлигига карамай, тадбиркорликни келгусида ривожланишила ҳали етарлича камчиликлар мавжуд деб хисобланади. Хусусан, олмон олимларининг фикрича меҳнатга ҳак тўлашда янги муаммоларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлини, гадбиркорликни солинка тортиш, экологик чекланишларни белгилаш, ижтимоий сукурта жратмаларини белгилаш бўйича камчиликларнинг мавжудлиги сабабли ҳалкаро рақобатда устунликка эринишни жуда мушкулдир.

Ушбу фикрни яна бир даңгыл сифатида Олмония қайта ишлап саноатидаги қуйидаги ҳолатни келтириш мүмкун. Шуни назарда гутиш лозимки, қайта ишлаш саноати таркибига мева ва сабзавотларни қайта ишловчи турли йўналишдаги корхоналар ҳам киради. Ушбу тармоқда соатбай иш ҳақи ставкалари Европада энг юкори бўлишига қарамай, олмон тадбиркори ҳар бир хизматчининг иш соати учун 19,76 олмон маркаси миқдорида ижтимоий сугурта учун маблағ ажратади. Киёслаш учун айнан шу кўрсаткич Японияда - 14,73 олмон маркасини, Францияда - 13,92, Испанияда - 9,22 ва АҚШда эса 8,41 олмон маркасини ташкил этади. Бу эса Олмонияда меҳнат ҳақининг янада кимматроқ экарғигига, корхоналарни жойлаштириш, иш жойларини ташкил этишда мушкулликлар борлигига яна бир мисолдир.

Мана шундай муаммоларни ҳал этишда, тармоқ ва худуд манфаатларни жиспаштириш учун бир қатор хукукий, молиявий уринишлар қилинмоқда. Жумладан, Олмония бирлашгандан сўнг «Олмонияда саноатни сақлаб қолиш» тўғрисищаги Конун тадбиркорликда эркинликлар яратиш, имтиёзлар бериш бўйинча бир қатор тадбирларни амалга оширишини кўзда тутади. Ушбу уринишларнинг самираси сифатида қуйидаги маълумот диккатга сазовордир. 1996 йил якунига кўра, энг юкори сотув ҳажмига эга бўлган Фарбий Оврупа фирмаларининг 50 тадан 20 таси олмон фирмалари ҳисобланади.

Энди бевосита мева-сабзавот этиштириш ути қайти ишлаш ва савдосини тацкил этиш вазифалари хусусида тўхталсак. Олмонияда асосий сабзавот турлари бўйича ўз-ўзини таъминлаш муаммоси ҳал қилинган бўлишига қарамасдан, бошқа сабзавот ва мевалар ассортиментини ички бозорда доимий мавжуд бўлиб туришига алоҳида ёътибор берилади. Бунда тармоқни назорат этувчи вазирликлар, федерал ерлар «хукуматлари», турли тадбиркорлик уюшмалари ўртасидаги чукур иктисолий таҳлил ва мунозараларда маҳаллий ишлаб чиқаришни рагбатлантириш етакчи мезон сифатида қаралиди. Бунинг устига олмон ҳаридорлари маҳаллий мева ва сабзавотларни сотиб олишга кўпроқ иштиёқмандлик билдирадилар.

## II.7. МАРКЕТИНГ ОМИЛЛАРИ

Маркетинг маҳиятини яна ишлироқ тушуниш учун албатта унинг вужудга келиш тарихини ўрганиб чиқиш керак. Америкалик маркетингшунос олим Филипп Котлер унинг вужудга келишини З босқичга бўлади:

Биринчи босқич - маркетинг иқтисодиётнинг бир бўлаги сифатиди ажралиб чиқиб, ўзида тақсимот системасини ифода этиши билан характерланади.

Иккинчи босқич - маркетинг бошқариш ҳакидаги таълимот сифатида намоён бўлиб, тақсимотни фирма нуктai назаридан қараб, бошқариш системасини такомиллаштиришни ўзининг вазифаси деб хисоблайди.

Учинчى босқич - маркетинг асосий эътиборни бу босқичда айирбошлашдаги иккала томонга, яъни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчинг харакатини тартиби солишга қаратади.

Мыълумки, XX асрнинг бошларига келиб капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортиб борди, фан ва тәҳника ривожланиши натижасида товарлар ассортименти ҳам қўпайиб, товарларни реализация қилинча кийинчиликнега вужудга кели бошлади. Ишлаб чиқаришдаги ва бозордаги бу шаронитлар бозор ҳаракатини ўрганиш ва уни чукур муроҳаза қилишни тилиб кила бошлади. Аниа шундай иқтисодий широитда АҚШнинг Илионой ва Мичиган, Гарвард университетларици саноатчиларни, бизнәсмензарни ва савдоғирларни ўқитадиган маркетинг курслари ишлай бошлади.

АҚШнинг энг йирик монополиялари «К.Н ва Ю.С. Раббер» ва «Синф энц К» биринчилардан бўлиб маркетинг бошқарув зенносини ташкил этиб, фирмамо башқарув фаолигига таъсисланадиган бошладилар ва бу уларга катта муваффакиятлар келтирди.

1920 йилда Америка Маркетинг Жамияти вужудга келди ва маркетинг маҳсус фан сифатида жамиятлар ва илмий ходимлар томонидан чукур ўрганила бошланди. 30-йилларга келиб уч хил маркетинг концепцияси вужудга келди: тақсимот концепцияси, институционал концепция, функционал концепция.

Маркетингни тақсимлаш концепциясининг асосида миллий иқтисод доирасида товарлар муоммасини ташкил этиш ва товар ҳаракатининг самарадорлигини ошириш масаласи ётади.

Маркетинг институционал концепцияси бозордаги социал турухлар ва ижтимоий ташкилотларининг жамов нағфаатларини

ифюда этади. Шунинг учун бу назария олди-сотдида иштирок этадиган ижтимоий гурӯҳлар, давлатнинг ҳар хил ижтимоий ташкилотлари фаолиятини ва эҳтиёжини таҳлил қиласи.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб маркетинг бозорни бошқариш ҳакидаги фан сифатида ўрганила бошланди. Бу даврда маркетинг бошқариш, ишлаб чиқариш имкониятларига қараб эмас, балки бозор талаблари, истеъмолчилар талабларига қараб олиб борилди. Маркетинг олдин товарларни бозордан ўтказишни англатса, кейинроқ эса ҳаридор истагини, унинг талаби ва эҳтиёжини қондиришни анилатди. Амалда биринчи бўлиб «Дженерал электрик К», «Дженерал фудз корпорейшн», «Америки телефонэн., телеграф К», «Вестинггауз электрик интернешн», «Крафт фудз» компаниялари ўз филиалларидаги маркетинг бошқарувини кўлладилар ва катта мувоффақиятларга эришдилар. АҚШдаги энг йирик корпорацияларининг 80 фонзи 60-йилдаёқ ўз ишларини маркетинг асосида ташкил эта бошладилар.

Хозирги вактга келиб эса маркетинг фиолияти доириси яна ҳам кенгайиб, иқтисоднинг асосий қисмларидан бирига ийланди. Маркетинг фаолияти билан АҚШнинг меҳнат билан шугулланадиган ахолисининг ундан бир қисми банд. Уларга ултуржи ва чакана савдо, юқ ташиш омбор хўжалиги, алоқа системаси, молия, сервис тармоқларида банд бўлган, шунингдек, маҳсус маркетинг ва реклама билан шугулланувчи мутахассислар киради. Йирик гашкилотлар маркетинг изланишлари учун ҳар йили 2 миллиард доллар сарфлайдилар. Бу компания ҳаражатларининг ярмига яқинини ташкил этади ва компанияларга катта фойда келтиради.

Маркетинг АҚШда пайдо бўлиб, ривожланган бўлса ҳам, хозирги вактда Япония, Фарбий Европадаги компаниялар ўзларининг бошқариш системаларини маркетинг принциплари асосида олиб бормоқдалар. Маҳсус маркетинг ташкилотлари ва фирмалари, илмий текшириш институтлари ва марказлари, ҳалқаро ва миллий маркетинг жамиятлари кўпайиб бормоқда. Маркетингни ташвиқот қилинда асосий ролни Америка Маркетинг Жамияти эгалайди. Унинг 12 мингдан ортик аъзолари бор. Бу жамият «Джорнал оғ маркетинг» ва «Джорнал оғ маркетинг рисеч» ойномалари ва бошқа рўзномаларни чиқаради. Улар маркетинг изланишларини маблағ билан таъминлаб турадилар. Ундан ташқари бундай фаолият Европа маркетинг жамияти (ECOMOP) ва Ҳалқаро маркетинг

федерацияси томонидан ҳам олиб борилади. Бу жамиятнинг 50 та маҳсус нашрлари чиқиб турибди.

Маркетингнинг мақсади фирма раҳбарлари мақсадидан фарқ қилиб, кўпроқ истеъмчалиги эҳтиёжига бўйсундирилган бўлади. Маркетинг хизматчилари кўпроқ фирманини ва унинг қайси тури ҳаридорга кўпроқ ёқади, қайси бири ёқмайди, нима учун, қайси групта ҳаридорлар учун қандай янни хилтовар ишлаб чиқинши керак, деган масалалар билан кизиқади. Фирма олиши мумкин бўлган нарсанинг нисбий ёки умумий суммаси аниқланади. Маркетинг фаолиятининг энг муҳим томони маркетинг режасини тузингизир. Маркетинг режаси исосан ҳаридорларга қаратилган бўлиб, уларда фирманинг сотиб олишга ундовчи ҳар хилтадбирларни баён килган бўлади. Бунинг учун албатта, фирма товарлари ўзига хос бўлган хусусиятига, сифатига эга бўлиши, янги, ҳам арzon бўлиши, сотгандан кейин ҳам маълум микдорда хизмат кўрсатилиши билан ажralиб туриши керак.

## II. 8. КИЧИК БИЗНЕСДА МАРКЕТИНГ

Бозор, товарларнинг рақобатбардошлилиги, уларни тақсимлаш тизимиға оид ахборотлар ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти учун сув билан ҳаводек ҳарур бўлган бир пайтда ана шундай ҳаққоний бозор маълумотларини ҳарид килишга кичик корхоналарнинг қурби етмаслиги мумкин.

Фарағ қиласиз, сиз ресторон, саргарошхона очмокчисиз ёки болалар йўинчоқлари ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этмокчисиз. Бозордаги аҳволни яхши билмасдан туриб хусусий ишни бошлаш нотўрицир албатта. Бирор зарур ахборот олиш учун муайян микдорда маблагъ сарфлассангиз тадбиркорлик фаолиятингизга пул қолмаслиги мумкин. Бу шундан далолат берадики, маркетинг шарҳларини ҳарид килиш харажатлари кичик тадбиркорлик ҳажмиға мос бўлиши лозим. **Бозор Нима?**

Меълумки, барчада, жумладан ҳар бир шахса, оилада, дўстларда, ҳамкаслар ва бошқаларда у ёки бу даражада эҳтиёж мавжуд. Бирор, бу эҳтиёжларни қондириш учун пул маблагларидан ташқари сотиб олиш истаги ҳам бўлинни лозим. Албатта, мовжуд товарга эҳтиёжманц қишилар ҳар доим мавжуддир. Бирор, агар уларнинг пули бўлмаса, хеч нарсани сотиб бўлмайди. Бу эҳтимолдаги бозор

Шундай қишилар ҳам борки, уларнинг маблаглари ва товарга бўлган эҳтиёжи ўргача даражада. Лекин, улар ҳарид килишини хоҳлашмайди. Бу ҳолда улар ҳарид килишига нисбатан

муносабатларини ўзгартиргунча уларга товар сотиб бўлмайди.  
Бу бўлгуси бозор.

Ва ниҳоят, шундай кишилар ҳам борки, уларда пул ҳам,  
сотиб олиш истаги ҳам бор, бироқ уларда товарга эҳтиёж йўқ.  
Бу яширин бозор.

Цундай қилиб, товар ёки хизматга бўлган талаб қўйицаги  
учта шарт, яъни эҳтиёж, шу эҳтиёжни қондириш учун пул  
маблағлари ва уни қондириш истагининг мавжудлиги каби  
шартлар бажарилган тақдирдагина намоён бўлади.

Бўлгуси харидорда у буни тушуниб етиши ёки  
тушунмаслигидан катъий назар эҳтиёж пайдо бўлмагунига қадар  
бозор вуҳудга келмайди.

Харидорлар одатда нима сотиб олиш кераклигини яхши  
билишади Бу ўзига хос рўйхатнинг бошида ҳаётий эҳтиёжлар  
турди. Ундан кейинги қаторларда унчалик муҳим бўлмаган  
эҳтиёжлар турди ва рўйхатни истеъмолчилар ҳаётий эҳтиёжлар  
харид қилишни инят қилаётган говарлар ва хизматлар  
яқунлайди. Ўз-ўзидан бозор турли эҳтиёжли кишилардан  
иборат Уларни қўйидагича таснифлаш мумкин: "Асосий  
эҳтиёжлар (овқат)", "зарурий эҳтиёжлар (уй-жой, кийим-бош!)",  
"истак-ҳохиц (автомобиль, дала боғ)". Товар ва хизматни чуқур  
таҳлий этиб ўзлаштирумокчи бўлган бозорда унга бўлган эҳтиёж  
даражасини аниклаб олиш мумкин.

Сўнгра талабни баҳолаш мақсадида бўлгуси бозорни  
тадқиқ қилишда давом этиб, икки нарсани аниклаб олиш керак.  
Булар қўйидагилар: тахминий харидор товарга эҳтиёжманди ва  
у харид қилиш учун маблағта эгами. Бироқ, товарни сотиб  
олиши мумкин бўлган истеъмолчилар сони аниқ бўлмаслиги  
мумкин. Чунки, кўпчилик эҳтиёжманц, харид қилишга қодир  
бўлиб, ҳақ тўлашга келганда вазият бутунлай ўзгариб кетиши  
мумкин.

Сотиб олишга мояниликни факат ҳақиқий бозор  
шароитларида, яъни харидорлар эътиборини жалб қилиш  
мақсадида товарлар билан ўзаро рақобатлашаётганинга  
баҳолаш мумкин.

Кўйидаги омиллар маркетинг тадқиқотлари обьекти  
бўлиши мумкин:

1. товар - харидор амалда нимани ҳарид қилмоқда?
2. доналаб сотиш микдори ва унинг ўртеча қиймати;
3. операциялар амалга оширилиши кўзда тутилаётган худуд;
4. мазкур худуддаги рақобат;
5. товарларни тақсимлашининг мавжуд усуслари;

6. мавжуд майший тизим;
7. сотув бўйича сарфланган куч-тайратлар баҳоси;
8. сотувдан кейинги хизмат.

Бу ерда юқоридаги омилларнинг ҳар бирни бўйича барча ахборотларни жамлагач қелгусидаги фаолият учун зарур маркетинг базасини вужудга келтириш мумкин. Бирок, бозор тадқиқотлари кўп маблағ ва вакт талиб этади. Шунинг учун дастлабки пайдаларда бозор ҳақидаги қайси ахборотлар тадбиркорлик фаолияти учун аскотиши мумкинлигини аниклаб олиш ва уларни фаолият учун қай даражада мос келишига қараб гурухланиши керак.

## **II. 9. КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ.**

Ушбу Марказ Тошкент шаҳрида жойлашган. Марказ лойиҳасининг бажарувчилари: техникавий кўмаклашув бўйича Германия жамияти (GTZ) ва Luso Consult GmbH (Гамбург-Кельн) фирмаси.

Марказ хомийлари: Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси.

Асосий хизмат кўринишлари: Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта тадбиркорликни оёқка туриши ва тараққиётва кўмаклашиш, тренинг курсларини ўтказиш йўли билан кичик ва ўрта корхоналар ишбилармонлари ва менежерларининг масаласини ошириш, тайёрлаш, ҳамда ишбилармончиликнинг турли хил муаммолари бўйича консалтинг хизматини кўрсатиш.

Санаб ўтилган хизматлардан ташкари ишбилармонларга Германиянинг қарз бериши йўналиши бўйича кичик ва ўрта бизнесни қўллаб кувватлаш учун Ўзбекистоннинг иккита тадбиркорлик банклари орқали ёрдам берилиши мумкин. Қарз фаолият кўрсагаётган расмий курс бўйича сўмда қайтарилиши мумкин.

Марказнинг асосий фаолияти Германиянинг техникавий кўмаклашув жамияти (GTZ)нинг ҳалқаро эксперлари билан биргаликда ишлаб чиқилган, дунёнинг 70 дан ортиқ давлатида синовдан ўtkazilgan CEFE усулида ишбилармонларни ўқитиш ва тайёрлаш бўлиб ҳисобланади.

CEFE усулида ўқитиш услубининг асосини таълим олувчиликнинг ўз шахсий ва тадбиркорлик сифатларини мукаммал таштириш, тараққий эттириш, бизнес ғояларни излаш,

тандлаш ва таҳлил этиш ташкил этади. Бизнес-ғоялар қўйидаги йўлланмади олиб борилади:

- маркетинг
- менежмент
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш
- молия

СЕFE услугияти иқтисод назарияси ва тадбиркорлик амалиёти асосларини педагогика ва шахс психологисининг янги замонавий тамоилилари билан кўшган ҳозди олиб боришга мўлжалланган.

СЕFE услуги иқтисоднинг асосий бўлимлари бўлиб ҳисобланган: бизнес-ғоя, соликлар, молиявий таҳлил, ишлаб чиқариш, менежмент ва ташкилот, маркетинг ва реклама, бизнес-ғочни тандлаш ва таҳлил этиш кабиларни чуқур ўрганиш ва тадбиркорнинг шахсий фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланган.

Марказ таълим берининг қўйидаги дастурини ҳавола этади:

1. Муваффакиятли тадбиркорликнинг асослари
2. Ҳозирги замон ҳисоб ишларининг асослари
3. Бизнес-ғояни тандлаш ва таҳлил этиш
4. Бизнес-ғояни тузиш
5. Маркетинг ва реклама
6. Ҳозирги замон маркетингининг хусусиятлари
7. Молиявий менежмент
8. Менежмент

Ўқиш тутагандан сўнг ҳалқаро намунадаги гувоҳнома берилади.

## II. 10. КИЧИК БИЗНЕС БОЗОРНИ ТЎЛДИРИШ МАНБАИДИР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кичик ва ўрта корхоналарда ўз ўрнини топади. Чунки улар бошқарувда ўта энчиллик хусусиятига эга бўлиб, рақобатга ва аниқ истеъмолчилар сўровига тезда живоб бера олиш хусусиятига эгадир.

Бизнинг республикамизда бундай муҳим йўлланманинг ривожи учун жуда кўп ишлар амалга оширилди: шахсий тадбиркорлик қизиқишлиарини ҳимояловчи хукукий асослар бунёд этилди, бизнес-фонд, «Мадад» сугурта агентлиги, бизнес-инкубаторлар тармоғи, лизинг, инжиниринг ва шу каби фирма ва компаниялар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда жуда кучли омил

Президентими И.А. Каримовнинг «Кичик ва ўрга тадбиркорлик тараққиётини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар хақида»ги Фармони, Республика координация кенгаши ва бошқа мөъёрий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ёпик фаолият бўлиб ҳисобланган бизнес дунёси, ҳозирги кунда демократия асосида ривожлана бориб на факат ватандошларимиз учун ва ҳатто чет эл тадбиркорлари ва инвесторлари учун ҳам кенг йўл очиб бермоқда. Бу йўналишда кўшма корхоналар, кўшма жойиҳаларнинг сонини ошиб бораётганлигини тан олиб иктисолидётга чет эл капиталини оқиб келаётганлигини изоҳлаб ўтиш шартдир.

Масалан, 1997 йилнинг биринчи кварталища 1996 йилнинг худди шу вактдагига нисбатан чет эл инвестициясининг кириб келиши икки марта ошган, уларнинг умумий капитал маблағдаги ҳиссаси 11,4 фойзни ташкил этган, чет эл инвестиция жуғрофияси икки марта кўпайган. Шу нарса яна муҳимки, бундай улутвор ўзгиришлар жаҳиятда тинчлик осоиишталик шароитида амалга оширилмоқда.

Албатта ушбу муваффакиятлар бизни беихтиёр қувонтиради. Бироқ ушбу муваффакиятлар миллий иктисолидётгимиз гаркибида ўтирибди. Энди, иктисолидий тараққиётнинг муҳим масала ва устизбор йўналишлари аникланган, республикамиз дунё ҳамжамиятида ўзининг етук ўрнини эгаллаган бир вактда фикрет микдорий эмас балки сифат ютуклари ҳам керакдир. «Бу Ўзбекистонда тайёрланган» марказдаги Махсулотлар дунё андозаларига жавоб бериши керак.

Бизнес ва тадбиркорлик ривожланган мамлакатлар даражасида тараққий этиб, биринчи навбатда инсон манфаати учун хизмат қилиши керак. Фақат олди-сотди, қайта сотишга асосланган бизнес кисқа дақиқадаги фойдага асосланган бўлиб миллият бойлигини оширишга фойдаси камдир. Щунинг учун ҳам ҳозирги замон бизнес ва тадбиркорлиги биринчи 1 вбатда ишлаб чиқариш моддий базасини ривожлантиришга, мавжуд ресурслар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга мўлжалланган бўлиши керак. Хуҷи ана шундай бизнес ва тадбиркорликкини кўпчилик гарб мамлакатлари, Тинч океаниннинг Жанубий-Шарқ худудлариша иктисолидёт ва ишлаб чиқариш кучларининг гуллаб яшнашига олиб келди.

Бизнес ва тадбиркорлик қишлоқ жойлариша ривожлана бошлади. Қишлоқ жойларда жуда кўп одамлар ресурсларидан ташкири, турли хил хизмат вазифаларини амалга ошириш,

ершуносликни ривожлантириш, кишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш каби имкониятлар мавжуддир.

Энг кераги ва муҳими бизнес ва тадбиркорлик билан шугулланиш учун илмий асосга эга бўлган режаларни тузабилиш, истиқболни аниклаш йўл-йўрингарни билиш керак.

Бизнес ва тадбиркорликда хорижий мамлакатларда табиий одатта кириб қолган “ўзгарувчи баҳолар” тамойилига ҳам ўрганишга ўтиш керак. Яъни, маҳсулотни ишлаб чиқардигани, бозор талабига қараб унинг баҳосини (албатта зарар келтирмайдиган даражада) ўзгартириб туришни ҳам назарда тутишинг керак деган аклии ёддан чиқариш керак эмас.

## II. 11. ҚУРИЯДА КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

Қурия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўзаро иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бормокда. Қуриянинг бизненинг республикамиздаги йирик корпорациялари фаолияти ҳаммамизга маълумдир. Қурия иқтисодиётининг мувиффикоятлари факат йирик бизнес билан эмас, балки кичик ва ўрта бизнес билан ҳам белгиланиб туради. Қурия «Кичик бизнес - иқтисодий ўсишини силкитувчи кучдир» деган ҳукumat ишори ҳам бор.

Кичик ва ўрта бизнес билан шугулланувчилар ишловчилар сонига қараб икки тоифага бўлинадилар. Масалан, төғ ишлари, транспорт ва саноат фирмаларида 20 дан кам одам ишласа кичик, 21 дан 200 кишигача ишласа ўрта б. лес деб юритилади. Савдо-сотикда 5 тадан кам одам ишласа кичик, 6 тадан 20 та кишигача ишласа ўрта бизнес деб юритилади.

Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-куватланиши сиёсатининг зосини маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва ҳамма йўл билан экспортни рағбатлантириши бўлиб ҳисобланади.

Бундай устивор йўналишни танланишининг сабаби, кичик ва ўрта бизнеснинг ўсиши қарз олини (кредити) мўлжаллашган бўлиб, асосан ички бозорни конквиришга йўналтирилган, молиявий алмашувларни амалга оширишга шароит яратади.

Кичик фирмалар экспортга мўлжал килинган бўлса тўловлар маҳсулот жўнатилиши биланок тушиб молиявий алмашув тизимини яхшилайди.

Давлат албатта биринчи навбатда юкори экспорт салоҳиятига эга бўлган фирмаларни қўллаб қўлтиклайди. Давлат томонидан қўллаб-куватланишининг асосий тамойили

бекимандалик ҳис-туйгусининг йўклиги бўлиб ҳисобланади. Кичик корхона ўз келамагини ўзи даё этиши керак. Бизнесни кўллаб-куватлаш масалалари маҳсус давлат институтлари кўришини бунёд этилган кичик бизнес тарафий этишинга ёрдам берувчи орган орқали, маҳсус конунчиллик асосида олиб борилади.

Хукумат томонидан савдо бизнесини рилюхлантириш, ташки бозорга чиқиш, ахборот хизматини яхшилаш ва техникавий ноу-хауларни узатувчи катор ташкилотлар барпо этилган. Жумладан, Куря халқаро савдо ташкилоти, Куря савдо тараккиётни кооперацияси, кичик ва ўрта ишустрия тараккиётни кооперацияси. Тадбиркорларга, кичик ва ўрти корхоналарга ёрдам берувчи жамоатчилик асосида ишлайдиган ташкилотлар ҳам фаолият кўрасатди. Жумладан, Куря саноатчилири федерацияси, Куря ташки алоқалар ассоциацияси, савдо-саноат палатаси, савдога ёрдам берувчи Куря корпюрацияси, иктисадий ҳамкорлик бўйича халқаро кенташ, кичик ва ўрта бизнесга ёрдам берувчи Куря корпорацияси, ташки савдо агентлар ассоциацияси, Куря тўқимачилик саноати федерацияси, электрон саноат ассоциацияси, Куря машинносозлар ассоциацияси, Куря менжерлар ассоциацияси ва ш.к.лар.

Куря кичик ва ўрта фирмалари Йирик фирмаларга бирлаштирилган. 1989 йилдан савдо ва саноат вазирлиги томонидан кичик ва урта корхоналар учун ахборот тизими ва ғайтуомотлар базасини буййд қилиш беш Йирик дастурнин бошқариб турди. Шу дастур асосида кичик ва ўрта корхоналарни бозордаги маддуялар ва янги технологияларга оид ахборот билан таъминлаб турмади.

Кичик ва ўрта корхоналарга докумат томонидан янги асбоб-ускуналарни ўринатиш ва эскиларни алтиштириш бўйича молиявий ёрдам берниб турмади. Агар Йирик корхоналар 1,5 млрд. вои. джамида карз олишга ҳисоб-китоб кўсалалар, кичик ва ўрта корхоналар 3 млрд. вои. джамида карз олиш имкониги згадирлар.

Кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-куватлашга она тацбирлар ўз нетижасини бермоқда. Охирги ўн Йирикка кичик бизнесининг иктисади ўтда туттган ўрти 9 фонддан 62 фондигачи ўстан. Курядаги кичик бизнесининг асосий фокалнати айrim деталлар, ярим фабрикатларни ишлаб чиқарниб Йирик корхоналарга берилширир.

## **II. 12. РЕКЛАМАНИНГ КОИДАЛАРИ**

Г. Картернинг «Самарали реклама. Кичик корхоналар учун йўлланма» китобида беён этилган асосий коидаларни кўриб чиқамиз:

### **1. Фикрингизни содда разишда байди қилинг.**

Ўз далилларнингизни деч качон мураккаб мушоҳадалар билан тушунарориз қилиб қўйманг. Фикрингизни соддалаштиринг ва ўзлаштиринг. Мумкин бўлган ҳар жода, маънисини ҳар қандай одам тез антлаб оладиган кунцалик сўзлар ва қиска ифодалардан фойдаланинг. Имкони борича техник атамалардан кочинг.

### **2. Фикрингизни қизиқарли тарзда билдиринг.**

Кўтаринки руҳда қизнгарли гапириб беришга харакат қилинг. Агар тингловчишарда қизиқиш йигота олсангиз, яхши. Узундан-узоқ сенаб ўтишлардан, олифта таъкидлардан нари юринг. Укувчиларни сизнинг товарингиз эмас, ундан олиш мумкин бўлган фойда қизиқтиради.

### **3. Фикрни тўла-тўари ифодаланг.**

Мақсадга тоз кўчинг. Жумлани тежанг. Баъзан биринчи жумлани тушириб колдирини ҳам мумкин. Кейин имкони борича ортиқча сўзларни, айниқса сифатларни йўқогинг. Таълиғингизни тежамкорлик билан тушунтиринг, лекин зарурий услугуб ёки суръати хизмат қиладиган сўзларни курбон қилинг.

### **4. Тасдиқловчи фикрлар билдиринг.**

Силбий характерга эга бўлган байдиларни бошқача ифодалаб, тасдиқловчи-үшловчи гапга айлантиринг.

### **5. Солом фикрланав.**

Чалкаш далиллар одами чалғитади ва мантиқсиз бир нарсага айланниб қолади. Ўйлаб кўринг: аклий кобилиятлари ўртача бўлган одам сизнинг гапларингизга ишонармикан; сиз унга етказмокчи бўлган асосий фикрнинг аҳамиятини тушуниб етармикан.

### **6. Далиллар келтиринг.**

Далилларнингизни албатта ойдинлаштиринг, лекин фикрни беён этиш услуги ёки материални ранг-баранг қилиш мақсадлари талаб ётганда эҳтиётлик ва меъёри билан баён қилинг.

### **7. Қисқаликка интилинг.**

Ўзингиздан киёс қилинг: узундан-узун эълонларни ўқимай ўтиб кетмаганмисиз? Уларни тез ўқиб олиш қийинку. Қисқа

матн эса одамни ўзига жалб этади, бир кўэ ташлашдаёк эсда колади.

#### **8. Ҳаққоний ва одобли бўлинг.**

Ёлғон гапларни амалиёт тез орада инкор қиласди, демак сиз такорий буюртмалар олмайсиз. Агар сиз мужмал тасвирили реклама берсангиз ёки одоблиз сарливча кўйсангиз, бу хоша ўқувчига товарнингизнинг ҳеч қандай қизикарли жойи йўқ ва бундай реклама чўкаётган одамга хис-чўпдек бир нарса деб холоса чикаришга ҳақлишир.

#### **9. Бошқалардан фарқ қилиб мурини ва оригинал бўлинг.**

Сизнинг мурожаатингиз, агар у оқилона чегараларда қизикарли бўлса таъсир ўтказади ва қизикиш уйғотади. Файри одатйлик билан бемаънилик ёки очик-оидин тентаклик чегарасига ўтиб кетманг.

#### **10. Энг муҳим тижорий далилларни тақрорланг.**

Яширин харидор сизнинг эълонингизни тўла ўқиб чикади деб ишонч хосил қилиш мумкин эмас. Ўқиб чиккан тақдирда ҳам эълондаги далилларнинг ҳаммаси эсда колишига ишониб бўтмайди. Далиллар сонини камайтириб, колганларини осон тушуниладиган ва эсда қоладиган дарижада тақрорлаб, кучайтириб ва тасвирлаб, эълонингизнинг самарасини оширишингиз мумкин.

#### **11. Диққатни ўзингизга қаратишга ва ушлаб туришга интилиниг.**

Яширган харидор эълонингизни тўла ўқиб чиқиши учун учинг диққатини ушлаб туриш сиз берадётган ахборотга, сиз фойдаланаётган сўзларга, тузган матнингизнинг узунлигига ва кўзга яккол ташланишига боғлик. Кўзлар автоматик тарзда пали-партиш, ажратиб-ажратиб ёзишмаган матнларни инкор этади. Ва, аксинча, қисқа-қисқа қилиб, абзацларга бўлинган матн кўзни ўзига тортади. Кора ҳарфлар билан терилган сарлавҳалар кўзларни ўкишни давом эттиришга ундайди. Одатий бўлмаган ёки қизиктирадиган баёнлар мияни қитиғлайди ва қизикишни қондиришга ундайди.

#### **12. Ўқувчи нима қилиши кераклигини айтинг.**

Ҳар бир эълонда сиз ўқувчидан нимани истаёттанингизни айтишингиз керак. Келишувни якунлашга интилаётган сотувчи каби, реклама берувчилар ўқувчига муайян ва ижобий тавсия бериши керак. Сотиб олишга чакириқ бакувват айтилган бўлиши ва шу заҳоти ҳаракатга тушириш учун рағбатлантириши керак. Бу рағбат сезиларни бўлиши мумкин, масалан, маълум бир муддатда буюртма берганларда сийлов тақлиф этиш.

### **13. Эълон матни ва тузилишини текшириб кўринг.**

Сиз нима деяпсиз ва уни қандай кўрсатаяпсиз, буларнинг самарасини баҳолаб кўриш ҳар бир реклама берувчи учун катта аҳамиятга эга.

### **14. Муайян рақибни тилга олиб, ўзингизни у билан таъқосланг.**

Бундай ҳолда истеъмолчилар сизнинг товаринги реквибиликцидан ёмон экан, деб ўйлади ва унинг товарларини ўргана бошлайди, эҳтимол, унинг товарини сотиб олар.

#### **Рекламанинг самарадорлигини баҳолаш усуллари.**

Реклама компанияси ишга тушиб кетгандан бошлаб, то охиригача реклама иш бераётганилигини кузатиб туриш керак. Бу реклама компаниясига тузатиш киритиш маъсадида қилинади Рекламанинг самарадорлигини баҳолаш усулларидан баъзиларини кўриб чиқамиз.

1. Рекламани таниб олиш тестлари. Синалаётган одам билан бирга у илгари кўриб чиқкан журнални варижлай туриб, синаётган киши унга қайси реклама эълонлари таниш эканлигини аниклайди. Бу усулнинг афзаллиги чиқимнинг камлигигида, салбий томони ишончсизлигигида ва олинадиган ахборотнинг камлигигида.

2. Рекламани эслаб колиш тестлари. Сизнинг рекламанинг кўрган одамдан у нималарни эслаб қолганини сўралади.

3. Фикрларни ва муносабатларни суриштириш.

4. Сўзлар таъсирини текшириш тестлари.

Агар реклама ахборотигаги у ёки бу сўз одамларда нотўғри ёки ноҳуш таассурот уйғотса, уни рекламадан олиб ташлаш керак.

5. Фирма обрўсини суриштирадиган естлар.

6. Реклама эълонининг сифати ва самарадорлигини анкета йўли билан суриштириш. Истеъмолчидан эълоннинг қатор сифатлари: эътиборни торгувчанилиги, охиригача ўқишига ундаши, ахборот хажми, ҳиссиятга таъсир этиши, далилларнинг ишончлилиги ва шу кабиларни бўлтар ёрдамида баҳолаб бериш илтимос қилинади.

7. Тажриба усули. Бу усул энг самаралидир. Фирма эълон берган бозорлардан бир-бира билан таъқосласа бўладиган бир нечтасини ажратиб олади (уларга қилинган ҳаражат ҳам деяр, тенг бўлиши керак). Кейин бозорнинг учдан бир қисмида реклама ҳаражаглари маълум бир фоизга камайтирилаци ва бозорнинг иккинчи бўлатигига реклама ҳаражати ўшанчага кўпайтирилаци, учинчи бўлатигига ҳаражатлар ўзгармай

қолдирилади (назорат). Бирмунча муддат ўттач, бозорнинг бўлакларида сотинш ҳажми ўрганиб чиқилади. Шуларга қараб рекламанинг симародорлиги баъданади.

Реклама бизнинг ҳайтизига мустаҳиликдан кейин 90-йилларнинг бошида кириб келди. Ва бу бозор иктисадийтига асосланган Фукаролик жамиятни куринни мақсаҳ қўяғни мамлакат учун табиий ҳодисадир.

Маълумотларга қараганде, хориждаги йирик фирма ва компаниялар умумий даромадининг 20 феизидан кам бўлмаган қисмини реклама учун сарф килар экан.

Рекламанинг яна бир хусусияти бор: у факат иқтисодий, сиёсий-ижтиомий ҳодиса бўлиб колмасдан миллий сиёсатнинг бир бўлаги ҳамадир. Чунки сиёсий ва ижтиомий рекламалар кишида милий ифтихор туйгусини уйғотвди, иймон-зътиқоди, Ватан ва миллатта садоқат тушунчаларини шакллантиради. Лекин уни жорий этишда совет тузими давридагидек «ура-ура»чиллик аломатларига ўрин қўйцирмаслик керак. Токи, у фикр ва тушунчаларимизни Ўритон, идроктимизни уйғотсин, қалбимизнинг туб-тубигача сингсин. Зоро, Вазирлар Маджимасининг карори билан республика «Гасвирий ойна» ижодий уошмасининг ташкил этилгани, унинг зиммасига ана шундай ҳарали вазифалар юқлатилганлиги ҳам божиҳ эмас.

Мутахассисларнинг фикрича, яйни пайтда реклама ва уни безаш соҳасида Франция ва Япония мамлакатлари етакчи ўринларни эгаллашар экан. Франциялик таникли reklama.com Жак Сигиланинг ҳазилнамо бир гапи рекламачилар орасида оғиздан-оғизга ўтиб юради. У Европа рекламаси ишдан юракка, русларники юракдан ақлга, америкаликларники эса ақлдан чўнтақка хитоб килади, дейди. Франция ва Япония мамлакатларида у хоҳ кўча рекламаси, хоҳ матбуотда бўлсин ва унинг кайси турга мансублигидан катъий назар, санъет даражасига кўтарилиган, деб айтиш мумкин. Яна бир қатор давлатларда мамлакат миқёсида рекламачилар фаоъчигини мувофиқлаштирадиган ҳамда уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қўладиган реклама ассоциацияси ва агентликлари ташкил этилган.

## II. 13. ТАДБИРКОРЛИККА ЙЎЛДАНМА

Қичик бизнес ва ўрта бизнес билан шутуланаётган тадбиркорлар фаолияти мувваффақиятли давом этиб келмоқда.

Лекин, ахвол унчалик кувонарли эмас. Нега? Кўпчиликнинг - бизнес билимиға эга эмаслигидадир. Бозорнинг

бетартиб, кўнгол «конуналар»ига замо, балки тарақкимёт сари чорлайдиган бизнес яратиш керак. Бу феодият инча ва чукур билим талаб этади. Бизнес - кадимдан мавжуд бўлиб, унинг бошлангич комдаларини бир одам ўйлаб топмаган.

Маълумки, ҳозир факат олинаётган маош ҳисобига яшаш анча кийин. Сизнинг кўлингизда бирмунчча меблаг бор дейлик; бирор у пулнинг қадрсизланиши себабли тезда йўқолиши мумкин. Нима килиш керак? Фойда олиш нимтиди уни бирор ишга сарфлаш коракми? Инвестор бўлниш керакми? Инвестор - бирор ишга ўз меблагини ёки билимини, ё бўлмаса ўзининг хизмат борасидаги алоқаларини, ёки бошқа имкониятларини балошловчи шахс.

Хуллас, сиз бир ни: билан шутулянишга қарор кийдингиз, дейлик. Уни нимадан бошланиш керак? Уни, аввало, ўз идрокимидан бошланишимиз керак. Ҳар бир инвестор фирма тузинчда муҳим бўлган уч-тўртта масалани - ўз максадларини, меблаг ва имкониятлар миздорини, ташкин иктиномий-иктисодий широкийтни, ўзига дос хусусиятларини (ўзининг, бўлахик шернислари ва ёрдаъиларнинг имкониятларини) чукур ўйлиб чиқиши керак.

Сўнгра яна ўйлаб кўриш зарур. Узоқ муддатта ва ҳозирги иштакт учун белгилашган маҳсад ва вазифаларни кўйишига кетма-кетликди аниқлаб озиш керак: ишдан кутилган маҳсул, уни олиб борниш Йўли ва вазифаси.

Или маслаги - сизнинг ицибилирмонлар дунёсида, иктисоли дунёсида ўз тутган ўрнингиз тўғрисидаги тасавуринингиз.

Стратегия - иш маслагини тўлдирувиши ва аниқловчи узоқ муддатли (уч-беш йилгача) бир маҳсадга каратилган Йўналиш. Мисалан: бошқа фирма билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва истикబоли бозорга эга бўлиш, тез-тез хорижга сарф килиш имкониятларини таъминлаш.

Максадлар жуда киска муддатта - бир йилгача иштаб чиқилади ва стратегик Йўналишларни аниқлами ва уларни бирор бир ишга Йўналишиш учун хизмат киради. Максадлар стратегиядан фарқли ўларок амалга оширилишининг аниқ муддитини ва унинг бажарилшинин текшириш имкониятига эга бўлиши керак. Мисалан, максадлар: уч ой давомиде нимайидир бажариш ва ташкил этиш, ўн ой ичида сармоқларни икки баравирига кўпайишини таъминлаш ва бошқалар.

Вазифалар максадиги нисбатан аниқ ва янада киска муддатта - бир-бир ярим ойга белгиланади. Улар ҳар бир максадни батағсил аниқлаб беради. Мисол учун, вазифалар

куйидагича бўлиши мумкин: бир ой давомида бирор ишни бажариш, бир ҳафта ичида ниманидир ишлаб чиқиш ва ташкил килиш.

Харакатлар - мавжуд вазифаларни бажариш воситаси. У ресурс ва имкониятлар билан, вазифаларга нисбатан, янада мустаҳкам алоқада бўлади. Уларни амалга ошириш йўллари тўғрисида чукур мулоҳаза юритишни талаб этмайди. Харакатлар аниқ тадбирлағ кўринишида таърифланади.

Масалан: бирон нарса гўғрисида ахборот йигиши, сокимиятга хат тайёрлаш, қандайдир топширик бўйича кимгadir кўнғироқ қилиш, учрашувлар ўтказиш ва бошқалаф.

Навбатдаги босқич - яна баҳолаш. Ўз маблагини ва микдорини баҳолаш. Ўз хоқиқиши ва имкониятларини баҳолаш. Иш борасидаги шериклари ва бўлажак ходимларини баҳолаш. Яна бир бор сизнинг натижангизни баҳолаш - нима қилиш зарур, қандай ва қачон қилиш зарур. Режангизнинг рақобатлашиш қобилиятини баҳолаш. Ўзингизни қайтадан текшириб кўришингиз зарур.

Сиз бизнес-режа тузинг (фирма ишларини белгилаш, шартномалар микдори, маош тўлаш, транспорт ва реклама ҳаражатлари ва бошк.) ва уни албатта техник - иқтисодий жиҳатдан исосланг. Эснингизда бўлсин: ҳар қандай система ҳакиқий ҳаражатлардан 1,5 - 2 марта кам бўлади.

Сиз ўз ишингизни бошламоқчисиз. Куйицати маслаҳатлар доимо ёдингизда турсин:

- ўз бизнесингиз бозори ҳақида маълумотлар йигинг - нимага, қаерда ва нега талаб (эҳтиёж)лар мавжуд. сиздан бошқа яна кимга сизнинг бизнесингиз керак.
- ўз маҳсулотингизни сота олишингизга ишончинигиз комил бўлмагунча ишга киришманг.
- Сизга йўлланган хат ва бошқа мурожаатномаларга зудлик билан жавоб беринг, кўпи билан 2 кун ичида. Кўриб чиқмасдан туриб, хеч қандай мурожаатномани қайтарманг.
- ўз ҳакингиздаги маълумотларни тарқатинг (реклама).
- фирманинг ўзига хос обўсими (имеджини) яратинг. Фирманинг баобўрлигини, у билан иш юритиш мумкинлигини барчага кўрсатинг. Фирма визиткалари, бланкалари, конвертлари ва блокнотлари ташкил этинг.
- контрагентларни пухталик билан танланг. Акс ҳолда панд еб колишингиз мумкин.
- барча музокараларни «Нимани хоҳлајисиз, қандай имкониятга этасиз, бундан контрагентга қандай фойда тегади

кабилар ифодаланган» ўз ниятингиз (мақсадингиз) тўғрисидаги хатлар билан олдиндан маълум қилинг, амалга оширинг.

• иш борасидаги шерикларга шунчаки эмис, айнан уларни кизиктирадиган эсдалик ва совгалар тақдим этинг.

• барча бошлангич ишларга иқтисадий асослар (далиллар) тайёрлинг; ишлаб чиқариш ва муомала ҳаражитлари, ижара ҳаки, идора ҳаражатлари, тушгин фойдани таҳсимлаш, контрагентнинг фойдадан тушган улуши.

• тилларни билинг. Айнинса, чет элликлар билан қўшма корхоналар тузилган ҳолларда. Йиш юзасидан бўлган музокараларни таржимон ёрдамида олиб бориш ярамайди. Бундан ташкири, шори ингиз тилида айтилган бир-неча сўз унга бўлган хурматингизни билдиради. Бу эса унинг сизга бўлган ихлосини ошириди, бизнесингиз даражасини кўтаради.

Тавсия этилган умбу ўнта маслиҳат тўғридан-тўғри маркетинг билан бөғлиқ. Маркетинг - узок муддатли энг юкори фойда олишига йўналтирилган ишлаб чиқариш (буюмлар, хизмат кўрсатиши, ахборотлар, интеллектуал мулкалар ва бошк.)ни режалантириш ва амалга ошириш бўйича ишлар Йигиндин. Маркетинг бу яна - нарх сиёсатини ишлаб чиқиш, бозор ҳолагини таҳлил қилиш, рагбатлашишни кузатиб бориш, стратегия ва тактика бирлигини таъминлаш ва кўпгина бошжалар.

### **Кичик ва ўрга корхонанинг ясасий уч конласи**

1. Агар сиз эндиғина корхонани ташкил этган Сўлсангиз, биринчи навбатда унинг фойдаси билан шугулланиб, сўнгро ташкилий тузилмаси билан шугулланинг.

2. Ҳал этилиши шарт бўлган муаммо ва кийинчиликларни аниклаб олинг.

3. Ўз тузилмангизни қўйилган мақсадни амалга оширилишига мувоғикилигини текшириб боринг.

## ІІІ БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ФАН

### ІІІ. 1. УЗБЕКИСТОН ФАН ИСЛОҲОТЛАР ЙӮЛИДА

Ижтимоний таракқиётта йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мустакилликнинг янги широнтларига тўғри келадиган ўз мустакил илмий-техника сиёсатини ўтказиш давлатимизнинг муҳим ва устивор вазифаларидан биридир.

Ижтимоний таракқиётнинг ҳозирги босқичида фан ва техниканинг аҳамияти ошди. Бутун жаҳонда иқтисодий таракқиёт илмий-техника омиллари билан белгиланади. Мисалан, АҚШда миллий даромад ўсишининг 80 фоизга якни фан-техника ютуклари хисобига таъминланади, Японияда бу кўрсаткич 65 фоизга тенг.

Фан ва техника соҳаси Республика ижтимоний-иктисодий тизимининг бир қисми бўлиб, жамиятимизни ижтимоний таракқиётта йўналтирилган бозор йўлида ижтимоний-иктисодий ривожланишининг умумий дастурни доирасида ривожланади. Бу дастурнинг асосий қондадари Республикасим Президенти И.А. Каримовнинг «Узбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели» китобида байён этиб берилган.

Саноати ривожланган мимлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг фвол илмий-техники сиёсати умумдавлат стратегијасининг ахралмас қисмидир. Саноати етарила, ривожланимаган собиқ социалистик мимлакатларда ўтиш даврида давлатининг тартибга солувчи, бошқарувчи аҳамияти янада ортади, чунки ёки долди ҳатто жуда қулай широнтларда ҳам ўн йиллар мобайнида вужудга келадиган илмий-техникга потенциалининг йўқотилиши мухаррир бўлиб, унинг ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 февралдаги Фармойиши билан асосий вазифаси давлат илмий-техника сиёсатини ишлиб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўл: н Узбекистон Республикасининг Фан ва техника давлат кўмитаси (ФТДК) ташкил этилди.

Илмий-техника сиёсатининг стратегик мақсадларини куйицагичи ифодалаш мумкин:

\* илгор технологиялар яратиш ва уларни ўзлаштириш йўли билан жамият фаволиятининг барча соҳадарини тезда ривожлантириш, жаҳон бозорида рақобатлаши оладиган мадсулот ишлиб чиқарилишини таъминлаш, маданиятни

ривожлантириш ва мустакил Узбекистон фукароларининг миллий онгини шакллантириш.

Республикамизниң илмий потенциали ўзининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича факат Россия ва Украина илмий потенциалидан кейин турар эди. Буни шу билан тушунтириш мумкинки, бизнинг ҳалқимиз қадим-қадимдан илмли кишиларга чукур ҳурмат билан қараган ва илм билан машғул бўлиш жуда фахрли машғулот хисобланган. Яккин ўтмишда ҳам кўп сонли аспирантларимиз собиқ Иттифокнинг деярли барча йирик илмий марказларида төълим олардилар. Бизда ҳар бир оила, агар ёш авлодни аспирантура ёки докторантурада ўқити 1 имконияти туғилиб қолса, ҳар қандай моддий муҳтоҷликка тайёр бўлган. Бундан ташқари, ёшлар ўқишни тутатганиларидан кейин албатта уйларига кайтганилар. Натижада бизда улкан илмий потенциал вужудга келган.

Лекин бунинг яна бир ўзига хос томони борки, у ҳам бўлса республика иктисадиётининг тузилиши бу илмий потенциалга тўғри келмаслиги, мос эмаслик хислатлари мовжуд. эди. Шунинг учун ҳам собиқ Советлар Иттифоқи таназзулга учраган бир вақтда моддий ресурслар ва илмий ходимларнинг анчагина кисми тўпланган республика илмий-тадқиқот ташкилотларининг деярли ярни бошқа регионлар ва ҳарбий-саноат комплекси тармокларининг эҳтиёжлари учун тер тўкарди. Айрим ҳолларни хисобга олмаганда, амалда тўлик цикли «илмий-тадқиқот институти - конструкторлик бюроси - тажрибавий ишлаб чиқариш - саноат асосида ишлаб чиқариш» структураси деярли йўқ эди. Илмий изланишлар натижаларининг анчагина кисми ишлаб чиқаришга жорий қилинмай чанг босиб ётар эди, чунки одатда, бу натижадар ишлаб чиқариша дарҳол кўлтаниш учун тайёр шаклда бўлмасди.

Шундай бир вазиятни тасаввур килиб кўринг, 1992 йил охирига кеңиб Иттифоқ миқёсида илмий-тадқиқот дастурларини маблағ билан таъминлаш деярли тўхтаб қолди, ишлаб чиқариш ёнпасига инқирозга учраган даврда соҳавий фанлар амалда деярли маблағ билан таъминланмади. Шундай вазият юзага келиб турган бир даърда Республикамиз Президентининг фан ва техникани давлат томонидан қўллаб-куvvatлаш тўғрисидаги оқилона карорини яна бир марта алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизdir. Шу туғайли бизда фан соҳасида ҳалокатли инқирознинг олдини олиш имконияти пайдо бўлди.

Илмий-тадқиқот ташкilotларн олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари йўналишини замон талабларига жавоб берадиган йўналишларга ўзгартирышнинг кўшимча механизми сифа тида илмий дастурларни меблаг билан таъминлашнинг тамловга асосланган принципи ишлаб чиқилди ва кўпланилди. Илмий лойихаларни танлов асосида ижратиб олишда бу пойиҳаларнинг республика учун энг долзарб муаммолар рўйхатига тўғри келиши ва бу борада олиб борилаётган ишларнинг туталланганлик даражаси асосий мезон сифатида кабул килинди. Бу уларни натижаларини тажрибани ёки кичик серияли ишлаб чиқаришда кўлланиши имконини беради.

Мустакил Узбекистон физ ва техника соҳаси шаклланишининг бу беискидаги якунний максад фан соҳасини максадли режалаштиришдан иборатdir. Фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасидаги тадқиқотларни максадли кўллаб-куватлаш учун грантлар кўлланиш таклиф этилади. Бу холда айрим олимлар гурухи ФТДКга талабномалар юборади. Экспертиза комиссияси энг истикболи ишланмаларни танлаб олайди ва уларга грантлар топширилади.

Фан ва техника соҳасида хусусийланитириш ва илмий тадбиркорликни ривожлантириш учун қандай муайян чори-тадбирларни амалга ошириш мумкин деган савол туради.

Хакиқатдан ҳам, кичик ва ўрта корхоналарнинг өнчур бизнеси шаклидаги илмий тадбиркорлик иктисадий жihatдан ривожланган мамлакатларда илгор технологияларнинг 60 гоизгачасининг ишлаб чиқаришга жорий этилишини гаъминилайди. Ҳудди мана шу кичик өнчур фирмалар тифлини жадонни ўзгартириб юборган маҳсулотлар пайдо бўлди. Бундай маҳсулотларга, энг аввало, шахсий компьютерлар, рангли телевизори, видео ва аудио аппарата, радиотелефонлар, сунъий йўлдошлар орхали алоқа килиш воситалари ва яна кўплиб бошқа нарасаларни киритиш мумкин. Ҳаммага маълумки, ишлаб чиқарилган маҳсулотга мулкчилик хукуклари аниқ белгиланмаган бозор бозор эмас. Бу маънода бизда ақлий ва саноат мулки тушунчалари аниқ белгиланмагунча яи хукукий нормалар билан таъминланмагунча илмий маҳсулот бозори вужудга келиши мумкин эмас.

Ақлий (интеллектуал) ва саноат мулки тушунчаларини белгиловчи ва муҳофазаловчи конунлар шу хукукий таъминотнинг асосими ташкил этади, чунки бу мулклар илмий фаoliyatning асосий маҳсулотидир. Бу конунлар бутун жаҳон тизимига кўшилишимиз учун имкон кадар ҳаҳонда кабул

қилинган умумий мөъёр ва қоидаларга якин бўлиши зарур. Шунинг учун Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритган дастлабки кунданоқ Бутунжаҳон аклий мулк ташкилотига аъзо бўлди ва аклий мулкни муҳофаза қилиш соҳасида бир катор ҳалқаро битимларни, жумладан, Париж конвенциясини, Патент кооперацияси тўғрисидаги шартномани, Мадрид битимиини имзолади. Бу қадамларнинг зарурлиги Республикаимиз Президенти томонидан Ўзбекистоннинг жаҳон иктисодиётига кўшилишининг муҳим омилларидан бири сифатида қайд килиб ўтилди.

Олий Кенгаш «Товар белгилари в” хизмат кўрсатиш белгилари» тўғрисидаги қонуни мабдудлаштирилганни қонунда саноат мулкининг бу обьектларини муҳофаза қилиш бўйича хукукий чуносабатлар белгилаб берилган.

«Ихтирадар, фойдали моделлар ва саноат намуналарига патентлар тўғриси»да қонун лозиҳаси ишлаб иквалиб ва кенг мудокамиа қилиши учун оммавий ахборот воситалари орқали зълон қилинниб кабул этилди. Ушбу қонунида аклий фолият нитижалари билан мимлакатимизда биринчи марта товар маҳсулоти деб тан олинни ва уни сотини ва сотиб олиш мумкинлиги таъкидланади. Конун аклий фолият маҳсулоти муллифларини ҳизоя қилиди ва бу билан Республикаимиз фундаментарига хукукий шахслар билан тенг имкониятлар беради, бу эса ўз изабатида, сўзсиз, монополияга карши омайдар. Ушбу қонунига хизмат вазифаларини бажариш вактида яратилган ихтирадлар муносабати билан ходим ҳамда иш берувчи ўргасида юзага келадиган муносабатларнинг тартибига солиниши унинг муҳим жihatидир. Конунда ҳар икки томоннинг манфаватлари ҳизоя қилиниди, бу эса корхоналарниң меҳнат жамоалари учун бошқа корхоналар билан лицензия шартномалари тузиш ва улардан фойдаланиш, хукукий муҳефазалашда иктисодий манфаватларни яратади.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва саноат намуналари каби обьектларнинг хукукий муҳофаза қилиниши бозор муносабатларининг ривожланишига кўмаклашади. Саноат мулки обьектларини рўйхатга олин учун бериладиган аризалар микдори тадбиркорларнинг, шу жумладан чет элтик тадбиркорларнинг ўз мулкини муҳофаза қилишининг бу шаклига кизиким тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Фан-техника тарбияети аклий фолиятнинг хукукий жihatдан муҳефазалашши таяб киладиган сифат жиҳозлини янги маҳсулотлар яратилишига олиб келди. Булар хисобланиш

машиналари учун дистурий маҳсулотлар, мълумотлар базаси, интеграл схемалар топологияси, селекция фаолиятининг янги биологик ва биотехнологик обьектларидир. Муаллифлик ҳуқуқлари ҳозирги вактда муаллиф фаолият қўрсатадиган муассисанинг ҳужжатлари билан муҳофаза қилинади. Лекин бу маҳсулотлар жамиятимиз иктисадий фаровонлигининг асосини ташкил этиши ва унинг имкониятларини белгилаши муносабати билан муаллифлик ҳуқуқларини инада кучлироқ ҳуқуқий муҳофазалаш талаб этилади.

«Бозор - фан - ишлаб чиқариш - бозор» занжирида иш олиб бориш илмий муассасалар асосий вазифасига айланниши хаёт талашибига айланниб бормокда.

Чунки факат бозоргина янгиликларга сезгир қиласди, фан ва техниканинг энг сўнгти ютукларини дадил ва гайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносабиб баҳо беради.

Бугун жаҳон ўз ривожинининг янги босқичи бўсағасида турибди, ахборот билан юқори даражада таъмчиланган жамият босқичига ўтиш йўлида дадил қадамлар ташламоқда. Шундай вазият юзага келмоқдажи, факат ракобатлашадиган технологиялар бутунлай фундаментал фанга таянибгина қолмай, балки бу фанларнинг ўзи ҳам «технологиялаштирилган» холдагина ўз яшовчандик қобилиятини саклаб қолиши мумкин.

Ишлаб чиқариш технологияси ёки технологик танлаш тўғрисида биринчи навбатда шунни билини керакки, уларнинг ўзи хали ҳеч қайшай бойлик яратмайди. Шу технология ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва қўрсатиладиган хизматларгина сотилиши мумкин. Афсуски, кўпчилик илмий-тадқиқот ишлари канчалик кўп бўлса, фойда ҳам шунча кўп бўлади, деб ўйлади. Шу нарса аниқки, илмий-тадқиқот ишидан олинадиган ижобий натижага бу билим, лекин бу билим қандайдир илғор ўзгаришларга, оқибат-натижада энг яхши маҳсулот ва хизматларга ургу бериш - ишлаб чиқаришнинг муваффакиятли бўлишида мухим элементдир.

Хулоса шуцан иборатки «соф» илмий-тадқиқот ишлари ҳам келажакда янги технологиялар яратишда самарали бўлиши мумкин.

Фан ва технология ўртасида алоқа ўрнатишга жиддий киришилмас экан «соф» фан ҳеч качон фойдаланиладиган технологиялар яратилишига олиб келмайди. Тадқиқотчи ва тадбиркор ўртасидаги ошкора муроқот - бунинг учун симарали йўлдир.

Бахтга қарши қозирги замон технологик ускуналарга эга бўлган корхоналаримиз ҳам рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш курбига эга эмаслар. Сабаб шундан иборатки, бундай корхоналар рақобатлаша оладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш масаласи йўл-йўриклири, усуллари комплекси, қисқача килиб айтганда шундай маҳсулот ишлаб чиқариш тизимини эгалламаганлар. Маркетинг тизими ишлаб чиқармagan.

Халқ хўжалик тармоғларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, ихборотлаштириш, фақатгина мураккаб илмий-техника ва ишлаб чиқариш мувоффоси бўлибнинг қолмай ўз ҳолиҳа ҳамма колектив учун социал мактаб ҳам бўлиб ҳисобланishi керак. Ҳар бир корхона ҳоҳласа-ҳоҳламаси ишлаб чиқаришни таҳқиқий-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаб чиқиши ҳаёт тақозосидир. Бунинг устига турли хил психологик тўсиклар ҳисобига коллектив мудафакиятларидан юз фойз фойдаланиши кийинчиликлар содир бўлмоқда.

Шунинг учун ҳар бир коллективнинг ўз шахсий гижрибасиги таъниш, ва ушбу тажрибани мукаммалаштиришига алоҳида эътибор беришига тўғри келди.

Тажриби шу нарсанни кўрсатадики, автоматлаштиришнинг кабул этилган анъанавий воситаларини кўйланганда иқтисодий самаранинг 60-70 фойзи ускуналарнинг унумдорлигини ошириш эвазига бўлади, 15-20 фойзи эса маҳсулот сифатининг яхшиланиши эвазига бўлади, факат 10-15 фойзигина иш ҳакини тежиш эвазига эрнисилинади. Демак, асосий резерв ускуналар билан боғлиқ экан. Шу мулоҳазани дисобга олсак манипуляторлар, роботлар ва комплекс автоматлаштириш воситаларига етарли аҳамият бериш ҳаёт тақозосидир.

### III. 2. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Ҳар бир жамиятнинг оёққа туриб олиши, ривожланиши ва кучга тўлишида фан ва техника тараққиёти мислесиз аҳамиятга эга. Илгор мамлакатларда илм-фанга беҳад эътибор билан қаралади. Амир Темур катта юмушлир олидидан мунажжимлар ва илм аҳлини йигиб, у ёки бу масала хусусида улар фикрларини сўрар, олинган тақлиф ва мулоҳазалар асосида қарор қабул килир экан.

Иккинчи жаҳон уруши тутагандан сўнг Америка Президенти Трумэнга урушдан олинган сабоқ, талофат ва ютуклар хусусида нима дея оласиз десалар, у : «Урушдан

Америка олган энг катта ижобий натижа - бу Олимониядан 200га якин физик олимларнинг бизга кўчиб келиши бўлди», - деган.

Илмнинг бозорга ўтиш келажаги ҳақида фикр юритсан. Фанни маблағ билан тъминлаш ва уни бошқариш ҳукуки орасидаги алоқани кидириш фойдасиз иштир. Субъект сифатида маҳсулот ишлаб чиқарувчини (якка косибдан тортиб йирик корпорациягача) тушунсаккина, ягона иктиносидай мухит бўлмиш бозорга ўтишимиз мумкин. Фан эркин бўлгандагина жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини оширишга хизмат килаади.

Фундаментал тадқиқотлар фонди, фаолияти, ташкилий гаркиби ва вазифалари маҳсус ҳужжатлар билан тасдиқланашиб келаадти.

Академик аспирантурани сақлааб ва аспирантлик стипендиялари қатъян ошириб келинангти. Бунда ҳар бир илмгоҳдан бир-икки аспирант олиб «квадрат ўлчаб» экиншинг кераги йўқ. Жицдий фан мактабларида катта аспирантурапар фаолият кўрситяти.

Бой, лекин беунум илмгоҳларни нима килмок керак? Уларнинг кай бирни унумли, кай бирни унумсиз деган савол нисбатан бирёзламадир.

Тараққий этган чет мамлакатлар гажрибаси шундан далолат берадики, назарий тадқиқотлар келажаги ва самародорлиги давлат томонидан исиимий ва ўсиб борувчи молиявий мададга боғлиқдир.

Америкада илмий-техника тараққиётини ростлааб туришга қартилган 100дан ортиқ конун мавжуддир. Ҳаёт шуни тақозо этажитики, бизнинг мамлакатимизда ҳам фан, техника ва технология тараққиётининг ҳуқуқий асоси керак. Ахир биз камрови жуда катта илмий-техника комплексига эгамиз.

Бу ерда иккита асосий масала ҳал этилади. Бир томондан бозор иктиносидётига ўтишда фан ва унинг ижодкорлари салбий таъсирилардан сақланса, иккинчидан, илмий-техника ютукларидан саноатда, қишлоқ ҳўжалигида ва ижтимоий юмушлар соҳасида тўлиқ фойдаланинни фаоллаштириш мақсадида ижодий ташаобус ахлига кенг йўл очиш мумкин.

Фандаги яккаҳоқимлик, идора ва айрим турӯхлар манфаати, илм-фан ривожига жицдий путур етказади. Натижада жуда кўп меҳнат ахлининг ва ҳатто айрим мутахассисларнинг иш натижалари айтарли даражада тан оли. Май, менсимай колининши ҳам мумкин.

Илмий-техника бозорининг бунед этисини айрим институтлар ва биринчидан ишбатда бош ташкилот ва

муассасаларнинг яккахонлигини инкор этади. Ўзаро мусобака, танлаш, ўз меҳнатининг натижаси учун жон куйдириши фазилатлари, хис-туйгуси рагбатлантирилади, ривожлантирилади.

Фанлар академияси билан тармок институтлари, олий илмигоҳлар, корхоналар, идоралар, илмий-техника жамиятлариро мустаҳкам алоқани жорий этиш энг исосий муаммолардан биридир.

Бозор иктисодиётига ўтиш илмий-техника маҳсулогини барпо этишини тақозо этади. Бирор илмий-техникавий фолиятни бозорга ўтказишининг ўзига хос хусусиятлари бор. Назарий изланишларнг олсак, унинг савдоға алоқаси бўлмай, давлат бундай изланишларни ҳамма вакт кўллаб-куватлаб, молиявий томондан таъминлаб келаяпти. Инкилобий технологиялар яратувчи йўлланмалар шундай изланишларга киради.

Ўтмиш илм-фан намоёндалари, мутафаккирларидан қолган кутилут меросни устига ташланган қора парда, чандан холос этиб, фан соҳасидаги бой меросимизни ҳалқка кенгрок етказиб, қадр-кимматини ўрнига кўйишимиз керак.

Илм заҳматкапиларининг ҳар бир қадами кедажакдати муҳим ҳаётий социал ва ҳўжалик муаммоларини ҳал этишига қаратилган бўлиб, оқибат натижада ҳўйкини озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой билан таъминлаш, яъни ижтимоний масалаларни ижобий ҳал этиш билан чамбарчас боғланиб кетиши керак.

Фанинг вазифаси - табнат ва жамият қоюларини билиш, ишончли аҳборотларни топиш бўлса, техник вазифаси - фанда олдиған билимлардан ишлаб чиқариш, жамият тараккиёти, ҳалқ фаровонлиги йўлида фойдаланишидир.

### III. З. ҲАЛҚАРО ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз илмий-техникавий сиёсатини ишлаб чиқиш, уни жорий этиши масаласига алоҳида эътибор берниб келмоқда ва шу тарикга Республикада илмий - техникавий тараккиёт салоҳиёти таъмин этиб келинмоқда.

Давлат илмий-техника сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат Комитети (ФТДК) олиб боради. ФТДКнинг фаолияти куйидагилардан иборат:

• фан ва техника тараккиётини иктисодий-хукукий бопиқариш, кўллаб қувватлаш ва рагбатлантириш;

- республика илмий-техника салоҳиёти таракқиётини аниклаш ва ҳолатини таҳлил этиш;
- илмий-техника таракқиёти устивор йўналишларини аниклаш ва унинг тараққиётига срдам бериш;
- фан ва техника инфраструктурасини ташкил этиш ва таракқиёт эттириш;
- республикада информатика индустриясини ўстириш;
- саноат мулки обьектларини мухофаза қилиш;
- ҳалқаро илмий-техникавий ҳамкорлик.

Ўзбекистон республикаси ўзининг мустакил таракқиёти даврида Фан ва техника ҳамкорлиги соҳасида куйидаги давлатлар билан бирга 100-га яқин ҳалқаро шартномалар тузди: Франция Республикаси, Хиндистон, Пёкистон Ислом Республикаси, Туркия Республикаси, Хитой Ҳалқ Республикаси, Курдия Республикаси, Россия Федерацияси, Украина, Гуржистон, Молдавия, Туркманистан, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Козогистон Республикаси. Қирғизистон Республикаси ва ҳ. к.

Давлатлариро ва хукуматлараро келишувларни амалга оширишнинг энг самарали кўринишларидан бири иккни ва кўп томонли ташкил этилган давлатларро марказлардир.

1995 йилла Ўзбекистон-Хиндистон илмий-техникавий таракқиёт маркази ташкил этилди. Мўлжалланган ишларининг молияланиши ҳар б'ир шерик томонидан 50 фойзни ташкил этади. Ҳикорликнинг устивор йўналишлари қуйидагича Селгиланган: қишлоқ ҳўஜалиги, медицина, информатика, кўёчи энергетикаси, ядрофизикаси, Ўзбекистон ва Хиндистон фани ва техникасининг назарий муаммолари. Илмий-технологик кўмаклашувга оид Ўзбекистон-Козогистон-Қирғизистон "Туркистон" Ҳалқаро Маркази ташкил этилган. "Туркистон" марказининг асосий масалалари қуйидагича белгиланган: Марказий Осиё давлатлари олимлари кучини ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган шароитни бунёд этиш учун бирлаштириш; илғор технология ва фаннинг ўзаро фойдали ва устивор йўналишларида биргачикда илмий ишлар олиб бориш; илғор технологияни ишлаб чиқишига мўлжалланган қўщма корхоналарни ташкил этиш; марказ олдига кўйилган масалаларни тўлиқ мавффакиятли ҳал этишда марказий Осиё банки қарзидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси ФТДКда Ўзбекистонда фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича молиялашнинг нодавлат манбатларини жалб этиш борасида айрим ишлар амалга

ошириб келинмокда. Биринчи навбатда чет эл инвестицияларини илмий-тадқиқот лаборатория ва олимлар иштирокида турии хил лойиҳа ҳамда дастурларни бажарилишида жалб этилмокда. Лойиҳа ва дастурларни кўйидаги Халқаро ташкилотлар, агентликлар, жамғармалар, ассоциациялар ва марказлар орқали биргаликда ишлаб чиқилмокда.

1. Сорос жамғармаси.
2. "Маданий ташаббус" жамғармаси.
3. Европа Ҳамжамияти Комиссиясининг дастурлари («INTAS», «PECO», «COPERNICUS»).
4. НАТО илмий кеътаси дастурлари.
5. БМТ ташкилотининг дастур ва лойиҳалари (ЮНЕСКО, ЮНКТАД, ЮНИДО, ПР ООН).
6. Япония физика жамияти.
7. Халқаро тараққиёт бўйича АҚШ агентлиги (ЮСЭЙД).
8. Тубитак халқаро маркази (Туркия).
9. Техникавий кўмаклашув бўйича Германия жамияти.
10. Табиий оғатлардан келадиган талоғатларни камайтириш бўйича Германия жамияти IDNDR.
11. Немислар гаджиқот жамияти.

Машина, трактор, станок ва ҳ.к.лар ишлаб чиқариш ҳам шундай. Чет элларда самолет, трактор, станок, темиртан, машина ишлаб чиқарувчи корхоналар битта вазирлик қарамоғидагига бўлмай, бир неча фермер, концернлар кўлидадир. Яъни, бозор нўқтани назаридан танлаш имкони бор, шунинг учун йигирма йиллаб бир турдаги ва сифатдаги маҳсулот эмас, ҳар йили янги турдаги, янгі сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бозор биҳоси ҳам, маҳсулот таннархи ҳам ўзгариб, бошқарниб туради.

Иш лаб чиқарилаётган маҳсулот турини, сифатини бозор талибинга қараб ўзгартириб туриш учун этчи ишлаб чиқариш тизимлари бунёд этилиб келинмоқда. Бу тизимлар албатта шинам ва катта кувватли ЭҲМ ҳамди ҳисоблаш марказлари билан жихозланган.

1991 йилдан бозор муносабитига ўтилди, аввало (1990) Ўзбекистон ўртасида корхона билан корхона, республика билан республика шароитта қираб чет эл давлатлари билан жуда иник шартномалар лойиҳаси тузилиб, сентябрь ойида чамма тортишув, молиявий, транспорт, ахолининг ўсиш масалалари жижоясига етиб, уч ой давомида ҳар бир жамоани рудан бу инни амалга оширишга тайёрлаб иктиномий масалаларни ҳам ҳал этиш керак ади. Ҳозирги давлатлариро тузилаетган шартномаларди инклиқ, келижак оқибати ичзарда тутилмас экин, яна танглик юзага келиши мумкин. Масалан, Россия давлатига суверен ва муҳтор республикалардан Ўзбекистонга мунҷи узум, олми, беҳи, гилос, помидор, бодринг, ковун, тарвуз ва ҳ.к. берамиз деб вайда қўлсак Ва берган вайда такозоси билан шу мевалар етишириладиган экин майдонлари кенгайтирилса, лекин маълум бир вакт ўтгандан кейин Россия давлати ўз шартномасидан воз кечса ёки бу шартнома мазмунини ўзгартирса нима бўлади. Республикамизда етиширилган меваларнинг бозор нархи камаяди, дедкон касод бўлади. Бунинг устига мевали дираҳтлар билан боғлик мумимо унинг ўсиши, хосил бериш даврига ҳам бевосита боғлиқидир.

Ҳозирги пудратчилар ҳам шундай ахволда. Пудратга ер олаётганда кишлоқ кенгаши берадиган вайда билан пудратчи хосили тайёр бўлгандаги муаммоси ўртасида ҳам ер билан осмонча фарқ бўляпти. Кўшимча тирзда пудратчининг бозорга

бўлган муносабати ҳам ҳакний савдогарлар месёрига етмаганигини ҳисобга олсак, пудратчи ахволини тасаввур этиш мумкин. Тангликка учраган катта саноат корхонаси, катта май ондаги узумзор, бехизор, анжирзор, ўрикзор ва ҳ.к.лар қандай килиб бозор касодидан танглигидан чиқиши мумкин. Буни ҳам ташлов принципида ишлайдиган чет эл савдогарлари, ахборотлаштириш усулини муваффақият билан кўллаб фойда тегиши мумкин бўлган вариантини топишга, яъни масалан, Япония, Хитой, Сингапур ва ҳатто АҚШда катта саноат корхоналари ўрнига кичик корхоналар бунёд этила бошлади. Ушбу корхоналар табиий тарзда комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган, эпчил бошқарув түзимлари билан жиҳозланган. Қишлоқларда эса қайта ишловчи кичик-кичик, ҳатто кўчма цех ва цехчалар жорий этилган. Республикамиз бозорида олма нархи 50-60 сўм бўлган вақтда вилоятларимиз боғларига, айниқса айрим идоралар боғларига назар ташласак, оёқ босадиган жой бўлмай олмаларнинг хор-зор бўлиб ётганинг гувоҳи бўламиз. Сабаби, биринчидан, аниқ хўжайин йўқ, иккинчидан, шу олмаларни териб давлатга топширса ёки қоки қилиб қўйилса рагбатлантирадиган ташкилот йўқ. Венгрия, Болгария, Руминия ҳа бошқа мамлакатлардан олиб келинадиган кичик банкалардаги 4 дона олмани навбат кутиб палон пулга сотиб олиб кўзимизга сутгамиз. Бунинг отини олдингдан оккан сувнинг карири йўқ, бошқача айтгунда, хўжасизлик дейилади. Ҳемак, ассоциация, концерн ва шу пудратчиларимизда бор маҳсулотни (ёки ортиб коладиганини) қайта ишлайдиган корхоналарга эга бўлса, бозор касодга учраса ҳам ҳом ашёни бошқа йўл билан сотиши имкони туғилади.

Бу масалаларнинг ҳаммаси оқибат н.гижада бозор иктисадиёти муносабатига ўтиш, оддий тил билан айтганида, ҳисоб-китобсиз, яъни ахборотлаштириш, кибернетика усуllibарисиз боши берк кўчага кириб колиши аёнлигини кўрсатаяти.

Агар гўшт билан таъминлаш мақсадида молни кўпайтирамиз деяберсак, молга кунжира. жўхори ўрнига дўкондан ион сотиб олиб бокаберсак гўшт кўпайтирамиз деб, очарчиликка олиб келишимиз ҳеч гап эмас, албатта. Шунинг учун ҳам ахборотлаштириш принципларига итоат этилган холда давлат нуқтаи назаридан бозор муносабатига онц жараёйларни ростграб туриш ҳам талаб этилиши мумкин. Бозор муносабатига ўтиши туғилиш, ўлиш муаммолари, миллатнимиз урф-одатлари,

байрамлари, тўйлари, маросимларини ҳисобга олингандагина бир мөъерда олиб борилиши мумкин. Иқтисодий муносабатлардаги туб ўзгартишлар билан фан-техника тараккىётини жадаллаштиришни кўшиб олиб бориш катта ўзгарнишлар қилиш имконияти ошишлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакдир.

#### IV. 4. АХБОРОТ БИЗНЕСИ

Бизни 10-15 йил олдинда нимадар кутмоқда? Ривожланган тарапкىёгимиз шу йўналишда давом этадими, ёки янги замонда янгича услублар кашф этиладими? УХI аср бошлариша жамиятнинг саноатлашган тизимидан ахборотлашган тизимига ўтиш жараёни юз беради. Бундай жамиятда ахборот бойлик яратувчи ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб қолади.

Ахборот бизнеси ўзининг инфраструктураси ва йирик кўп тармоқли курилиш мажмуи билан тацбиркорли фаолиятининг янги бир соҳасини ифодалайди. Бир томондан у банклар, биржалар, аудиторлик компаниялари каторида тацбиркорлик фаолиятининг яхлит тизими инфраструктурасига тегишли бўлса, иккинчи томондач бизнеснинг мустақил соҳаси сифатида намоён бўлади за бугун ижтимоий ҳаётимизни қамраб олади.

Ахборот бизнеси Гарб мамлакатларида 60-йилларда пайдо бўлди ва 70-йилларга келиб, атиги ўн йил ичидаги мустақил тармоқ сифатида шаклланди. Зоро ахборотлашиш сеқин ривожланадиган босқич эмас, у жуда тез суръатда ўсиб боради. Гарб мамлакатларида ҳозир бу тармоқ йирик кўп соҳали мажмууга айланган. Жаҳон ҳўйича ахборотлар билан ишчаш технологияси истеъмоли 1986 йилда 1 трлн. долларни ташкил этган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 2 трлн. долларга етди.

АҚШ ва Японияда бандлик мөъёри бўйича ахборот ишлаб чиқариш анча ишларни кетди. Ҳатто 80-йилларнинг бошларида АҚШда барча ишчиларнинг 60 фоизи ахборот - ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлди.

Ахборот тармоғи инфраструктураси устида тўхталар эканмиз, шуни таъкидлаб ўтиш жонизки, бу жуда кенг қамровли бўлиб, ахборот билан боғлик қатор фаолият турларини ўз ичига олади.

Америкалик мутахассис олим Э. Этгингер якинда ахборот бизнеси ривожланишининг схемасини яратди. Бу схемага кўра ривожланиш асосида иқтисодиётнинг барча соҳа тармоқларини компьютерлаштириш масаласи илгари сурнади.

Бирок Л. Дэен тизими ахборот инфраструктурасини куриш ва тушунтиришида амга кулайлиги билан ажralиб туради. У катор фаолигат турларини ўз ичига олувчи саккизта сегментдан иборат. Булардан а) Мазмуний ахборот: - кинофильмлар, газета ва журнallар, китоб, маъруза, ёзулар, видеодисклар, плёнкалар; б) Ёрдамчи хизматлар: - таҳликали калитал, банклар, сунгий интоликт тизимлари, тизимларин лойиҳалаштириш, дастурлаш, хужжатларни электрон узатиш, майлумотларин киритиш, бозор ва бизнес шартлари тадқиқотчилари, реклама агентлари, хизматлар бирорси, биржалар; в) Ахборот билан ишлаш технологияси: - компьютерлар, курилмалар, идора жиҳозлари, оптик аппаретлар, юп килиш ускуналари, хрооб парвакалари, ксерокс хизмати; г) Интегралловчи технология: - курилмалар, шахсий коммутаторлар, мулокот тизимлари, раками майлумотлар. д) Алоқа воситалари: - радио, телевидение, телефон, узатиш тизими, почта алоқаси воситалари, коммутаторлар. е) Алоқа каналлари: - маҳсус етказмалар, почта, телеграф, телефон, ялқаро алоқа воситалари, сунгий Йўлдошлар алборотлари, алоқа ва алоқанинг тижорет воситалари, кабелии телевидение; ж) Максадли хизматлар: - инглишилар хизмати, электрон ва ноалектрон майлумотлар банки учун дастлабки ахборотлар, кутубхона; . видеостекалар; ж) Статистик индекслар: - майлумотлар, банки эслари, мулокот тизимлари.

Бу сегментлар ичиди ахборотлар билан ишлаш технологияси алоқиди ўрин тутиди. У ўз фаолигиде ахборот бизнеси ривожланшининг асосий стратегик миссадаларини аниқлайди. Американлик мутахосис оғим Г. Поппеллинг фикрич, ишкаб чиқарув технологияси деганда ижтимоий турмушнинг барча содаларида хиобиаш техникасидан Фойдаланиши ва алоқа тизимларинч ташкил этиш, ахборотларин йониш, узатиш, сақлаш ва яйтав ишлаш тушунлади.

Умуман оғанди, ахборот малсулоти ахборотнинг турли ким шакли сифатида ишон билимларининг манбай хисобланади. Р.У. Эйверсон ахборотга «йигитган фактлар ва сароқсиз юл таҳрибалари» деб тифтиф бердиши бежиз эмас. Дардакнат, ахборот бизнесининг ривожланиши жамнитда тарбият ва маданият, ижтимоий онг ва билим юксалаштиришдан дарик бесади. Ахборот мазмуни, аниклити ва долзарблигига караб ижобий ёки салбий бадоланади.

Ахборот билан ишлаш технологияси билимлардағи Фойдаланишда мухим вазифани ўтайди. У кипиларнинг

фирмаларинин домрасини кенгайтириши, намойиш қисми эса ҳордик чиқаришини таъминлашди.

Бизнес оламида алтнй меҳнат вакиллари фирмаларниң иши илгариялаб кетишени таъминлашыган қарорлар қабул килади, махсулотларни ишлаб чиқаради, маҳсулот ва хизматларни сатади ва сотиб олади. Америкаликлер тажрибаси шуни кўрсатади, фирмаларнинг кўғичилиги ахборот маҳсулотига хайдан зидд кўп меблаг сарфлайдилар.

АҚШда алтнй меҳнат ходимлари деб аталувчи 30 миллион менежерлар ва бошқа мутахассислар ўз фирмаларига йилга 1 трл. доллар сарфнайдилар.

#### **IV. 5. "ЮКОРИДАН" ВА "ҚУЙИДАН" КЕЛАДИГАН АХБОРОТЛАР**

Корхона раҳбарни томонидан турли ҳил ҳўриниш ва мазмундаги ахборот бўлим, бўлинма ҳамда ҳодимларга жалиб тушади. Ушбу ахборотни уч гурурга бўлиш мумкин: бирорчан гурух ахбороти ҳодимлар иши учун зарур бўлган, ҳамда ҳуқуқий ва шартномалар мазмунидан келтиб чиқашиган ахборотлардан иборатдир. Иккинчи гурух ахборотти ҳодимлар билishi шарт бўлган, учнинч гурух ахборотга ҳодимлар ходишини ажэ этирувчи ахборотлар киради.

1. Ҳар бир шакс олини керак бўлган қужжатларга энг аввало ици вактини ташкил этишга, техника ҳавфсизлигига ва турли ҳил шартномаларги оид низомлар, кўрсатмалар киради. Ушбу гурух ахборотларига табиий тарафи асосий иши бажаришга оид миълумотлар. директив қўрсатмалар ва тушунтиришлар киради. Ушбу ахборотлар юкори меҳнат унумдорлигини таъминлашга мўлжалланган. Ҳодимларга керак бўлгани муҳим ахборотлар, зълонлар таҳтаси, зълонлар орқали етказилади. Корхона, ташкилотларнинг кўпчиллик раҳбарлари керакли ахборотни доимий хат ва вараклар орқали ҳам гаркатишади. Бўлинма, бўлим раҳбарларига корхона ҳакидаги миълумотлар муковаланмаган вараклар кўринишлida тарқатилиб, ушбу ахборот директив ғаълумотлар билви тўлдирилиб борилади. Айрим ҳолларда раҳбар ҳодимлар учун доимий тарзда ахборот хабарлари тарқатилиб турилади ёки кичик мажлислар ўтказилиб турилади.

Раҳбар ҳодимларга меҳнатни муҳофиза қилиш, балтсиз ходисалардан огоҳлантириш, янги технологиялар билан ишлаш услублари, янги курилишлар, ишлаб чиқаришни кайта куриш ва

кенгайтириш, корхона ходимларига онд атохида тадбирлар ҳакида ахборот берилди.

2. Корхона ходимлари бевосита ўз ишларига боғлиқ бўлмаган, яъни корхона фаолиятига онд кўрсаткичлар, унинг тараққиёт йўллари ва бошка иқтисодий масалалар ҳақидаги ахборот билан танишиб боришлари керак. Ходимлар корхонанинг маҳсулотига, унинг ҳажми, сифатига, рекламага онд ахборотлар билан танишиб боришлари керак.

3. Ходимларнинг ахборотга онд хоҳишиларини ҳам эътиборга олиш керак. Албатта уларнинг хоҳишини тўлиғинча бажариш мүšíкул иш.

Шахсий ҳаётга онд бўлган ахборотлар, яъни юбилейлар, тўйнгар вафот этишга онд хабарлар ишдан бўшац ёки лавозим олишига онд ахборотларга қараганда муҳим туюлади. Албатта ходимининг шахсий хоҳишиларини корхонанинг кенгайтирилган маъжлисидағи кенг мунозарааларда тўлароқ анклаваш имкони бор янти ишга жойлаштиган ходимларга ортиқча ахборот берилб юбориш ҳам кийинчилик тутдириш эктиимиши бор. Чунки бериладиган ахборот ичидаги киши билмас бажарилиши кийин бўлган вазъзар ҳам бўлиб қолади. Окибатда кўчуш вазият пайдо бўлиши мумкин, юкоридан келадиган ахборотларни янаци анклаваштириш учун ходимлардан сўров анкеталарини тўлдириб турниш ҳам фойдаланир.

Сиз ўз ходимларингизни ўз фармойиш, хўрсатмаларингиз, кўрган чора-тадбирларингиздан хушнуд эканлигин биласизми? Шундай ахборотларнинг етишимаслиги, сизни ходимлар билан мунисабат, алоқангизнинг бўшлигидан датолат бермайдими?

Демак, сиз ва ходимлар ўртасидаги ахборотни тўлиқ ва тўғри эканлигига ишонч хосил қилиш керак. Сабаблардан бири вижданни пок, фидойи бўлмаган маслаҳатчилар одоби бўлиши мумкин. Улар раҳбар ходимларга фақат унга ёқадиган, ёқимли ахборотларнингизнэ узатиб туришлари мумкин. Бу, одамлар ва коллективни бошқаришдаги энг ҳавфли ҳолат бўлиб, раҳбар ходим ўзини ходимлардан четлаштириб, ташки цунёдан ажраб қолади. Бундай вазият кичик корхоналарда камроқ, квотта корхоналарда кўпроқ учрайди. Бундай вазиятда нима содир бўлади? Бир томондан корхона раҳвари унинг томонидан амалга оширилаётгани чора-тадбирларни қандай бажарилаштиганини билмайди, иккинчи томондан ходимларнинг ҳакиқий илтимослари кўпроқ ёрдам олиш мумкин бўлан жойга бориб тушмайди. Шу гарда ташки томондан осойишга бўлиб туюнган корхона фаолиятида аст-еекин порози шик ўчонга пайдо

бўла боштайди. Ва бориб - бориб арзимаган баҳона билан портлашга олиб келиши мумкин.

Бундай ҳолатда раҳбар иккى имкон орасида харакат қилиши керак:

■ Пайдо бўлган камчиликлар йигилиб бўлгунча кутиб, кейин қарор қабул қилиш керак;

■ Масалани ҳал этувчи қарор қабул қилаолмасангиз кийинчиликлар билан доимо қурашиб боришга тўғри келади.

Бироқ, ҳеч қачон пайдо бўлган вазиятни ўзингизча қарама-карши қилиб қўймаслигингиз керак, чунки сиз Галабадан кечиккан бўлишингиз мумкин.

Шундай вазиятнинг олдини олиш учун албатта огоҳлантирув чоралар, яъни раҳбар ўзини нотўғри ва тўлик бўлмаган ахборотлардан ҳимоялаши, ҳар бир ходим билан очик гаплашаолиши йўлини кишириши керак. Яна, раҳбар корхонанинг турли – хил бўлим, бўлийма раҳбарлари, жумладан қадрлир бўлими раҳбари, ҷифокор, қоровул, котиба, ҳайдовчи, кисаба уюшмаси раиси билан яқиндан муносотда бўлиб туриши керак. Айнисе ишдан бўшаб кетаётган ходим билан сухбатланishi керакли ахборотни олишга ёрдам беради.

## V БОБ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА БОЗОР

### V.1. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ ТАРТИБИ

*Интеллектуал мулк тушунчаси.* Фуқаролик ҳуқуки обьектлари ичida, яъни моддий ва маънавий бойликлар, фуқаролик ҳуқуки субъектлари ўзаро ҳуқукий муносабатларга кириши сабабли интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан уларнинг алоҳида ҳуқуқлari ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Интеллектуал мулкнинг назарий ҳуқукий асосолари инсоният иҳтиёжи учун илмий-интеллектуал ва бадний-ижодий фаолиятнинг барча ютукларига кенг имкониятлар очилиши билан асосланади ва шу асосларидан келиб чиккан ҳолда бу ютукларини пайдо бўлиши ва оммалаштирилишида уларга ҳак тўлаш мажбуриятлари билан ёрдам беради. 1948 йил 10 декабр БМТнинг Бош Ассамблеясида қабул қилинган «Инсон ҳуқуклари умумжаҳон Декларацияси» да интеллектуал мулкка бўлган ҳуқук, шу жумладан муаллифлик ҳуқуклари асосан инсон ҳуқукларига оид асосларга қаратилган.

Декларациянинг 27-моддасида шундай дейилади:

«1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётига эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишта, илмий тараккиётда иштирок этиш ва унинг саамараларидан фойдаланиш ҳуқукига эга.

2. Ҳар бир инсон ўзи муаллиф бўлган илмий, адабий ёки бадний ижод натижалари бўлмиш маънавий ва моддий минфаатларини муҳофаза қилиш ҳуқукига эга». (Инсон ҳуқуклари, Муҳим ҳалқаро ҳужжатлар. М. «Международные отношения», 1989, 141).

Декларациянинг қоидалари интеллектуал мулк ҳуқукини муҳофaza қилиш тартибини самарали тузилиши учун зарур бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларинда кўзда тутилган, шунингдек бир катор Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиёролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» ги, «Махсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида» ги, «Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуклар тўғрисида» ги, «Селекция ютуклари тўғрисида» ги ва бошқа мустаҳкам белгиланган асосларга мувоффик келади.

Фан ва ижодининг ривожланishiши Ўзбекистон Республикаси Гимни матнида ҳам мустаҳкам кафолатланган:

Серкүёш, хур ўлкам, элга баҳі, нахот,  
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.  
Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
Шуҳратинг порласин токи бўр жаҳон!

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1034-моддасида фуқаро ёки қўридиқ шахсларнинг интеллектуал фаолият натижаларига ва фуқаролик мумомаласи иштирокчилари товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларига тенглаштирилган алоҳида ҳукуклари зътироф этилади (фирма номлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва бошк.).

*Интеллектуал мулк обьектлари.* Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС) тасдиқлаган Конвенция коидаларига мувофиқ ҳолда ва шу ташкилотнинг кўрсатмалари асосида интеллектуал мулк учун ҳукукиникуйидаги тарзда аниклаш мумкин. Саноат мулки ҳукуки: (ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси ҳукуклари); фуқаролик мумомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар фирма номлари, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари, товар чиқарилган жоғноми; селекция ютуклари; ноинсофли конкуренциялардан химоя); муаллифлик ҳукуклари (илмий, бадний ва адабий асарларга; ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари; ижрочи-артистлар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар, эфир ва кабел орқали кўрсатув ва эшилтириш ташкилотлари (турдош ҳукуклар); ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хай)).

Бу обьектлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилитига аниқ белгиланган саноат мулки ва муаллифлик ҳукуки обьектларига тамомила мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1031-моддасига мувофиқ интеллектуал мулк обьектларига куйидагилар киради:

1) интеллектуал фаолият натижалари:

- фан, адабиёт ва санъат асарлари;
- тўлкин ва кабел (сим) орқали кўрсатув ва эшилтириш узатиш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари;
- электрон-хисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари;
- ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари;
- селекция ютуклари;
- ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб

чиқариш сирлари (ноу-хай);

2) фуқаролик муюмаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар;

- фирма номлари;
- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);
- товарлар чиқарилган жой номи;

3) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ва бошқа конунларди назаруда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муюмаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларининг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

Интеллектуал мулкдан фойдаланиши. Ҳуқук эгасига алоҳида ҳуқук асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларниң фойдаланишига факат ҳуқук эгасининг розилиги билан йўл қўйилади. Интелектуал мулк обьектига нисбаган алоҳида ҳуқук эгаси бу қукуни бошқа шахсга тўлиқ ёки кисман ўтказишта, интеллектуал мулк обьектидан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳакли ва агар Ўзбекистон Республикасининг Фуқароли Кодекси ва бошқа конунларининг қондадарига зид бўлмаса, уларни бошкача тарзи гасарруф этишга ҳам ҳакли ҳисобланади.

### **Муаллифлик ҳуқуки**

*Муаллифлик ҳуқуки тушунчаси.* Муаллифлик ҳуқуки тушунчасига обьектив жihatдан ёндошилганда фан, адабиёт ва санъат асарлари вужудга келиши битан боғлик бўлган муносабатларни тартибга соловчи фуқаролик ҳуқукининг барча нормалари тушунлади. У фуқаролик ҳуқукининг системали-тартиби ҳисобланади. Субъектив томондан ёндошилса, муаллифлик ҳуқуки фан, адабиёт ва санъат асарларини яратган шахсга тегинили бўлган шахсий исмулкий (мъянавий) ва мулкий ҳуқуклар муносабатларини ўзида акс эттиради. Муаллифлик ҳуқуки икки мухим функцияни бажиради: биринчидан, ғойий ва бадиий жihatдан юксак фан, адабиёт ва санъат асарлари яратилишига ёрдам беради ва иккинчидан, давлат ва жамият мантифиятларига жавоб берадиган илмий ахамиятга эга ёки юбори бадиий тоявий қимматта эга асарлардан фойдаланишида кени имкониятлар яратади.

*Муаллифлик ҳуқуки манбазари.* Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси «Муаллифлик ҳуқуки» - 60 боб ва «Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқтар түрисинда» ги Конун муаллифлик ҳуқуки мухофазасини ва фан, адабиёт ва

санъат асарлари муаллифларининг фаолияти, яни бадиий-ижод натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносаба:ларни тартибга соловчи муаллифлик хукукининг асосий манбалари хисобланади. Интеллектуал мулк ва муаллифлик хукуки соҳасида Ўзбекистон Республикаси қўшилган бир канча халқаро конвенциялар ва битимлар, шунингдек Вазирлар Махкамаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувчи органларининг норматив хужжаглари, яни булар ичида катта аҳамияттаги эга бўлган муаллифлик стапкалари ҳакиқати қарор ҳам муаллифлик хукуки манбаларидан хисобланади.

*Муаллифлик хукуки обьектлару.* Визифаси ва афзаллиги, кай йўсимида ифодатанишидан қатний назар муаллифлик хукуки ижоний фаолият натижалари бўлгани фан, ёдабиёт, ва санъат асрларига бўлинади.

**Муаллифлик хукуки обьектлари жумласига куйидагилар киради:**

- азабий сарлар (азабий бадиий, илмий, ўкув, публицистик ва бошқа асарлар);
  - драматик ва сценичий асарлари;
  - матириял ва матнсиз мусиқа асарлари;
  - мусиқали-драматик асарлар;
  - хореография асарлари ва пантомималар;
  - куидоризуал асарлар (кино, телевизия ва видеофильтлар, стайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа ҳил кино, теле ҳамда видео асарлар), радио асарлар;
  - рангтасвири, хайкалтаришилик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;
  - манзарали-амалий ва саҳна снігъати асрлари;
  - архитектура шахарсозлик ва борч-парк барпо этици санъати асарлари;
  - фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулиларда яратилган асарлар;
  - жўтрафия, геология хариталари ва бошқа хариталир, жўтрафия, топография ва бошқа фанларга тааммузли тарҳлар, эскизылар ва исарлар;
  - барча турлаби электрон-хисоблаш машиналари (ЭХМ) учун дастурлар, шу жумладан ималий дастурлар ва операцион тизимлари.

**Муаллифлик хукуки обьектларина, шунингдек куйидагилар киради:**

- ҳосинга асарлар (таржима ва қайта ишловлар, тақризлар, рефератлар, киска хуносалар, шархлар, инженеровкалар, томоша, мусика мослаштирувлари ва бошқа фан, адабиёт ва санъат асарларининг қайта ишловлари);

- асарлар түйлами, яъни комус, антологиялар, мәдениятлар йигинлиси ва ижодий меҳнат натижасида материалларни танлаш ва жойлаштиришга онд бошқа таркибий асарлар.

Ижодий фаолият маҳсули агар у бирон-бир объектив кўринишда ифодаланган бўлса, муаллифлик хукуки обьекти бўлиши мумкин, чунки асарнинг кўрининши аниқловчи унинг айни ўша тузилиш элементлари муаллифлик хукуки билан муҳофаза қилинади. Кўйицаги кўринишда ифодаланган асарлар объектив кўринишдаги асарлар ҳисобланади:

- ёзма (кўлёзма, машина, нота ёзувлари ва хоказо);
- оғзаки (ошкора баён этиш, ошкора ижро этиш, яъни оммабоп қилиб ижро этиш);
- овоз ёки видеобёзув (механик, магнит, ракам, оптик ва хоказо);
- гасвир (расм, хомаки нусха, сурат, лойиҳа, чизма, карта, кино-телевишинг ёки фотоманзара ва хоказо);
- модий ҳажмли (хайкал, андоза, намуна, қурилма ва хоказо);
- бошқа шаклларга жорий қилинади.

Муаллифлик хукуки гоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар хуносалар, қашфиётлар фактларига иисбатан жорий этилмайди ва муҳофаза қилинмайди. Асарни тушуниш кониктирса ҳам, лекин қонун кучи билан муҳофазага даҳлдор бўлмаган кўйидаги асарлар муаллифлик хукуки обьектлари ҳисобланмайди ва улар ҳимоя қилинмайди:

- расмий хужжатлар (конунлар, суд қарорлари, қонунчилик, маъмурӣ ва суд характеристидаги бошқа матнлар) шунингдек, уларнинг расмий таржималари;
- давлат рамзлари ва белгилари (байрок, герб, гимн, орден, медаллар, пул бирлиги белгилари ва бошқалар);
- ҳалқ оғзаки ижодий асарлари;
- ахборот характеристидаги яшгиллар ҳақида хабарлар, воеевлар ва фактлар;
- инсоннинг бевосита якка тартибда асар яратишга қаратилган ижодий фаолият шистирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалтанинг техника воситалари

ёрдамида олинганди натижалар.

Ўзбекистон Республикаси худудида химоядан фойдаланшмайдиган чет эл муаллифлари асарлари хам мухофаза қилинмайдиган асарлар каторига киради.

Муаллифлик ҳуқуки фан, адабиёт ва санъат асарлари яратилиши билан кучга киради. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келини учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирор-бир расмиятчилик талаб қилинмайди.

*Муаллифлик ҳуқуки субъектлари. Муаллифлар. Ҳаммуаллифлар. Тузувчилар. Юридик шахслар.* Фан, адабиёт ва санъат асарларини ижодий меҳнати билан яратган фуқаролар муаллифлик ҳуқуки субъектлари ҳисобланадилар. Асар биринчи марта эъном қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс. Башарти ўзга ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуки бир неча шахсларга – ҳаммуаллифларга тегиши бўлиши мумкин.

Икки ёки ундан ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуки, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири хам мустакил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатний назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегиши бўлади. Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустакил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз ходишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммўаллифлик – бир неча шахсларнинг бир хил кўринишдаги ижод маҳсулни, ҳамда ҳар хил турдаги ўзига хос ижодий кўринишдаги ижод маҳсулни бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар қандай шароитда асардан фойдаланишида муаллиф боғланиб қолган шахс муаллиф бўла олмайди. Асарнинг яратилишида техник ёрдам кўрсатиш хам ҳаммуаллифликка кирмайди. Ҳаммуаллифликда шахсларнинг асар яратилишидаги ижодий иштироклари бўлмоги керак.

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржименлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари тегишинча ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади. Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифнинг ҳукукларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар

(Энциклопедияларнинг ноширлари, фильмларни тайёрчилари, продюссерлар ва шу кабитар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бирок «Муаллифлик ҳукуки ва турлош ҳуқуклар тўғрисида» ги Конунга бошқа конуналарда назардаги тутилган ҳолларда бундай шаҳслар шу қаби асарлардан фойдаланишда алохиша ҳуқукларга эга бўладилар.

**Муаллифлик ҳукукинг ҳимоя белгилари.** Муаллифлик ҳукукининг юзага келиши ва уни амалга ошириши учун исарни рўйхатдан ўтказиш, асарни бошқа кўрининида маҳсус хужжатлаштириш ёки бирон-бир расмиятчиликка риоя этишлик талаб «илинмайди. Бирок, асарни расмий реестрларда рўйхатга олиш максадги мувофиқидир. Рўйхатга олишдан максад – асарга муаллифликни тиклиш, исар ёзлон қилинган сана ёки шартнома тутилганлиги ҳакидаги хужжат муаллифлик ҳукукита даҳлдорликни таъминлайди. Келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда суд асарнинг рўйхатдан ўтганлигини худди муаллифлик призумацияси сифатида қабул қиласи, яъни ўз асарни рўйхатдан ўтказсан шахс, башарти ўзга хол ишботланмаган бўлса, уният муаллифи ҳисобланади.

«Муаллифлик ҳукуки ва турлош ҳуқуклар тўғрисида» ги Конунинг 16-моддасига кўра, алохида муаллифлик ҳукукининг эгаси ўзининг ҳуқукларини кучайтириш максадида ҳар бир нусхасида кўрсанасидан уч элементдан иборат бўлган муаллифлик ҳукуки ҳимоясининг кўлланиш белгиларидан фойдаланиш ҳукуқига эта;

- лотинча «с» ҳарфи айланна ичига олинниб ёзиладиган ©;
- алохида муаллифлик ҳуқуклари эгасининг исми (номи);
- асар биринчи марта ёзлон қилинган йил.

Асар нусхаларидағи ҳимоя белгисининг жойлаштирилиши муаллифлик ҳукукин юзага келиши ва амал килишида асос бўла олмайди, у фақатгина расмиятчилик бўлиб, исарга алохида ҳукуқ эгасининг ёки учинчи шахс мавжудлиги ҳакида хабар берни учун хизмат қиласи ва асарнинг доимий элемент кўринишни бўла олмайди.

**Муаллифлик ҳукукинг амал қилиши муддати.** Муаллифлик ҳукуки асар яратилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва муаллифининг бутун хаётни давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнини биринчи январидан эътиборан эъзлик йил давомида амал қиласи. Худди шундай муаллифлик ҳукуки ҳимояси муддатлари ВОИСнинг Намунали (Типовой) конуниша ҳам кўзда тутилган. Ушбу муддатлар давомида

муаллифлик хукуки муаллифнинг меросхўрларнга тегишли бўлади ва мерос хукукий ворисга ўтади, шунингдек муаллифлик хукуки муаллиф билан, унинг меросхўрлари ва кейинги хукукий ворислари билан тузилган шартнома бўйича бу хукукни олган хукукий ворисларга тегишли бўлади. Муаллиф вафотидан кейин эллик йил ичida биринчи марта чоп этилган асарга бўлган муаллифлик хукуки асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал килади.

Муаллифлик, муаллифнинг исми-ширифи ва асарнинг дахлсизлиги муддатсиз ҳимоя килинади.

Асарнинг ижтимоий мулкка айланиси. Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар тўғрисида» ги Конунга мувофик асарга бўлган муаллифлик хукукининг амал килиш муддати тутаганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудица ҳеч қачон ҳимоя билан таъмин этилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк ҳисобланган асарлардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳакини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда муаллифлик хукукига, муаллифлик номига бўлган хукукка ва асарни дахлсизлигига бўлган хукукка риоя этилиши лозим.

### **Турдош хукуклар**

Турдош хукуклар тушунчаси. Турдош хукуклар саҳна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видеоёзувига, эфир ва кабел орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига ҳамда икрочи-артистларга, шунингдек уларнинг меросхўрларига тегишилдири. Бундай ижродан фойдаланиш хукуки бошка хукукий ворисларга ўтиши мумкин. Ижро ёзувига бўлган хукук ва ана шундай ёзувни амалга оширган шахсга ёки унинг хукукий ворисларига тегишилдири. Трансляция килиш хукуки кўрсатув ва эшиттиришни яратган эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотта ёки унинг хукукий ворисларига тегишилдири.

Ижрочининг хукуклари. Ижрочиларга актёрлар, кўшиқчилар, созандалар, раккослар, рол ижро этувчи баъзи бир шахслар, декламация ижрочилари, мусика асбобларида ижро этувчилар (шу жумладан эстрада, цирк ва кўғирчок номерлари) шунингдек спектаклларни саҳналаштирувчи режиссёrlар ва дирижёрлар киради. Ижрочиларнинг меҳнатлари

фонограмма ишлаб чиқарувчилари фаолигига нисбатан ёхуд асосан техник характерга эга бўлган эшиттириш берувчи гашкилотларга нисбатан анча катта ижодий хусусиятлари билан ажралиб туради. Бирок бу туркум шахсларни уларнинг фаолиги натижаси бўлган, муаллифлик ҳукуки обьекти сифатида муҳофаза қилинадиган мусиқали, драматик ва бошقا асарлар боғламоқда ва кенг қатламалин томошабинлар ва тингловчиларнинг бойлиги бўлиб колмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида»ги Конунининг 50-моддасига мувофиқ ижрочининг ҳукукларига кўйидагилар киради:

◆ Ижро вактида, ижро ёзувининг нусхаларида, ижро трансляция қилинаётганда ёки тақорланаётгандаунинг исмини кўрсатиш;

- асарни бузиб ижро этишдан ҳимоя қилиш;
- ижродан фойдаланишини амалга ошириш ёки фойдаланишга рұксат бериш;

Ижродан фойдаланиш ҳукуки кўйидагиларга рұксат берини ҳукуқини камраб олади;

- ижрони эфир ва кабел орқали трансляция қилиш;
- ижрони техника воситалари ёрдамида ёзиб олиш;
- ёзиб олинган ижрони трансляция қилиш ва омма олдида тақорлаш;
- ижро ёзувини кўпайтириш ва унинг нусхаларини тарқатиш.

Ижрочилар ўз ҳукукларини ижро этилабтган асарлар муаллифларининг ҳукукларига риоя этган холда рўёбга чиқарицлар.

Ижрони ёзиб олган шахсинг ҳукуклари. Ижрони ёзиб олган шахс-ижронинг биринчи аудио-ёки видеосюзни ташаббуси ва жавобгарлигини олган жисмоний ёки юризик шахсdir. Шундай ёзув яратувчилари кўйидагиларни амалга оширишга ва рұксат беришга ҳақлидирлар:

- ёзувни омма олдида тақорлаш;
- ёзувга тузатицлар киритиш ёки уни ўзга тарэда кайта ишлани;
- ёзувнинг нусхаларини тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва шу қабилар), шу жумладан чет элга бериб юбориш;
- ёзув нусхаларини импорт қилиш.

Агарда ижро ёзувининг нусхасига эгалик қилиш ҳукуки ижрони ёзиб олган шахсга тегишли бўлмаса, ёзудан фойдаланиш шу жумладан уни тижорат максадида ижарага бериш соҳасидаги алоҳида ҳукук ёзувни амалга оширилган

шахсдан сакланиб кетади.

Ижро ёзувнiga бўлган ҳукуқнинг эгалари ўз ҳукукларини асарлар муаллифларининг ҳукукларини ва ижочилтарнинг ҳукукларини хисобга олган долда амалга оширадилар.

Эфир оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар. Эфир оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар каторига радио ва телестудијалар, шунингдек якка тартибда ва оммиевий фойдаланувчилар учун овозли ва сименз алоки воситалири бўлган видеосигналлар (эфир орк ли кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар) ёки симли, кабелини, сунъий йўлдошлар оркали (кабел оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар) узатиши станционаларни оркали мунтазам ахборотлар кўрсатувини амалга оширувчи бошқа ташкилотлар дам киради. Шу каби шахслар, яъни ижро ёзувини яратувчи эфир оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар ўзлари мустақил ижодий асарлар яратолмайдилар. Лекин улар ижодий асарлар яратилишидаги ташкилотчилик фаолиятлари ўз кўрсатув ва эшиттиришларини исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи шахсларга бундай кўрсатув ва эшиттиришлардан фойдаланиш учун рухсат бериш борасидаги ва шу каторда тижорат максадларига дам фойдаланиш (хар бир ижро ёзувидан фойдаланиш учун мутлум бир ҳак тўлаш) каби алоҳида ҳукукларга эгадирлар. Эфир ва кабел оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳукуклари-ташкилотнинг расмий манзили Узбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлса ва унда жойлантирилган узаткичлар бордамида кўрсатув ва эшиттиришларни амалга ошираётган бўлса амал қиласи. Узбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар тўғрисида»ги Конуннинг 57-моддасига мувофиқ эфир оркали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот куйидагиларга ҳаклидир:

- кўрсатув ва эшиттиришни трансляция қилиш;
- эфир оркали кўрсатув ва эшиттиришларни берувчи бошқа ташкилотларга ва кабел оркали кўрсатув ва эшиттиришларни бир вактнинг ўзида трансляция қилишга ҳамда ретронсляция қилишга рухсат бериш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларни ёзб олиш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришлари ёзувини такрорлаш;
- такрорланган ёзув нусхаларини таркатиш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларнин трансляция қилишга ва бир вактнинг ўзида кабел оркали трансляция, ретрансляция

килишда ҳамда бу кўрсатув ва эшилтиришлар ёзувини трансляция қилишга рухсат берниш;

• кириш пульик бўлган жойларда оммавий трансляция қилиш ва тақорорлаш, бошқа шахсларга шундай трансляция қилиш ва тақорорлашга рухсат берниш.

Эфир орқали кўрсатув ва эшилтириш берувчи ташкилот ўз хуқукларини асар муаллифларининг хуқуклари ва ижрочиларнинг хуқукларини, лозим бўлган холларда эса ижро ёзувинга бўлган хуқук эгаларининг ва эфир орқали кўрсатув ва эшилтириш берувчи бошқа ташкилотларнинг хуқукларини хисобга олган холда амалга оширади.

*Турдоши ҳуқукларнинг амал ғилиши муддати.* Ижрочининг хуқуклари биринчи ёзув ёки биринчи ижро (саҳналаштириш) пайтидан эътиборан эллик йил давомида амал киласди. Ижро ёзувини амалга оширган шахснинг хуқуклари ёзув амалга оширган пайтидан бошлаб (бу ёзув биринчи марта Узбекистон Республикасида омма олдида тақорорланган ёки уннинг нусхалари омма орасида тарқатилган бўлса) эллик йил мобайнида амал киласди. Эфир орқали кўрсатув ва эшилтириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшилтириш бўлган хуқуки уни биринчи марта эфирга трансляция қилиш пайтидан бошлаб эллик йил мобайнида амал киласди.

### Муаллифлик хуқуки муҳофазаси

Интеллектуал мулк обьектларидан ва шу жумладан муаллифлик хуқуки ва турдош хуқуклари обьектларидан гайриконуний тарзда фойдаланишга жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган. Асарнинг, кино, видео ва аудио маҳсулотлари ва фонограммаларнинг муаллифлик хуқуклари ва турдош хуқукларни бузиш оқибатида тайёрланган ва тарқатилган нусхалари соҳталаштирилган (контрафакт) нусхалар деб олинади. Соҳталаштирилган нусхалар деб, шундай асарлар ва фонограммалар ёхуд қўрикланиши тўқтатилган давлатлардан муаллифлик ва турдош хуқуклар эгаларининг розилигисиз Ўзбекистонга импорт килинган Ўзбекистон Республикасида қўрикланадиган асар ва фонограмма нусхалари тушунилади.

Муаллифлар ва бошқа хуқукий ворисларнинг алоҳида хуқукларини бузган холда асардан ҳар қандай фойдаланиш гайриконуний хисобланади. Ҳар қандай кўринищдаги муаллифлик хуқукининг бузилиши ўғриликка тенглаштирилган ва худди бошқа қонуний хуқукларга тажовуз сифатида суд

хукмига топширилган.

Муаллифлик хукуки бузилишининг энг оддий кўринишларидан плагиат (адабий ўғрилик, кўчирмачилик), соҳталаштириш ва кароқчилик мавжуд. Плагиат гайриконуний харакатни ифодалаб, ўзга кишининг асарини ўзиники деб эълон килишдири. Соҳталаштириш – бу рухсатсиз тақрорлаш, асарни ҳар қандай тарзда тақдим ва нашр этиш. Кароқчилик деб, рухсат этилмаган механик ёзувлар нусхаларини тайёрлаш ёки асарнинг босма нашрлари ва уларнинг лицензияси сотувга чиқарилиши тушунилади.

Муаллифнинг ёхуд муаллифлик хукукининг объекти бўлган ҳуқук эгасининг хукуклари ҳимояси, худди фуқаролик хукуклари процессуал конунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар кайси судга таалтуқли бўлишига караб, суд, хўжалик суди ёки холислар суди томонидан ҳимоя килинади. (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, 10-модда).

Ўзбекистон Республикаси конунчилитида муаллифларнинг ва муаллифлик хукуки обьекти бўлган ҳуқук эгаларининг фуқаролик хукуклари ҳимоя йўллари қўйидагилар билан ҳимоя килинади:

- хукукни тан олиш;
- хукукни бузилишдан олдинги холатни тиклаш ва хукукни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган харакатларини олдини олиш;
- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўллаш;
- шахснинг ўз хукукини ўзи ҳимоя килиши;
- олинмай қолган фойда билан бирга келтирилган зарарни коплаш;
- неустойкани ундириш;
- маънавий зиённи коплаш;
- хукукий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;
- зарарни коплаш ўрнига муаллифлик хукуки ва турдош хукуклар бузилиши оқибатида хукукбузар олган фойданни ундириш;
- ҳимояни бошқа йўллари.

Талаб ва даъво аризаси прократурага ёки тўғридан-тўғри хўжалик ёки ҳалқ судига юборилади.

Муаллифлик хукуклари ва турдош хукуклар ҳимояси жиноий-хукукий, маъмурий-хукукий, ва фуқаровий-хукукий йўллар билан амалга ошириш мумкин.

**Муаллифлик ҳуқуқлари ҳимоясининг жиноят ҳуқудий ўзодлари.** Субъектив музалифлик ҳуқуқига энг хавфли тажовуз леб қаралиб, жиноят сифатида жиноят жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида муаллифликни ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбур килиш ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар обьектларидан гайриқонуний фойдаланиш каби жавобгарликлар кўғиб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида муаллифликни ўзлаштириб олиш, ҳам муаллифликка мажбур килиш ва муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар обьектлар гайриқонуний фойдаланиш каби жавобгарликлар кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида «Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш» интеллектуал мулк обьектлари тўғрисида маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунча ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш, энг кам ойлик иш хақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача микдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузиши ишлари ёхул олти ойгача кэмок билан жазоланиди.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида илмий ва техник ижод эркинлиги кафолатланади (42-модда) ва бу эси ижодий фаолият билан: баглиқ бўлган ижтимоий муносабатларни кўрилаш заруратини келтириб чиқаради.

Ҳар қандай асар-илмий макола, бадиий, мусикий ёки бошка ижод намуналари муаллиф аклий фаолиятининг маҳсуллилар Уларни эълон қилиш муайян шахснинг муаллифлик ҳуқуқини мустихкамлайди. Муаллифликнинг бошка шахс томонидан ўзлаштирилниши унинг ўзгалар ёзган асарни ўзининг номи билан (плагиатлик йўли билан) тўла ёки қисман ҳар қандай усула чол этиш билан эълон қилишда ифодаланади.

Илмий, бадиий, мусикий ёхуд бошка турдаги асарларни омма олдида ижро этиш, мазкур асарни нашр этиш, кўр.азмада намойиш қилиш, телевидение орқали кўрсатиш, радио орқали ўқиши ёки ҳикоя қилиб бериш ва бошқалардан иборат.

Ҳаммуаллифликка мажбур этиш деганда, интеллектуал мулк эгаси муаллифга турли йўллар билан таъсир ўтказиш, яъни айборнинг ўзи томонидан ҳамда унинг талаби билан интеллектуал мулк обьектини яратишда бевосита иштирок этмаган бошка шахслар томонидан таъсир ўтказиш тушунилади. Ҳаммуаллифликка мажбур этиш интеллектуал мулк эгасига интеллектуал мулк обьектини яратиш ишига айборнинг талаби

билинг узини ёки бошқа шахсларни муаллифлар жамоаси таркибиға кўшишига оид таъсир ўтказишдир.

Интеллектуал мулк обьектлари деганда, илмий, бадиий мусикий, адабий асарлар ёки ихтирочилик ва ишни бўклиона ташкил этишига оид тушунмок зарур.

Муаллифнинг розилигисиз интеллектуал мулк обьекти тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш деганда, муаллифни розилигисиз интеллектуал мулк тўғрисида узинг расмий рўйхатдан ўтказилгунча ёки эълон қилингунинг қадар ошкор қилинган ҳар қандай ахборотни гушуниш керак.

*Муаллифлик ҳукуки ҳимоясининг маъмурий-ҳукукий үсуллари.*

Муаллифлик ҳукуки ҳимоясининг маъмурий-ҳукукий йўллари муаллифлар ва бошқа ҳукук эгаларининг шикоятларини, шунингдек муаллифларни асарларидан фойдаланилган ташкилотларга нисбатан юкори турувчи вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат ассоциациялари, концернлар ва бошқаларга прокурорларнинг эътиrozларини кўриб чиқишидан иборат бўлади. Бу ташкилотлар муаллифлар ҳукуки бузилишида керакли асослар топилган тақдирда ўз ташаббуслари билан ҳам муҳофазалашни амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 167-моддаси видеоёзуви кассеталарни сотини ва видео муассасаларини ишлеш қоидларининг бузилиши муммомларига бағищланган.

Эксперт комиссияси баҳоланмаган видеоёзуви кассеталарни сотиш, - видео кассеталарни мусодара килиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тегинши руҳсатни олмай турю видеомуассасаларни (videoёзуви кассеталарни ижарага бериш пунктлари, видеозаллар, кабел телевидсниси студияларини) очиш ёки бундай муассасаларни ёпиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин ҳам уларнинг фаолиятини давом эттириш - фуқароларга энг иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч баравардан беш бараваргача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Видео муассасаларда эксперт комиссияси баҳоланмаган видеоёзуви кассеталардан фойдалниш видеоёзуви кассеталарни мусодара килиб, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган хукуқбузарликлар маъмурий жазо чораси кўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, - видеоёзуви кассеталарни ва видеоаппаратурани мусодара қилиб, фукароларга энг кам иш ҳакининг беш баравари микдорида, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача микдорида жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кўрилаёттан маъмурий хукуқбузарлик обьекти бўлиб, видеоёзуви кассеталар сотишнинг ўрнатилган тартиб - қоидалари ва ижтимоий аҳлоқ қоидалари хисобланади.

2. Бундан ташкири, шуни ҳам хисобга олиш зарурки, 167-модданинг 1-қисми катта жавобгарлик хисобланган шу модданинг 2 ва 3 қисмларида кўрсатилган гурухларига хукуқбузарлигига карашни бўлмасагина кўлланилади. Ушбу модданинг 2 қисми ўзбошимчалик оқибатида видеокассеталарни ижарага бериш пунктларни, видеозаллар, қабел телевидениеси студияларини рухсат олмай очиш холлари учун киритилган.

3. Моддаларнинг жойлашуви шуни такозо этадики, ақлирасо, 16 ёшга тўлган, ҳамда видеомуассасаларнинг мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликлар ётади.

4. 167-модданинг 1,2,3 қисмларида кўрсатилган хукуқбузарлик маъмурий жазо кўлланилгандан кейин бир йил давомида тақрор содир этилса, анча каттароқ жавобгарлика тортилади.

5. Хукуқбузарлик субъектив томондан кўрилса, тўғридан-тўғри қастдан (атайин) (модданинг 2 қисми) ёки эҳтиётсизлик оқибатида деб ҳам таърифланади.

6. Бундай хукуқбузарликлар ҳакицаги протоколлар милиция ҳодимлари томонидан тузилади.

7. Ушбу шархи берилган моддалардаги маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судялар орқали кўриб чиқилади (245-модда).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги Кодексининг 177-моддаси товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгаси хукукининг бузилиши муаммоларига бағищланган.

Бир хил товар (маҳсулот)ларни белгилаш учун товар белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисида ёхуд унга ўхшаш белгидан товар белгиси эгасининг хукукларини бузган холда фойдаланиш - фукароларга энг кам иш ҳакининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч

бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Кодекснинг 172-моддаси Ўзбекистон худудида ва республикадан ташкаридан муаллифлик ҳукуки (Патент) ва товар белгисининг муҳофазаси учун ўрнатилган, ҳамда «Махсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари» тўғрисидаги Конуннинг бажарилишига қаратилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, №6, 244 б.) маъмурий ҳукукбузарлининг янги таркиби ҳисобланади.

2. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланиш учун ўрнатилган қоидалар ушбу таркибининг обьекти ҳисобланади.

3. Ушбу ҳукукбузарликнинг обьектив томони товар белгиси эгасининг ҳукукларини бузган ҳолда товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиларидан гайриконуний фойдаланишдир.

4. Бегона товар . белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиларидан фойдаланувчи, 16-ёшга тўлган фуқаролар ёки мансабдор шахслар маъмурий жавобгарлик субъектлари ҳисобланади.

Шу каби асослар бўйича муаллифнинг ташабbusi билан ёхуд инспекция вакилларининг ва мансабдор шахсларнинг текширув натижалари бўйича маъмурий ишлар кўзғатилиши мумкин.

5. Кастандан атайнин килинган харакат ушбу ҳукукбузарликнинг субъектив томони ҳисобланади.

6. Кодекснинг 177-моддасида кўрсатилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судялар орқали кўриб чикилади.

Муаллифлик ҳукуки ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳукуки Давлат Агентлиги томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон худудида адабиёт, фан ва санъат асарларидан фойдаланишда маҳаллий ва чет эл муаллифлари ва уларнинг ҳукукий ворислари ҳукукларини кузатиб боришни таъминлаш, муаллифлар ва уларнинг ҳукукий ворислари манфаатларини ва конуний ҳукукларини, ҳамда ҳукуки бузилган ишларни тиклаш ёки ҳукукбузарликни олдини олишда керакли чораларни қабул килиш, муаллифлик ҳукуки ҳимояси соҳасида ички конунчилликни амалиётда кўллашни ва шу соҳада бор тажрибани кўллашни ўрганиш, шу соҳа тўғрисидаги конунчилликни такомиллаштириш учун таклифлар ишлаб чиқиши кабилар ЎзРМХДАнинг асосий функциялари ҳисобланади.

*Муаллифлик ҳукуки ҳимоясининг фуқаровий ҳукукий*

**усуллари.** Муаллифлар ва уларнинг ворислари бўлмиш муаллифлик ҳукуки объектларининг шахсий номулкий муҳофазаси ҳуқукбузарнинг айбига боғлиқликдан ташқари муаллифлар ва уларнинг ҳукукий ворисларининг мулкий манфаатлари бузилишидан қатъий назар амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси «Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуклар тўғрисида»ги Конуннинг 46-моддасида шундай дейилган: Ҳукуқ эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган такдирда қоидабузар ҳукуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт. Ҳукуқ эгаси қоидабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қоидабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳакли. Асарда муаллифлик шартномасида назарда тузмаган усуlda ёки бундай шартноманинг амал қилиши тўхтаганидан кейин фойдаланиш асардан шартнома тузмаган ҳолда фойдаланиш деб ҳисобланади. Бундай зарар деб, муаллиф ёки ҳукуқ эгасининг ҳукуқ бузилганида унинг мулкига (ҳақиқий зарар) зиёси етказилган ёки мулки йўқолиб, бузилган ҳукукини тиклаш учун ҳисоблаб чиқилган харажатлар тушуниллади. Бой берилган фойда цеб, агар муаллиф (ҳукуқ эгаси)нинг ҳукуки бузилмаганда, унинг фуқаролик мумомаласи иштирокчиси сифатида олиш мумкин бўлиб, лекин ололмай қолган даромадлари тушуниллади.

## V. 2. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК – ДАРОМАДНИНГ ЭНГ МУХИМ МАНБАИ

*Интеллектуал мулк обьектларига нисбатан ҳукуқ деганда фуқаро ёки юридик шахснинг интеллектуал (ақлий) фаолият натижаларига ва унга тенглаштирилган юридик шахси маҳсулот, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматларни индивидлаштириши (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатилиши белгиси ва ҳ.к.) воситаларига бўлган мутлоқ ҳукуқ тушуниллади. Интеллектуал мулкни баҳолаши деганда интеллектуал фаолият натижаларининг фойдалилигин пул миқдорида, кўпинча бозор қийматида аниқлаши жараёнини тушуниллади.*

Фан, техника ва технология соғасидаги туб иқтисадий ўзгартишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири илмий-техника маҳсулоти бозорини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур мураккаб вазифани амалга ошириш янги йўналиш - турли мулк шаклларининг бозор қийматини белгилашни тақозо этмоқда. Ушбу вазифа мулкни хусусийлаштириш ва давлат

тасарруфидан чиқариш жараёнининг кенг миқёсда ўтказилиши муносабати билан янада долзарб бўлиб бормокда, чунки илмий-техника маҳсулоти, аникроғи интеллектуал мулк обьектлари (ИМО) бозор иқтисодиёти шароитида турли мақсадларда, аввало мулк шакли ўзгартирилаётган корхонанинг устав фондини шакллантириш жараённида ишлагилиши учун ҳукукий асос яратилди ва кенг имкониятлар очиб берилди.

Кўп соҳаларда интеллектуал мулк обьектларидан фойдаланмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадни кўпайтириб бўлмайди. Уларга фан, санъат ҳамда илмий-техника ва бадиий-ижодий фаолиятнинг бошқа турлари асарлари, жумладан ижтиорлар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуклари, ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, товар белгилари, фирма номлари ва ҳоказолар киради (1, жадвал).

Хозирги вақтда республикамизда ихтирочилик фаолияти ва илмий-техника ишланмалари бозори фаол ривожланмоқда. Интеллектуал мулк обьектларининг лицензиали савдоси мазкур ўзига хос бозорнинг таркибий қисмидир, унинг жўшқин ривожланяёттани республикамизда илмий-техника маҳсулстлари маданий бозорининг изчиллиқ билан шаклланяётганиниги хусусида муайян ишонч ўйғотади.

Илмий ҳажмдор ишлаб чиқаришлар жараёнлари бўлган корхоналар, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, конструкторлик бюролари, ишлаб чиқариш бирлашмаларини хусусийлаштириш жараённида интеллектуал мулк обьектларининг қийматини баҳолаш ва уларни ҳисобга олиш эҳтиёжи юзага келади. Хорижий шериллар билан қўшма корхоналар барпо этилаётганда масалалар кўндаланг бўлади. Улар устав фондини шакллантиришда (мулк шаклларини ўзгартирганда), банкротлик, олди-сотди, сугурта килишда, шунингдек фирмаларининг молия сиёсатини изчиллаштирганда ҳам пайдо бўлади.

Собиқ СССР даврида интеллектуал мулк обьектларини баҳолаш асосан ишлаб чиқаришга илмий-тадқиқот ишланмалари натижаларини рационализаторлик таклифларини жорий этишдан ғлинган иқтисодий самара кўринишида қўлланилган ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ва корхоналарда социалистик мусобақа якунларини чиқаришда амалга оширилган. Киймат баҳосини белгилаш асосан хорижий мамлакатлари билан лицензиялар сотиш ва сотиб олиш муносабати чекланган бўлиб, уларни ихтисослаштирилган

1-жадвал

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ (ИМО)

Илмий-техника фаолияти натижалари (ИТФ)		Бадиий-ижодий фаолият (адабиёт ва санъат) натижалари	
Саноат мулки объектлари	-ИТФ патентлашга лаётказиз натижалари	Муаллифлик хукуки объектлари	Муаллифлик ва турдош хукуклар объектлари
-ихтиоролар	-ноу-хау	-ЭХМ учун дастурлар	-Адабиёт ва санъат асарлари
-фойдали моделлар	-техника хужжатлари	-маълумот базалари	-ижролар, фонограммалар ва эшиттириш ташкилотчилари эшиттируви
-саноат намуналари	-ИТФ бошка натижалари	-Интеграл микросхемалар топологиялари	-Бадиий-ижодий фаолиятнинг бошка натижалари
-товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари			
-селекция ютуклари			
-товар келиб чиккан жой номлари			

ташки савдо ташкilotлари "Лицензингорг", "Внештехника"  
каби ташкilotлар амалга оширган. Бунинг устига мазкур хисоб-

китоблар асосан ихтиро ва ноу-хауларга оид патентлар ҳамда лицензияларга тегишли бўлган, интеллектуал мулк обьектларининг барча турларини қамраб олмаган. Шуни таъкидлаш керакки, мазкур ҳолларда ИМОларнинг асосланган бозор қийматини малакали баҳолашга эҳтиёж бўлмаган, чунки мамлакатда интеллектуал мулк бозорининг ўзи йўқ эди. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтилиши мулкка эгалик хукуки, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари мазмунини тубдан ўзгартирди. Давлат фуқароларнинг илмий ва интеллектуал ижод эркинлигини уларнинг ўз ижодий фаолияти натижаларига бўлган эгалик хукукларини кафолатлади. Бу хукуклар давлатимизнинг сиёсий, иктисодий, ташкилий ва хукукий тизимлари билан таъминланган. Илмий-техник ва ижодий фаолият натижалари хукуқ обьектларига айланди ҳамда фуқаролик оборотига киритилди, интеллектуал мулк бозори шаклланмокда. Интеллектуал мулк обьектларини яратиш, фойдаланиш ва тасаррuf этиш тартиби, уларни яратувчилар ва хукук эгаларининг мақоми маҳсус қонунлар билан белгиланди. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонунга биноан ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхемалар топологиялари, селекция югуклари, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари мулк обьектларига киритилган (З-модданинг 1-банди).

Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари ҳакида"ги қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл инвестицияларини амалга ошириш хукукий асослари ва тартиби аниклаб берилган. Ўзбекистон Республикаси худудида турли хил моддий ва номоддий бойликларнинг кўриниши қатори интеллектуал мулк хукуки ҳам берилган. Номи тилга олинган қонуннинг 5-бандида устав жамғармаларида қатнашиш, интеллектуал мулк хукукига хисса қўшиш ҳам назарда тутилган. Чет эл инвесторлари хукуки таркибига чет эл инвесторларига қарашли ихтиrolарни чет элда ва Ўзбекистон Республикасида патентлашга оид қарор қабул қилиши; шахсий мулк бўлиб хисобланувчи ҳамма нарсага хоҳлаган мулкий хукуқдан фойдаланиш ва шу кабилар киради.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги қонунида кўзда тутилишича "жамият ва ширкат қатнашчисининг мол-мулк таркибидаги улуши моддий бойликлар билан бир қаторда ердан, сувдан, бошка табиий заҳиралардан, бинолар, иншоот ва ускуналардан фойдаланишга доир хукуклари, шунингдек бошка мулкий ва

номулкий ҳуқуклари бўлиши мумкин" (4-модданинг 3-банди). Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексига мувофиқ: "Интеллектуал фаолият натижаларининг муллифлари ана шу натижаларга нисбатан шахсий номулкий ва мулкий ҳуқукларга эга бўладилар" (1033-модданинг 1-банди). Бинобарин, интеллектуал мулк объектлари қатнашчиларининг корхона мол-мулки таркибига қўшадиган улушлари бўлиши, хусусан, корхонанинг устав фонди таркибига киритилиши ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидин чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонуни 9-моддасида белгиланганнидек, "давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштирилайдиган объектларни сотиш нархини давлат мулки объектларининг тасарруфчиси белгилайди. Бу нарх объектнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кунидаги қийматига асосланади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш пайтида ҳақикагча шаклланган нархларни эътиборга олиш шарт".

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 46-моддасида мол-мулкнинг бозор қиймати тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра "Мол-мулкнинг қиймати тўғрисида ахборотга эга бўлган ва уни сотишга мажбур бўлмagan сотовчи сотишга рози бўлган мол-мулкнинг қиймат тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни хариц қилишга мажбур бўлмаган харидор сотиб олишга рози бўлган нарх мол-мулкнинг бозор қиймати, шу жумладан жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг қиймати хисобланади. Конунда мол-мулкнинг бозор қийматини аниклаш учун мустакил баҳоловчи (аудитор)ни жалб этиш кўзда тутилган. Бунда "мол-мулкнинг бозор қийматини аниклаш учун мустакил баҳоловчи (аудитор)ни жалб этиш жамият ва акциядор гомонидан уларга тегишли бўлган акцияларни сотиб олиш холатида мажбурий шарт хисобланади".

Шундай қилиб, Ўзбекистонда илмий-техника фаолияти натижаларини тижорат йўлига ўтказиши ва интеллектуал мулк бозори фаолиятининг қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий асослари шаклләнди деб эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга, хусусийлаштириш жараёнларини янада кенгайтириш шароитида давлат мулкини баҳолашга доир фаолиятни тартибга соилиш қондатари ва русум-тартиблари, корхона устав фондига киритиш, ижарага беришда гаров сифатида фойдаланиш, давлат ахниётлари учун мажбурий таркибда хариц қилинадиган

соликка тортиладиган мулкни ёки мулкнинг бир қисмини баҳолаш сингари кўпгина масалалар ҳали мунозара мавзуси бўлиб қоляпти. Бунда ҳисоб-китоблар учун таянч сифатида қатъ яи белгиланган баланс қиймати эмас, баянӣ ўзгарувчан бозор қиймати ҳақли равнища эътироф этилгани мазкур муаммоларнинг кескинлигини изоҳлайди. Бозор муносабатлари ривожланаётган мураккаб шароитда уни аниқ-пухта баҳолани давлат ва маҳаллий бюджетларга сезиларли таъсир кўрсатади.

### **V. 3. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКДАН ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИДА ҚАЙ ТАРЗДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУМКИЧИЛОСИ**

Корхона балансида хисобга олинган ва юридик жиҳатдан тўри расмийлаштирилган интеллектуал (ақлий) мулк ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг рақобатбардошлик кобилиятини оширишнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, унга фан ва технологиянинг янги ютуқлари асосида юкори технология ва янги материалларни ўзлаштириш йўли билан эришилади.

Интеллектуал мулк хисобини юритиши акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар устав фондилаги қўшиладиган хиссанинг тақсимланиши ҳамда кайта гаҳсимланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатниши мумкин. Тақсимлаш ва кайта тақсимлаш натижасида айрим қатнашчиларнинг хиссалари қиймат ва фонзлар бўлан хисобланганда кўп марта ошиши мумкин.

Интеллектуал мулк обьектлари номоддий актив сифатида ҳам, муткий ҳукуқ обьекти сифатида ҳам катта даромадлар келтириши ва акциялар бозор нархининг тез ўенишига таъсир кўрсатниши мумкин. Интеллектуал мулк обьектлари (ИМО) турли мақсадларда фойдаланиш уларнинг эгаларига илм-фан маҳсулотлари бозорида мутлоқ моздий ва ҳукукий устуворликка эга бўлиш имконини беради. Бунинг учун (интеллектуал мулк обьектлари) юридик жиҳатдан тўри расмийлаштирилиши, қонуний асосда корхона балансига киритилиши ва жаҳон иқтисодиётида амал қилаётган қиймат андозаларига мукофийк равишда баҳоланиши зарур.

Интеллектуал мулк муҳим сармоя (капитал) маибани хисобланади ва ҳозирги вақтда бизнинг республикамиизда интеллектуал мулк обьектлариidan кўп самарали фойдаланиши учун зарур бўлган меъёрий-ҳукукий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилган.

ИМОдан энг самарали фойдаланиш мулкни баҳолашнинг асосий тамоилларидан биридир. ИМОдан энг самарали фойдаланиш деганда, жисмоний жиҳатдан амалга ошириш мумкин бўлган, ўзини оқилона оқлай оладиган, юридик томондан конуний бўлган, молиявий нуктаи назардан амалга оширилиш имконияти мовжуд бўлган ва унинг натижасида баҳоланаётган ИМОнинг қиймати (ИМОдан ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида фойдаланишдан олинадиган даромад) энг кўп бўлишини таъминлайдиган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида имкон қадар кўпроқ фойдаланиш тушунилади.

Шуни унумаслик лозимки, конуний жиҳатдан ҳал қилинмаган ёки жисмоний томондан амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳолда ИМОдан фойдаланишга энг самарали усул сифатида қаралмаслиги керак. Ҳатто юридик жиҳатдан конуний хисобланган ва жисмоний томондан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолда фойдаланганда ҳам бундай фойдаланишнинг оқилона бўлиш-бўлмаслиги юзасидан муаммолар найдо бўлиши мумкин. Тахдил натижасида ИМОдан оқилона фойдаланишнинг ўзини оқлаган бир ёки бир неча тур (вариант)лари аникланганидан кейин уларнинг молиявий нуктаи назардан амалга оширилиши (ёки оширила олмаслиги) тахдил этилади. Фойдаланилиши натижасида энг кўп қийматга эга бўладиган тур ИМОдан энг самарали фойдаланиш хисобланади.

Бу тартибининг кўлланиши эскириш натижасини хисобга олиш, амалга оширилиши зарур бўлган яхшиланишнинг энг мақбул хусусиятини аниклаш, лойихаларни амалга ошириш учун молиявий жиҳатдан амалга оширилиши имкониятларини беради, шунингдек баҳолаш жараёнида вужудга келадиган кўпгина вазиятларда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси ФТДК кошидаги Лойиха таҳлили ва конъюнктуравий тадқиқотлар марказининг мълумотларига кўра 1996-1998 йилларда интеллектуал мулк объектлари куйидаги мақсадларда баҳоланганди:

- Корхона балансида хисобга олиш – 14 %
- Устав фондига улуш сифатида киритиш – 60 %
- Корхона фойдасидаги ИМО улушкини аниклаш – 16 %
- Лицензия нархини аниклаш – 2 %
- Бошка мақсадларда – 8 %

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнини янада ризвожлантириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар фаолиятининг самараорлигини оширишга бир қанча мухим вазифаларни ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Буларнинг ичида ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштириш ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш, жумладан, янги объектлар ва корхоналарни бунга жалб қилиш алоҳида ажralиб турадиган вазифалардандир. Уларни қайта куриш Вазирлар Мажхамасининг рухсати билан, корхоналар хусусийлаштирилганидан кейин уларни қўллаб-куватлаш тизимини такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Бу корхоналарнинг мулкчилик шаклини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан засикланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1997 йил 23 майда рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби»га мувофиқ амалга оширилади. Мазкур хужжатда кўзда тутилган, давлат корхоналари ва улар бўлинмаларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўзгартириш механизми ташкил этилаётган корхонанинг устав фонди аниклангаётган вактда активлар, жумладан корхона балансида бўлган номоддий активлар, қийматининг баҳоланишини ҳам нэзарда тутади.

Таҳлилилар шуни кўрсатадики, амалда интеллектуал мулкига эъз бўлган барча корхоналар, уларнинг мазкур объектларга бўлган мутлоқ ҳукуқлари муҳофазалаш хужжатлари билан мустаҳкамланган бўлсада, улар корхона балансида номоддий активлар сифатида ҳисобга олинмаган. Бунинг натижасида юрилик жихатдан конуний бўлган, ҳисмоний томондан амалга оширилиши мумкин бўлган, ўзини оқилона оқлайдиган, молиявий томондан амалга оширилиши мумкин бўлган ва ишлаб чиқариш хўжалик фваолиятида фойдаланиладиган ИМОни тузилаётган корхонанинг устав фондини шакллантириш вактида ҳисобга олиб бўлмайди. Айрим ҳолларда ИМО корхона асосий фондлари қийматининг ярмини ва ҳатто ундан кўп қисмини ташкил этади. Албатта, бундай сармоя корхона устав фондида ҳисобга олинмаса, бу - ҳам иктисолид, ҳам маънавий томондан ҳаққоний бўлмайди. Табиийки, савол туғилади - нима қилиш керак?

Айнан шу - «Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби»да корхона балансида турган мулкни инвентаризация (йўклама) қилиш унинг қийматини аниклаш, зарур бўлган ҳолларда эса, бухгалтерлик ҳисобига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилган. Демак, корхона раҳбарлари энг аввало (корхонани

хусусийлаштириш түгрисида карор қабул қилиш ва комиссия тузишдан олдин) корхона интеллектуал мулкини инвентаризация қилиши ва уларнинг қийматини баҳолаши ҳамда номоддий актилар сифатида бухгалтерлик ҳисобига киритишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат “қўмитаси ҳузуридаги Лойиҳалар таҳлили ва конъюнктуравий тадқиқотлар маркази мутахассислари корхона ва ташкилотларга бу бораи зарур ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Корхоналар интеллектуал мулки объектларини инвентаризация қилиш куйидаги таъбирларнинг амалга оширилишини кўзда тутади:

- интеллектуал мулк объектларининг ўзини идентификациялаш (ИМО мавжудлигини белгилаш);
- мавжуд интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ бўлган хукуклар (патент(гувоҳнома) ёки лицензия битими асосидаги алоҳида ёки алоҳида бўлмаган хукуклар ёхуд эталик қилиш учун белгиланадиган юридик муддатда, ҳудудда эталик қилиш хукуки ва ҳ.к. хукуклар)ни белгилаш;
- ИМОдан фойдаланишнинг мақсади, усуслари ва муҳим омиллар (ИМОдан фойдаланиш ва уларни қўллашдан даромад олиш ва ҳ.к. омиллар)ни белгилаш;
- симарали фойдаланишнинг бошлангич санасини ва баҳолашнинг самарали санасини белгилаш;
- ИМОнинг мав'удлиги, улардан фойдаланиш ва даромадлигини белгилаш учун муҳим бўлган бошқа газлумотлар ва шарт-шарқитларни ишлаб чиқиш ва таҳлил килиш.

Кейинти босқич - интеллектуал мулкнинг қийматини баҳолаш ва уни корхона баланси ҳисобига киритишдан иборатди. Бундан кейин интеллектуал мулк қийматини баҳолаш усувлари, талаблари ва андозаларига ҳамда корхона балансида номоддий активлар сифатида ИМО ҳисобини юридик ва уларнинг ҳаракати ҳақида янада батафсилроқ тўхташга ҳарақат қиласиз.

Бу ерда биз ИМО нинг пулда ифодаланган қийматини баҳолаш ва улардан корхона устав фондига кўшиладиган улуш сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган масалаларга янада батафсилроқ тўхталиб ўтмокчимиз.

Интеллектуал мулк (ИМ)ни корхона устав фондига киритиш деганда, корхона эталарига интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш хукуқини бериш тушунилади.

ИМОга бўлган кўйидаги ҳукуклар, агар улар корхона хўжалик фаолиятида даромад олини манбани сифтида фойдаланиладиган бўлса, киймати кўрсатилган ҳолда устав фондига киритилиши мумкин:

• корхона (яни меҳнат жамоаси)га тегишли бўлган ихтиrolар, саноат намуналари, фойдални моделилар, селекцияда эришилган ютуклар учун олинган патентлар ва ёки фойдални моделилар, товар белгилари ва д.к. белгиларги олинган тувохномалар исосида келиб чиқадиган ҳукуклар;

• корхона (яни меҳнат жамоаси)га тегишли бўлган муалифлик ҳукуки ва турдош ҳукуклар обьектлари, шунингдек ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига бўлган ҳукуклар;

• корхона муассисларига тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлатларнинг патентлари (дастлабки патентлари) билан ҳимояланган ихтиrolар, саноат намуналари ва селекция ютукларидан фойдаланиш учун корхона томонидан тузилган лицензия (руҳсатнома) шартномаларидан келиб чиқадиган ҳукуклар;

• корхона муассисларига тегишли бўлган муалифлик ҳукуки ва ҳамкорликдаги ҳукук обьектлари, шунингдек ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига бўлган ҳукуклардан фойдаланиш учун корхона томонидан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган ҳукуклар;

• ўз хусусиятига кўра, муҳофазалаш ҳужжатларига эга бўлмаган очилмаган маълумотлар, ноу-хау, конструкторлик-технология ҳужжатлари, технологик тартиб, рецептлар ва ҳ.к.нинг бевосита яртилиши билан, уларга бўлган ҳукуклар вужудга келидиган ва корхона муассислари (меҳнат жамоаси)га тегишли бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун корхона билан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган ҳукуклар;

• корхонанинг ИМОга бўлган, Ўзбекистон Республикасининг ва корхона катнашчилари бўлган давлатларнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ муҳофаза қилинадиган · бошқа ҳукуклари.

Интеллектуал мулк янги тузилаштган корхона устав фондига киритилаётган вақтда мулкий ҳукуқ ва ИМОдан фойдаланиш ҳукуки шу корхонага ўтади, яни у ИМнинг эгаси бўлиб қолади (ўз мажбуриятлари бўйича бу мулк учун жавоб беради).

Корхонанинг ИМга эгалик қилиш ҳукуқини олиши ундан бу ҳукукларни тасарруф этиш имконини вужудга келтириши

мумкин, чунки корхона ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча мулк учун жавоб беради, бу мулкка эса, жарима солиниши мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик мулк, шунингдек устав фонди суд, хўжалик суди ёки бошқа ваколатли давлат органининг қарори билан мулк эгасидан олиб кўйилиши мумкин. Бошқача айтганда, амалиётда ИМдан фойдаланиш учун устав фондига киритилган ҳукуклар қонунда белгиланган тартибда бегоналаштирилдиган ҳоллар юзага келиши мумкин. Бу ҳол фуқароларнинг устав фондида ИМ кўринишида ўзларининг билим, тажриба ва малакаларидан, яъни интеллектуал фаолият натижалари (ИМ обьектлари)ни эмас, балки меҳнат қобилияти (интеллектуал куч, имконият ва талака)ни интеллектуал мулк сифатида фойдаланиш ҳолларининг оидини олишда муҳимдир, чунки ўзининг меҳнат қобилиятига эгалик қилиш ҳукуки фуқаронинг шахсий ҳукукидир.

ИМни корхона устав фондига киритиш учун қўйидаги ишларни бажариш зарур:

1. ИМО мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини экспертиза килиш.

2. ИМни устав фондига киритиш учун таъсис ҳужжатлари (Таъсис шартномаси ва Устав)ни тайёрлаш.

3. ИМга бўлган мулкий ҳукукларининг берилishi ва ИМнинг ҳисса сифатига устав фондига киритилишини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши.

4. ИМ кийматини баҳолаш ва кийматга оид ҳужжатларни расмийлаштириш.

5. Бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларини расмийлаштириш ва ИМ корхона балансида номоддий активлар сифатида ҳисобини юритиш.

#### **1. ИМО мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини экспертиза килиш.**

ИМни устав фондига киритиш вақтида қўйидагиларни амалга ошириш керак:

▪ ИМ обьекти мавжудлигини текшириш;

▪ мулкка эгалик қилиш ҳукукини белгилаш (ИМО эгасига мазкур обьектта эгалик қилиш ҳукуки берилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг мавжудлиги);

▪ корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида ИМдан узок давр (бир йилдан ортик вакт) фойдаланиш имконияти мавжудлигини белгилаш.

Бунга ушбу объект тавсифи берилган ҳужжатларни текшириш, моддий ташувчиларда тасвирланган ёки қайд этилган ҳужжатларни текшириш, ИМ эгасига эгалик килиш ҳукуқи беритганигини тасдиқловчи ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Патентлар идораси ёки бошқа давлатларининг шу каби ҳужжатларни бериш ҳукукига эга бўлган органлар томонидан берилган патент, дастлабки патент ёки гувоҳномалар)ни текшириш, шунингдек корхона шилаб чикариш-хўжалик фаолиятида ИМ аниқ объектларидан амалда фойдаланиш имкониятини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (бизнес-режа, конструкторлик-технология ҳужжатлари ва х.к.) билан танишиш орқали эришилади.

## **2. ИМни устав фондига киритиш учун таъсис ҳужжатлари (Таъсис шартномаси ва Устав)ни тайёрлаш.**

Таъсис ҳужжатларида (таъсис шартномаси, устав ёки низомда), қоидага кўра, устав фондини шакллантириш миқдори, шакли ва гартиби белгиланади. Уларда ИМни устав фондига киритиш имкони ва механизми, айрим холларда эса, ИМни устав фондидан чиқариш тартиби кўзда тутилган бўлиши шарт.

ИМни устав фондига қатнашчининг улуши сифатида киритиш имконияти «бул маблағлари ва бошқа моддий бойликлар, кимматли коғозлар, ер, сув, бошқа табиий ресурсларга эгалик килиш ҳукуки, шунингдек мулкий ҳукуклар (жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳукуклар) корхона қатнашчиси бадали бўлиши мумкин»лиги тўғрисидаги жумла билан қайд этилади.

Таъсис ҳужжатларида ИМни киритиш ва чиқаришига тегишли куйидаги қоидаларнинг ҳам кўзда тутилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

«Устав фондига киритилаётган ИМОга бўлган мулкий ҳукук қиймати корхона бошқаруви олий органининг қарори ёки мустакил баҳоловчининг хulosаси асосида белгиланади. Сўмлардэ баҳолангандан бадал қатнашувчининг устав фондидаги улушкини ташкил этади».

ИМни қатнашчининг улуши сифатида устав фондига киритиш ИМОнинг конуний эгаси (мулк эгаси) билан корхона ижроия органи раҳбари (директор) ўртасида лицензия шартномаси ёки шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Улар ёзма шаклда тузилиши ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгилангандан тартибда Давлат Патент ишорасида рўйхатга олинниши зарур. Рўйхатга олинмаган шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

ИМОнинг қонуний эгаси - қатнашчи корхона мувассислари таркибидан чиқиб кетаётган бўлса, шартнома (лицензия шартномаси) муддатидан олдин тўхтатилиши ва ИМнинг устав фондидан чиқариб олиниши ёки унда қолдирилиши ҳамда ҳисса пул маблағлари билан тўланиши мумкин. Бундай ҳолда қатнашчи - ИМОнинг қонуний эгаси қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- ўзининг шартнома (лицензия шартномаси) бўйича корхонага ўтказилган ҳуқуқларини корхонанинг бошка қатнашчиларига бериш;
- корхона бошқаруви олий органининг розилиги билан, ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга ўтказиш;
- корхонага текинга ўтказиш;
- ИМОни устав фондидан тўлиқ ёки қисман чиқариб олиш ва улардан корхона ишла чиқариш - хўжалик фаолиятида фойдаланишни тақиқлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўэза тутилгач бошка усуллар билан иш тутиш.

Таъсис ҳужжатларида ИМни киритиш, ундан фойдаланиш ва чиқаришга оид, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зиё бўлмаган бошқа усуллар назарда гутилган бўлиши мумкин.

### 3. ИМга бўлган мулкий ҳуқукларнинг берилishi ва ИМнинг ҳисса сифатида устав фондига киритилишини тақдиклайдиган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши.

Устав фондига кўшиладиган ҳисса сифатида ИМОдан фойдаланиш ҳукукини ҳужжатлар билан расмийлаштириш ИМнинг устав фондига кўшилган ҳисса сифатида тан олинишида мухимdir.

ИМОга алоҳида эгалик қилиш ҳуқуклари эгасига тегишли бўлган мулкий ҳуқуклар шартнома бўйича қонуний эгасига тўлиқ ўтказилиши ёки бошқа шахсга қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек улар мерос бўйича ва юридик шахс - қонуний эгаси қайта таъсилган вақтда ҳукукини қонуний эгаси қабул қилиши тартибида ўтказилади.

Шартнома бўйича ўтказиладиган алоҳида ҳуқуклар унда белтиланган бўлиши лозим. Шартномада бегоналаштириш сифатида кўрсатилмаган ҳуқуклар ўтказилмайдиган ҳуқуклар деб ҳисобланади.

Алоҳида ҳукукини ўтказиш кўрсатилган шартномага у амал қилаётган вақтда ҳукукини бошқа шахсга чесланган муддатга

Ўтказишида лицензия шартномаси тўғрисидаги қондалар кўлтанинилади.

Лицензия шартномасига мувофик, интеллектуал фаолият натижалари ёки индивидуаллаштириш воситаларига алоҳида хукукка эга бўлган томон (лицензиар) бошқа томон (лицензиат)га тегишли интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш хукукини беряди.

Лицензия шартномасида бериладиган хукуклар, чегараси ва фойдаланиш муддатлари белгиланган бўлиши керак. Лицензия шартномаси ҳақ эвазига тузилади.

Лицензия шартномаси лицензиатга кўйидаги хукуклар берилишини кўзда тутади:

- Интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш хукуки лицензиага ҳам сақланиб қолган ҳолда фойдаланиш ва лицензияни бошқа шахсларга беринш хукуки (оддий, алоҳида бўлмаган лицензия);

- интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш хукуки лицензиарда ҳам сақланиб қолган ҳолда, фойдаланиш, аммо бошқа шахсларга беринсан фойдаланиш (алоҳида лицензия);

- конунда йўл кўйиладиган бошқа турдаги лицензиялардан фойдаланиш хукуки.

Агар лицензия шартномасида бошқа тартиб назарма тутилмаган бўлса, лицензия одгич (алоҳида бўлмаган) лицензия деб хисобланади.

ИМОдан фойдаланиш хукукининг лицензиат томонидан бошқа шахсга берилиши тўғрисидаги шартнома сублицензия (кўшимча лицензия) шартномаси деб тан олинади. Лицензиат лицензия шартномасида кўзда тутилган ҳоллардагина сублицензия шартномасини тузиш хукукига эга.

Сублицензиат харакатлари учун лицензиар олдида лицензиат жавоб беради (агар лицензия шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса).

Ихтиро, саноат намунаси, фойдали моделлар, селёкция ютуклари, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базасидан фойдаланиш хукукларининг берилиши тўғрисидаги лицензия шартномаси мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Давлат Патент идорасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

Очилмаган маълумот, ноу-хау, конструкторлик-технология хужжатлари ва бошқа расмий жиҳатдан муҳофаза хужжатларига эга бўлмаган, интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш хукукининг берилishi тўғрисидаги шартнома

юридик шахе ёки лицензиар сифатида чиккан тадбиркорни рўйхатга олишни амалга оширишга давлат бошқарув органи томонидан кайд этилган (ЎзР.ФК, 863-модда) ёки белгиланган тартибдаги шартнома битими бўйича нотариал тасдиқланган гуваҳнома (ЎзР.ФК, 110-модда) олинган кундан бошлаб кучга киради.

Шу гарза рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар ёки гуваҳномалар ҳакиқий цеб хисобланмайди.

ИМОга бўлган мулкий хукукларни бериш ва уларни хисса сифагида устав фондида киритиш ИМОни қабул қилиш-топчириш тўғрисида тузилган актга имзо чекилган кундан бошлаб амалга оширилган хисобланади.

#### 4. ИМ қийматини баҳолаш ва қийматти оид ҳужжатларни расмийлаштириш.

Интеллектуал мулкдан устав фондида фойдаланиш хукуктари, бошка ҳар қандай мулк каби, пул хисобида баҳоланали ва «номоддий активлар» сифатида корхона балансида ҳисобга олиниди, чунки мулк эшлари сифатида ташкил этилган ва юридик шахслар бўлган хўжалик юритувчи жамиятдар ва ширкатлар, бошка корхона за ташкилотлар катнашчиларнинг уларга хисса ва бошка бадаллари сифатида берилган мулкка эгалик қилиш хукукини оладилар.

Шунга мувофиқ равишда корхона (юридик шахс) устав фондида ИМга эгалик қилиш, фойдаланиш ва гасарруф этиш хукукларини Узбекистон Республикаси конунчилди ва корхона таъсис ҳужжатларица белгиланган доирада олаци.

Амалиётда ИМни сотиги олиш (яратиш) қиймати ва ИМни корхонада ундан фойдаланиш даражасига етказиш учун зарур бўлган харажатлар микдорини акс эттирадиган қийматта оид ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш мухим аҳамиятга эгадир.

ЎзР.ФК 58-моддасига мувофиқ, хўжалик юритувчи жамият катнашчиси хиссасини пул хисобида баҳолаш жамият муассислари (катнашчилар) ўртасидаги келишув бўйича амалга оширилади, конунда кўзда тутилган холларда эса - мустакил экспертиза текшируви ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлар жамияти ва акциядорлар хукукини химоя қилиш тўғрисида»ги конуни 33-моддасига мувофиқ, жамият таъсис этилаётган вактда акциялар хақини тўлаш учун киритилаётган мулк (шунингдек бошка мулкий, хукукларни) пул хисобида баҳолаш таъсисчилар ўртасида тузиладиган шартнома бўйича амалга оширилади.

Агар шу тарзда сотиб олинадиган жамият акциялари ва бошқа кимматли қоғозларнинг номинал қиймати Конунчилликда белгиланган 200 та энг кам иш ҳаки микдоридан ортик бўлса, акцияларни тўљаш учун киритиладиган мулк мустаски (ҳолис) баҳоловчи (аудитор) томонидан пул ҳисобида баҳоланиши керак.

Жамият акциядорларга тегишли акцияларни сотиб олган гақдирда, мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун ҳолис баҳоловчини жалб этиш мажбурийдир (Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлар жамияти ва акциядорлар хукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни 46-моддаси).

ИМни баҳолашнинг мураккаблиги шундаки, баҳолашнинг «ягона универсал» усулини ишлаб чиқиш умуман мумкин эмас, чунки ИМ объектларининг ҳар бири пафакат ўзига хос, оригинал бўлиши (таърифи бўйича), ҳатто ИМнинг турли объектларидан ҳар хил корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятида амалда фойдаланиш шарт-шароитлари ҳам асосан турличадир. Шу боисдан ҳам одатда, амалиётда ИМ бозор қийматининг асослаб бериладиган хисоб-китоби бир вақтда бир неча усуллар воситасида олиб борилади.

Шу муносабат билан ИМни баҳолаш вақтида ҳар бир алоҳида олинган ҳолда ҳар бир конкрет объект учун ҳисоб-китобнинг алоҳида - якка тартибдаги усули ишлаб чиқиласи. Бундай усул конкрет объект бозор қийматига таъсир кўрсатадиган нарх ҳосил қиласидиган барча омилларнинг янада тўликрок ҳисобга олиннишига имкон бёради. Хусусан, объектни сотиб олиш ва яратиш учун илгари сарфланган харажатлар, бозор талаб ва таклифи (конъюнктураси) ҳамда ИМнинг корхонасига даромад келтириш имконияти ҳисобга олинади.

Масалан, товар белгилари қийматини аниқданаётган вақтда факат ишланма қиймати товар белгиларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланган харажатларгина эмас, балки реклама ва конкрет товар белгиси исътемолчилар орасида бевосити ёки билвосита шухрат қозониши ва миъум-машхур бўлиб кетишини шакллантириш учун таъсир кўрсатадиган ( фирманинг ижобий обрўсини яратадиган) бошқа омилларга ҳам кетадиган харажатлар ҳамда конкрет товар белгиларидан фойдаланадиган корхона оладиган қўшимча даромад микдори ошишига кўрсатадиган таъсири ҳисобга олинади.

ИМ қийматини баҳолаш ва қийматга оид ҳужжатларни расмийлаштириш ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 20 январда 301-ракам билан рўйхатга олинган «Чет эл

инвестициялари иштрокидаги корхоналар устав фондига ҳисса сифатида киритиладиган интеллектуал мулкни баҳолаш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

### **5. Бирламчи бухгалтерлик хужжатларини расмийлаштириш ва корхона балансидаги номоддий активлар сифатида ИМ хисобини юритиш.**

Бирламчи бўхгалтерлик хужжатларини расмийлаштириш ва корхона балансидаги ИМни номоддий активлар сифатида ҳисботини юритиш «Корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерлик ҳисобини юритиш ҳисоб-варакалар режаси. Ҳисоб варакалар режасини намунавий бухгалтерлик ўтк. змалари билан қўллашга доир тавсиялар: методик қўлланма»га мувофиқ амалга оширилади.

«Номоддий активлар» деган 04-ҳисобваракда корхона номоддий активлар таркибида ИМ объектларидан фойдаланиш хукуклари акс эттирилади.

ИМ объектлари «Номоддий активлар» деган 04-ҳисобваракда кўйила кўрсатилган объектлар учун бел. иланадиган бирламчи баҳода ҳисобга олинади:

- томонларинг колишуви билан муссислар томонидан корхона устав фондига кўшиладиган хиссалар;

- бу объектларни сотиб олиш ва уларни тайёр ҳолатга келтириш учун амалда сарфланган харажатлардан келиб чиқсан ҳолда бошқа корхоналар ва шахслардан ҳақ эвазинга сотиб олинган объектлар;

- бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган ва нархи эксперт йўли билан баҳоланганди объектлар.

Бунда ИМни сотиб олаётган корхона эгаларининг манфаатлари ҳамда ИМнинг дастлабки эгалари манфаатлариридан келиб чиқсан ҳолда, мазкур объектни яратиш ва ундан самарали фойдаланиш учун тайёрлашга кетгин харажатларнинг ўзинигина эмас; балки ундан корхона тадбиркорлик фаолиятича фойдаланилаётган вақтда аниқ фойда (даромад) келтиришини ҳам исобга оладиган, имкон қадар кўпроқ асослаб берилган ИМ ҳакиқий бозор кийматини аниглаш лозим.

ИМ бухгалтерлик ҳисобида корхонанинг бошқа «номоддий активлар»и қаторида ҳисобга олинади. Бунда устав фондига киритиладиган ИМ, «номоддий активлар»нинг бошқа объектлари каби, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисботида ҳар бир обьект бўйича алоҳида, уни сотиб олишга ҳамда ундан режалаштирилган максадларда фойдаланиш учун уни ярокли

бўлган даражага келтиришга сарфланган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, акс эттирилади.

ИМдан ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилаётган вақтда ИМнинг дастлабки қиймати улардан фойдаланиш учун белгиланган (аммо корхона фаолият кўрсатадиган вақтдан ортиқ бўлмаган) муддатдан келиб чиқкан ҳолда, корхонада белгиланган нормалар бўйича ишлаб чиқариш ёки амортизация харажатларига ўтказилади.

Самарали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган обьектлар бўйича эскириш нормалари беш йилга мўлжалланган ҳисоб-китобдин келиб чиқиб, белгиланади. Бунда эскирицни ҳисоблаш ИМдан самараоти фойдаланиш муддати давомида амалга ошириледи.

#### V. 4. Интеллектуал мулк обьектларини баҳолашга услубий ёндошувлар

*Таҳлилчинг кўрсатишича, гарчи интеллектуал мулк обьектларини баҳолаш усуслари оддий ва ҳаммабоп тушунчалар билан изоҳланса-да, шунең қарамай, уларни тўғри қўллаш учун билим, таффакур ва соғлом идроги таянган ҳолда котта ҳажмда тадқиқий ҳамда таҳлилий иш олиб бориш талаб қилинади. Шунинг учун қуйинда интеллектуал мулк обьектларини баҳолаш ва уларнинг бозор қийматини ҳисоблашида қўлланиладиган асосии услубий ёндошувлар қисқача келтирилган.*

Мынумки, интеллектуал мулк обьектлари көхонанинг номоддий активлари ҳисобланади. Куйнагилар номоддий активларининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланади: корхонага фойда келтириш олиш қобилияти; улардан фойдаланишдан олиш мумкин бўлган микдорларнинг сиртдан қараганда мавхум бўлиши; муайян вақт давомида фойдаланиш мумкинлиги (интеллектуал мулкнинг бা�ъзи обьектларига хос); молдий шаклининг мавжуд эмаслиги.

Номоддий активларга эгалик ҳукуки тундан иборатки, корхона ўзига тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектларига ўз ҳоҳишига биноан эгалик қиласади, улардан фойдаланади ва тасарруф этади. Номоддий активлардан ўзбекистон Республикасининг амалий қонунларида таъкидланмаган исталган хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун фойдалані тиши мумкин.

Интеллектуал мулк қийматини баҳолаш - харидор ва сотувчи бозор ҳамда олди-сотди обьектига доир барча мухим

омиллар тўғрисида хабардор ва иккаласи етърлича билимдон ва ўз иктисадий фойдасини ўйлаб иш олиб борувчи эканлигини фараз қылган ҳолда мулк обьекти рақобат бозорида сотилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлган кийматини белгилаш демакдир.

Интеллектуал мулк қийматини баҳолаш учун баҳоланиши керак бўлган интеллектуал мулк обьектларининг инвентаризация (ашёвий рўйхатга олиш) рўйхати тузилади. Интеллектуал мулк обьектлари (ИМО) кийматини баҳолашда уларни уч тоифага бўлиш мақсадга мувофиқдир:

1. Умумий ҳолда корхона ва индив'юм (корхона ходимлари)дан ажратилган ҳамда алоҳида-алоҳица баҳоланадиган номоддий активлар.

2. Корхонадан ажратиб бўлмайдиган (хизмат қилиш муддати аниқ бўлмаган ва амортизация қилинмайдиган) ва учинчи тоифадаги номоддий активлар билан биргаликда "тудвилл" сифатида баҳоланадиган номоддий активлар.

3. Индивидумдан, яъни корхона ходими бўлган жисмоний шаҳардан ажратиб бўлмайдиган (агар мугахассиснинг хизмат қилиш муддати йишка ёллаш тўғрисидаги контракт билан тартибга солинмаган бўлса, хизмат қилиншнинг белгитланган муддатлари мавжуд эмислиги билан хирактерланади) ва иккичи тоифадаги номоддий активлар билан биргаликда "тудвилл" сифатида баҳоланадиган номоддий активлар.

Юкогида айтилган тоифаларга мувофиқ интеллектуал мулкнинг қўйидағи обьектлари баҳоланиши мумкин:

1. Умумий ҳолда корхона ва инди шумдан ажратилсан ҳамда алоҳида-алоҳица баҳоланадиган номоддий активлар:

1.1 Ўзбекистон Республикаси патентлари ёки дастлабки патентлари билан тасдиқланган ихтиролар.

1.2 Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг гувоҳномаси билан тасдиқланган фойдали моделлар (курилмаларнинг конструктив бажарилиши).

1.3 Ўзбекистон Республикасининг патентлари ёки дастлабки патентлари билан тасдиқланган саноат намуналари.

1.4 Товар белгиси (ёки хизмат кўрсатиш белгиси), фирма номи, товарлар келиб чиқкан жой номи, улар гувоҳномалар ва бошқа патент хужжатлари билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Корхона ходимларидан ажратилмайдиган номоддий активлар:

Корхона ходимлари, хизматчилари ва раҳбариятининг жамоатчилари, мижозлар, шериклар ва хоказо ўртасида шахсий

обрў-иуфузи.

Мазкур индивидумларнинг шахсий маҳоратлари, шу жумладан уларнинг ноу-хаулари, тижоратга доир қобилиятлари, молиявий операциялар, шериклик муносабатларини йўлга кўйиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бозори таъаб-этиёжлари истиқболларини белгилаш, ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил этиш, маҳсулот номенклатураси ва ассортиментини кенгайтириш соҳасидаги истеъоди.

Корхона ходимлари ва раҳбариятининг манежмент, корхона ишини ташкил этиш, мижозлар ва шериктар билан муносабатлар, меҳнат жамоасидаги муносабатлари, умумий малакаси ҳамда шахсий хислатлари.

Корхонанинг номоддий активлари киймати таркибига иктисолий, ташкилий ва бошқа имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқлари киритилиши мумкин: уларга куйидагилар киради:

- бозорда монополия мавқедан фойдаланишдан олинадиган иктисолий фойдалар (ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш кўмитаси томонидан тақдим этилган ахборот асосида белгиланади);

- иктисолий ва бошқа имтиёзлардан (солик, божхона имтиёзлари, имтиёзли ижара ва бошқалар) фойдаланишга доир ҳуқуқлар.

Ҳисоб-китоб ишларига киришишдан олдин баҳолани объектларини аниклаб олиш зарур. Биз ИМО соҳиблари ва ушбу босқичда ИМОни баҳолаш билан шугууланаётган мутахассислар эътиборини яна бир марта шунга қаратмоқчимизки, биринчи навбатда нимани оаҳоланаётгани, баҳоланаётган мулк кимга тегишли эканъ, мазкур объект қандай мақсамга баҳоланаётгани, энг самарали ёки мавжуд фойдаланишдан келиб чиқиб айни қандай кийматни аниклаш, баҳолаш зарурлиги, ИМОдан хўжалик оборотида қачон фойдалана бошлангани ва бошқа масалаларни аник белгилаб олиниши лозим. Ушбу масалаларга ижобий ва батағсил жавоб олгандан кейингина баҳолашга киришиши мумкин.

**Интеллектуал мулк объектларини аниклаш қуйидагиларни тақозо этади:**

- интеллектуал мулк объектларининг ўзини аниклаш, яъни ИМО мавжудлиги фактини белгилаш;

- мавжуд интеллектуал мулк объектлари билан боелик ҳуқуқларни аниклаш (мутлақ ёки номутлақ ҳуқук, патент (гувоҳнома) ёки лицензия битими асосида, эгаликнинг юридик-

муддатӣ, ҳудуд ва ҳоказо):

- ИМОдан фойдаланиш мақсадлари, усуллари ва бошка муҳим фактларини аниқлаш (фойдаланиш ва кўллашдан даромад олиш фактини белгилаш ва бошқалар);

- Самарали фойдаланишнинг бошлапиш санаси ва баҳолашнинг самарали санасини иниқлаш;

- ИМО мавжудлиги, ундан фойдаланиш ва даромадлилик фактини белгилаш учун муҳим бўлган бошка маълумотларни аниқлаш ҳамда уларни таҳлил этиш.

- харажатлар баҳолаш санасидаги нархлар кўрсаткичи миқдорига тузатилади;

- интеллектуал мулк обьектлари амортизациясининг хисобланган миқдори белгиланиди;

- интеллектуал мулк обьектлари қиймати харажатларнинг тузатилган миқдори билан хисобланган амортизация ўртасидаги фарқи сифатида белгиланади.

"Барпо этиш қиймати", "Тиклаш харажатларини ҳисобга олиш" ва "Ўринни қоплаш харажатларини ҳисобга олиш" усуллари харажат усулларига киради.

"Барпо этиш қиймати" усули баҳоланаётган обьектни тиклаш қийматини белгилашга асосланган. Мазкур усул шаклланган бозорга эга бўлмаган ва бевосити баҳоланиши мумкин бўлган обьектларга (ихтиrolар, илмий-тадқикот, лойиҳалаш-технология ишланималари, махсус адрес рўйхатлари ва ҳоказо) нисбатан кўлланилади. Қиймат баҳоси учун активни барпо этишга зарур бўлган харажатлар суммаси қабул қилинади, бунда кўйилган сармоядан оқилона фойда олиниши ҳисобга олинади. Шуни эътиборга олиш лозимки, агар номоддий активнинг корхона фойдасига улуши уни барпо этиш харажатларидан ошиб кетмаса, мазкур актив туридан фойдаланиш шарт-шароитлари мавжуд эмаслигини билдиради. Актив муйайн фойдани таъминлаши керак. Шу сабабли ушбу усул ҳамма вазиятларга ҳам тўғри келавермайди ва баҳолашнинг бошка усулларини кўллаш имконияти бўлмагандагина ундан фойдаланиш даркор бўлади.

"Тиклаш харажатларини ҳисобга олиш" усули асосида интеллектуал мулк обьекти қийматини ўни тиклаш харажатларига айниятлаштириш ётади, башарти бундай тиклаш баҳоланаётган имкони тўлиқ кўчиришин такозо этса, фойдаланиш оқилона миқдори ҳисобга олиниди (агар албатта, ИМО характери бундай тиклашга йўл кўядиган бўлса).

Агар тиклаш пайтида сўз бошқача, лекин ана шундай

истеъмол хоссаларига эга бўлган ИМ обьектини барпо этиш тўгрисида борса, тикланган обьектни шартли равишда баҳоланаётган обьектга ўхаш деб ҳисоблаш мумкин бўлса, "ўринин қоплаш харажатларини ҳисобга олиш" усули кўлланилади.

Соғуяларни таҳлил этиш усули самарали фаолият кўрсатаётган бозор коидасига асосланган бўлса, бунда инвесторлар мустакил карорлар қабул килиб, ўхаш турдаги активларни харид қиласидар ва согадилар. Ўхаш битимларга доир маълумотлар интеллектуал мулкнинг баҳоланаётган обьектлари билан киёсланади.

Баҳоланаётган активларнинг танлаб олинган ўхаш активлар билан такқослангандаги иқтисодий афзулликлари ва камчиликлари тегишли тузатишиларни киритиш воситасида ҳисобга олинади. Бунда баҳоланаётган активлар билан уларiga ўхаш активлар ўртасидаги сифат тафовутларини ҳисобги оладиган тузатишилар киригилади.

## **V. 5. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК СОҲАСИДАГИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ЮРИДИК САВОДХОНЛИКНИ ТАҶОЗО ЭТАДИ**

Интеллектуал мулк обьектларига доир лицензия шартномаси нима? Уни тузишнинг қандай ўзига хос ҳусусиятлари бор? Тарафлар учун конун ҳужжатларида қандай ҳукуклар, мажбурийлар ва жавобгарлик назарда тутилган? Кўйида шулар ҳусусидаги фикр-мулоҳизаларга тўхтатиб ўтамиш.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1034-моддасига мувофиқ интеллектуал фаолият натижасига ёки ҳусусий аломатларни акс эттирувчи восиага нисбатан мулкий ҳукуклар эгасига ана шу интеллектуал мулк обьектидан ўз ҳоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлак фойдаланиш ҳукуки тегишли бўлади. Ҳукуқ эгасига мутлак ҳукуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк обьектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳукуқ эгасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк обьектига нисбатан мутлак ҳукуқ эгаси бу ҳукукни шартномага биноан бошқа шахсга тўлиқ ёки кисман ўтказиши мумкин.

Халқаро ва мамлакатимиз ҳукуқ амалиётида унга мувофиқ ихтиро ёки технологик билимлар, ишлаб чиқариш тажрибаси ва сирлари, товар белгиси ёки бошқа кўринишдаги интеллектуал мулк обьектларининг эгаси ўзининг контрагентига мазкур

объектларга ўз хукукларининг муайян доираларида фойдаланиш учун рухсат берилб, бунда улардан амалиётда конуний қўлланиш имкониятини таъминлаган шартнома лицензия шартномаси деб аталади.

Лицензия шартномасининг ҳаммабоп шакли мавжуд эмас. Унинг мазмунига лицензия предметининг хусусиятлари ва ўзига хос жihatлари, тармоқ конунчилиги меъёрлари, шунингдек, тарафларининг тутган йўллари ва бошқа омилилар жиддий даражада таъсири этади.

Лицензия шартномаси ёзма шаклида тузилади ва патент эгаси (лицензиар)нинг хукукларини бошқа жисмоний ёки юришик шахсга (лицензиат) бериш шартларини мустадкамландири. Хукукларни тўлиқ ёки кисман бериш; мутлақ ёки номутлақ лицензияни бериш; хукукий ворислик (масалан, мерос бўйича ёки юришик шахс - хукук эгаси кайта тазилганда) кўришишида амалга оширилиши мумкин. Лицензия шартномаси нудаик хисобланади.

Хукукларни бериш хукук эгасининг ҳимоялаш ҳужжати (масалан, ихтиро учун патентдан) пайдо бўладиган хукукни ёки ҳимоялаш ҳужжатини олиш хукукини тўлиқ ёки кисман бошқага бериш бўйича ихтиёрий ҳатти-харакатини англатади.

Хукукларни тўлиқ бериш ҳимоялаш ҳужжатининг бутун амал килиш фаолиятида амал қилади камда тўлиқ ва узил-кесил берилади.

Хукукларни клеман бериш ҳимоялаш ҳужжати бўйича хукуклар ёки уни олишга доир хукукларни ҳимоялаш ҳужжати амал қиладиган худуд, уйдан фойдаланиш, топшириладиган хукуклар мазмунни (масалан, патент бўйича маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки сотни), вакт бўйича чекланган даражада берилшини англатади. Хукукни бериш олди-сотди шартномаси шаклида амалга оширилади.

Лицензиятар берилётган хукукларининг ҳажмига боғлиқ ҳолса номутлақ (оддий) ва мутлақ лицензияларга бўлинади.

Номутлақ лицензияни беринга доир лицензия шартномаси лицензиага лицензия объектидан фойдаланиш хукукини беради, бунда лицензиарини мазкур объектдан фойдаланиш ва тасарруф этиш хукукини, шу жумлацан номутлақ лицензияни учинчи шахсларга бериш хукукини саклаб колади. Номутлақ лицензия чекланмаган микдорда берилishi мумкин.

Мутлақ лицензияни беринга доир лицензия шартномаси лицензия объектига (патент битан ҳимояланадиган ва ҳимояланмаспидан катый низар) нишбатан мутлақ хукукларни

(тасаррүф этиш ва фойдаланиш) шартномада белгиланадиган доирада бериш билан характерланади.

Шартнома бўйича бериладиган мутлак хукуктар унда аниқлаб берилиши керак. Шартномада бошқатарга бериладиган хукуклар сифатида кўрсатилмаган хукуклар берилмаган хукуклар деб фараз қилинади.

Мутлак ва номутлак лицензиялар куйинаги шартлар битан чекланishi мумкин:

- хукукларни бериш ҳудуди;
- фойдаланиш муддати;
- лицензияга асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулот міндори;
- фаолият тури (ишлаб чиқариш, сотишга таклиф қилиш, сотиш).

Бозор муносабатлари, одатда, улар иштирокчиларининг ўзлари учун муайян наф ва афзалликларни олишга табий ҳоқицлари билан бирга боради. Интеллектуал мулкнинг патентланган объектларини (яъни «Саноат мулки обьектларини») кўллашнинг энг таниш бўлган юридик жиҳати. Биринчидан, учинчи шахсларнинг ундан ҳар қандай йўл билан фойдаланишини таъкидаш ва иккинчидан, лицензия бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, сотишга бўлган мутлак қукуқ ҳамда, патентланган маҳсулот нархини якка бошқариш имконияти қисобланади. Щунинг учун патентлар билан химояланган интеллектуал мулк обьектлари бозор шароитида фойда ундириши жиҳатидан кўпчиликда жуда катта қизикиш ўйғотади.

Ҳар доим ҳам патент олинган (ёки олиш учун ариза берилган) интеллектуал мулк обьектидан фойдаланиш ҳукуки лицензия мавзуси бўлавермайди. Қандай ҳолларда лицензия патентсиз сотилиши мумкин? Илмий-техника фаолияти натижаларини баъзан техник моҳиятни ошкор қилишдан қочиш максадида атайлаб патентламайтилар, тохида ишлаб чиқариш тажрибасини умуман патентлаши мумкин эмас (улар патент бериш мезонларига жавоб бермайди).

Хукукларни бериш шартларининг жуда хилма-хиллигига карамай лицензия шартномалари муайян тузилишга эга ва куйидаги асосий бўлимлардан иборат бўлиши керак:

- шартномада фойдаланиладиган атамалирни таърифлаш;
- шартнома мавзууси;
- шартномани тузишга асос бўлган ҳужжатлар;
- маҳфийликни таъминлаш;
- тарафларнинг масъулияти;
- тўловлар ва ҳисобот;

- бериладиган хукуклар ҳимояси;
- рекчами;
- такомиллаштириш ва яхшилашлар;
- шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- низоларни ҳал қилиши;
- форс-мажор ҳолатлари;
- бошқа шартлар.

Лицензия шартларининг характеристи ҳусусияти - уларда «Атамалар таърифи» бўлимининг мавжудлиги ҳисобланади. Унда аҳдлашувчи томонлар икки хил талқин этишларидан қочиш макасидида шартномада фойдаланиладиган гушунчаларининг таърифи келтирилади. Лицензия шартномаларида одатда фойдаланиладиган типик атамалар: «лицензия бўйича маҳсулот», «худуд», «патент», «ноу-хау», «экспорт зонаси», «хисобот даври» ва бошқалар.

«Лицензия бўйича маҳсулот» деганда лицензиат томонидан шартнома шартларига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот тушунилади.

Маҳсулотниң ўзи эмас балки уни ишлаб чиқариш усуви лицензия обьекти бўлган холларда «технология жараёни» атамаси қулланилади.

Одатда лицензиатга лицензия обьектидан фойдаланиши хукуки бериладиган географик зона «хукукларниң амал қилиш худуди», деб номланади.

Лицензиат маҳсулотни ишлаб чиқариш хукукисиз уни фақат сотиш хукуқини оладиган худуд «экспорт зонаси», деб аталади.

«Патент» - патент эгасининг ўз интеллектуал фаолияти натижасига мутлак хукуқини тасдиқлайдиган ҳимоя ҳужжати.

«Ноу-хау» деганда лицензия бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур билимлар, тажриба, ишлаб чиқариш сирларига тушунилади.

«Хисобот даври» - лицензиатнинг шартнома шартларини бажаришга доир фаолият даври, у шартнома кучга кирген санадан (масалан, ой, чорак, йил) бошланади.

«Шартнома мавзууси» бўлимида лицензия обьектини бериладиган хукуклар ва ана шу хукукларни берилсининг барча зоссий шартлари кўрсатилади. Бунда лицензиатга сублицензияни сотиш хукуқини бериш ёки бермаслик ҳам кўрсатиб ўтилади.

«Хужжатлар» бўлимида техник хужжатларни тақдим этиш муддатлари ва жойи, нусхалар микдори, хужжатлар тили ва улар мувофиқ келиши лозим бўлган бошқа талаблар берилади. Техник хужжатлар ва бошқа материаллар топширигини тўғрисида лицензиар ва лицензиат имзо чеккан топширини ва қабул қилиш далолатномаси тузилади. Одатда сотувчи техник хужжатларни бериш ва ишлаб чиқаришни йўлга кўйинида ёрдам бериш (ўзи ёки бундай ёрдам кўреатиш учун мугахассисларни юбориш) мажбуриятини олади.

«Махфийликни таъминлаш» бўлимида лицензиат лицензиардан олинган хужжатлар, билимлар ва тажрибанинг сир сакланишини таъминлаш мажбуриятини олади. Лицензиат кужжатлар ва ахборотнинг тўлиқ, ёки қисман эълон қилинини ёки улар билан учинчى шахсларнинг лицензиар берган ёзма резиликсиз танишуви олдини олиш учун барча зарур чораларни кўради. Махфийликни саклаш мажбурияти лицензиарга ҳам тегиштирилди.

Агар лицензиат ёки унинг ходимлари кўреатилган хужжатлар ва ахборетдаги мавжуд маълумотларни эълон қилиб юбориша, лицензиат шу муносабат билан лицензиарга стказилган бевосита заарларни тўлаш мажбуриятини олади. Ана шундай масъулият лицензиар зиминасига ҳам юкланиши мумкин.

«Тарафларнинг масъулияти» бўлимига катта эътибор берилиши керак, чунки лицензиар ҳам, лицензиаг ҳам патент ҳуқуки, техник ва ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўз масъулиялари ва кафолатларни аниқ белгилаб олишлари шарт.

«Тўловлар ва ҳисобот» бўлимида лицензия бўйича тўлов микдори, уни тўлаш шартлари ва тўловлар валютаси белгиланади, улар бир галги тўлов, шунингдек, муайян вакт давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига доир белгиланган ставка ёки ажратмалар фойзи қўринишида бўлиши мумкин. Лицензия тўловининг микдорини аниқлаш аҳдигашувчи томонлар учун катта қийинчилик түғдиради. Тўлов микдорини белгилаш пайтида турли омиллар эътиборга олинади: лицензия объектидан фойдаланиш самараадорлиги қандай, лицензия бўйича маҳсулотни сотишдан қандай фойда олиш кутубланги ва шунга ўхшашлар. Лицензия нархини белгилашда учинчи шахслар - мустакил баҳоловчилар лицензия шартномасини тузувчи томонлар учун малакали ёрдам кўрсатишлари мумкин.

«Бериладиган ҳуқуклар ҳимояси» бўлимида лицензиар одатда лицензиянинг бутун амал қилиш муддати давомида патентларни куч билан қўллаб туриш мажбуриятини олади.

Лицензиар патентларни куч билан қўллаб туришни тўхтатиши мумкин бўлган вазиятни таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ҳолда у лицензиатни олдиндан хабардор қилиши шарт ва тарафлар ўз муносабатларини алоҳида шартнома ёки лицензия шартномасига қўшимча билан тартибга солишлари керак бўлади.

Учинчى шахсларнинг лицензиар патентлари билан ҳимоя қилингандан иктиролардан конунга зид равища фойдаланиш ҳоллари лицензиатга маълум бўлиб қолса, у бу ҳакда дарҳол лицензиарни хабардор қилиши шарт.

Лицензия обьектидан фойдаланиш жараёнида лицензиат лицензиарнинг иктиролаг'ини хорижда патентлашнинг, шунингдек, маҳсулот экспортининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хуносага келса шартномада лицензиарнинг асосланган манфаатларини хисобга олган ҳолда хорижда обьектни ҳуқукий ҳимоялаш шарти ва лицензия бўйича маҳсулотни экспорт қилиш масалалари кўтарилиши керак.

«Реклама» бўлимида лицензиат тегишли реклама материаларида, шунингдек, ўз корхонасида чиқарилаётган лицензия бўйича маҳсулотда ушбу маҳсулот лицензиар лицензияси бўйича ишлаб чиқарилаётганини кўрсатиш мажбуриятини олади.

Лицензия бўйича маҳсулот ишлаб чиқарни жараёнида лицензиат ёки лицензиарда лицензия бўйича маҳсулотни ёки лицензия обьектининг ўзини такомиллаштириш ва яхшилаш зарурати туғилиши мумкин. Мазкур ўзгартиришларнинг барча шартлари лицензия шартномасининг «Такомиллаштириш ва яхшилашлар» бўлимида кўрсатилиши керак. Ана шу такомиллаштириш ва яхшилашларни топшириш шартлари тарафлар томонидан қўшимча тарзда келишиб олиниши мумкин.

«Шартноманинг ҷамал қилиш муддати ва унинг бекор қилиш шартлари» масаласи лицензия шартномасини тузишнинг энг мухим масалаларидан биридир. Одатда агар лицензиат лицензия шартномасининг шартларидан бирор тасини бузса ёки қандай шир сабабларга биноан ўз фаолиятни тўхтатса, шартномани бекор қилиш кўзда тутилади.

«Низоларни ҳал этиш» бўлими одатда барча шартномаларда көйтирилати ва тарафти ўртасидаги

музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда низоларни ҳал этиш тартибини белгилайди. Арбитраж шакли, русум-коидалири ва жойини, шунингдек, қўлчаниладиган конунларни (худудида шартнома тузилган ёки арбитраж ўтказиладиган мамлакатнинг миллий қонун хужжатлари) белгилаш жуда муҳимдир.

Табий оғатлар, урушлар, сиёсий барқарорсизлик, ҳукумат қарорлари, давлат органлари фармойишлари ва шу сингари вазиятлар тарафларга ўз мажбурнятларини ўз муддатида бажаришда ҳалакит берилши мумкин, шунинг учун шартномада «Форс-мажор» ҳолатлари бўлими кўзда тутилади, унга мувофиқ енгиг бўлмас ҳолатлар бошланиб қолса, тарафлар бир-бирларини у ёки бу усул билан ҳабардор қилиштари шарт.

Лицензия шартномасининг матни одатда тузилган (имзоланган) жой, сана, нусхалер миқдори, вараклар миқдори ва матн тузилган тил кўрсатилган ҳолса туталданади, шундан сўнг аҳдлашувчи тарафларнинг юридик манзиллари, почта ва, банк реквизитлари келтирилади.

Юкорида санаб ўтилган бўлимларнинг ҳаммиси аҳдлашувчи тарафларнинг хошишига караб тўлдирилиши ва кенгайтирилиши мумкин.

Патент билан ҳимояланган интеллектуал фюолимт натижаларига доир лицензия шартномалари Давлат патент идорасида рўйхатга олинмаса ҳақиқий эмас деб хисобланади. Шартнома расмий рўйхатга олинган сана унинг кучга кириш муддати хисобланади. Очилмаган ахборот, ноу-хау, конструкторлик-технологик хужжатлар ва интеллектуал фаолият натижаларининг расмий ҳимоялаш хужжатларига эга бўлмаган бошқа объектлардан фойдаланишга доир хукукларни бериш тўғрисидаги шартнома, шартнома бўйича лицензиар сифатида майдонга чиқадиган хусусий тадбиркор ёки юридик шахсни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатта олинган пайтдан бошлаб (ЎзР Фуқаролик кодексининг 863-моддаси) ёки белгиланган тартибида битим нотариал тасдиqlанганидан сўнг (ЎзР ФК 110-моддаси) кучга киради.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда республикада Солиқ кодексининг 31-моддасига мувофиқ интеллектуал мулк объектларидан фойдаланишга доир даромад (фойда) солиги бўйича имтиёзлар амал киляпти, уларга бўлган хукуклар Патент идорасининг ҳимоялаш хужжатлари билан тасдиqlанган. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Фан ва техника давлат қўмитасининг “Саноат мулки объектларидан фойдаланиш

чогида юридик ва жисмоний шахсларни даромад (фойда) солигидан озод этиш ва мазкур даромад (фойда) солиги микдорини белгилаш тартиби тўғрисид"аги йўрикномаси амалга кирилган (Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 10 августда 471-сон билан рўйхатга олинган). Унга мувофиқ мазкур объектлардан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланганда, шунингдек, уларга лицензиялар сотганда улардан фойдаланила бошлаган санадан лицензиат ҳам, лицензиар ҳам ушбу объектлар келтирадиган фойда (фойцанинг бир кисми) даромад (фойда) солигини тўлашдан озод этишлари мумкин.

## **V. 6. ИТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА КОРХОНА БАЛАНСИДАГИ БОШҚА НОМОДДИЙ АКТИVLAR ХИСОБИНИ ЮРТИШ.**

Бухгалтерия хисобида интеллектуал мулк объектлари ва ташкилотга тегишли бошқа номоддий активлар тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия хисобида шакллантиришнинг методик асосларини баён этамиз. Бу методик асослар Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби юритилишини меъёрий тартибга солиш тизимига кўшимча вазифасини бажаради.

Кўйидағиларга нисбатан бухгалтерия хисоби ва хисобот масалалари четлаб ўтилган:

- бошқа ташкилотлар сотиб олинаётганда уларнинг ҳариц ва баҳоланган қийматлари ўргасидаги сумми фарки ("Гудвилл" деб атaluвчи сотиб олинаётган ташкилотлар амалий нуфуз);
- келгуси хисобот даврларида ишлаб чиқариш (муомала) чикимларига киритилиши керак бўлган хўжалик харажитлари (келгуси даврлар харажитлари);
- киска муддатли хукуклар ва имтиёзлар.

Хўжалик оборотида фойдаланиладиган интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлар тўғрисидаги ахборот бухгалтерия хисоби методологиясида мантикий, иқтисодий асосланган ва тушунарли шаклда бўлиши учун бухгалтерия хисоби хисобваракларидан номоддий активлар бўйича хисоб юритиш ва хисобот бериш тизимида фойдаланишинг асосий коидалари аниқ шакллантиришмоги зарур. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги вактда мавжуд меъёрий хужжатлар ҳамда методик материалларда интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активларни идентификациялаш, уларнинг келиб чиқиш усувлари ва корхона балансида хисобини юритиш, баҳолаш ҳамда амортизациялаш каби муҳим масалалар бир хилда талкин этилмаган. Шу боис бухгалтерия хисобига доир

мавжуд З0дан ортиқ Халқаро андоざлар орасида номоддий активлар бүйича ҳисоб юритиш ва ҳисобот берішга бағишиланган махсус мезъерий хужжатлар деярли учрамайды.

Күйидеги тавсифтарға мөс келадиган ҳәр қандай интеллектуал мулк объектлари бухгалтерия ҳисоби максадлари учун номоддий активлар деб ҳисобланыши мумкин:

а) моддий-ашёвий шакли йўқ ёки моддий-ашёвий шакли фойдаланиш учун етариғ ақамиятга эга бўлмаган ёки ҳадий-ашёвий шакли мезъерий-хуқуқий чеклацилар туғзашли мувайян кўрининиша эга бўлмаган объектлар;

б) маҳсулот ишлаб чиқарниша, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатниша ёхуд ташкилотни бошқариша фойдаланиш учун мўлжалланган объектлар;

в) узок вакт, яъни камидан бир календар йилидан ортиқ давр мобайнида фойдаланиш ниятида сотиб олинган объектлар;

г) нормал шаронтда қайта сотиб юборниш мўлжалланмаган объектлар.

«Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот тасдиқланган» (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 26 мартағи № 164 қарори билан тасдиқланган) 50-бандига мувоғиқ, корхона, мувассаса номоддий активлари таркиби ер, сув, бошқа табиий ресурслар, саноат объектлари ҳамда интеллектуал мулкдан фойдаланиш ва бошқа шунга ўхшаш хукуклар акс эттирилади. Бунда «саноат объектларидан фойдаланиш хукуклари» деганда нима назарда туғилиниши ҳамда «шунга ўхшаш бошқа хукуклар» деганда нима тушунилиши, аниқ таърифланмаган. Ватанимиздиги ва хорижий мамлакатлардаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи амалиётни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай хукукларга монопол хукуклар ва имтиёзлар, жумладан мувайян фаолият турлари учун лицензиялар, ташкилий ҳиражатлар, иктисадий, ташкилий ҳамда бошқа манфаатлардан фойдаланиш ҳукуклари ва бошқалар киритилиши мумкин.

Интеллектуал мулк объектлари ва ошаша номоддий активлар бухгалтерия ҳисобини юритиш максадлари учун кўйидагилар зарур:

▪ ташкилотда активнинг борлиги ҳамда бу ташкилот уйдан у ёки бу усулда (шартнома, патентлар, гулоҳномалар ва бошқалар) фойдаланиш хукукнга эгалигини тасдиқловчи хужжатлар бўлиши;

▪ актив ташкилот мулкдан ва бошқа активлардан ажратиб кўйилниши;

▪ у хизмат қиладиган муйян муддит, яъни интеллектуал мулк объектлари ҳамда бошқа номоддий активлардан фойдаланиш ташкилотга даромад келтирадиган давр белгилиб қўйилиши.

Номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида алоҳида объект ҳисобланади. Махсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсагишида ёхуд ташкилотни бошқариши муйян вазифаларни бажариш учун мўлжалланган номоддий актив бухгалтерлик ҳисоботи обьекти ҳисобланади.

Номоддий активлар баҳоланаётганда қўйидагиларни аниклаб олиш умумий тарзда қабул килинган:

- сотиб олиш манбай;
- активлар тури;
- унинг фойдаланиш жараёнидаги роли ва ўрни.

Шу ёндашувларга таяниб, бухгалтерия ҳисобида қўйидагилар фарқланади;

- дастлабки қиймат;
- шартномавий қиймат;
- экспертиза баҳоси.

Номоддий активлар қўйидагиларга кўра бухгалтерия ҳисобига қабул қилинади:

а) ўз ишлаб чиқарнишиди фойдаланиш учун бирпю этилганда дастлабки қиймат бўйича;

б) устия фондига муассислар қўшган улуш суммасига кўра шартномавий қиймат бўйича;

в) бошқа корхоналар ва шахслардан ҳак эвазига сотиб олинган қиймат бўйича;

г) бошқа корхоналар ва шахслардан бепул исосди олинганда экспертлар берган баҳо бўйича.

Тўланган қўшилган қиймат солиги ва бошқа ўрни тўлдириладиган соликлардан ташқари маъкур обьектни барпо этиш учун амалда килинган барча ҳаражатлар суммаси номоддий активларни яратишнинг дастлабки қиймати ҳисобланади.

Қўйидагилар номоддий активларни бирпю этиш ҳамда фойдаланиш учун уларни тайёр ҳолатга келтиришга килинган амалдаги ҳаражатлар ҳисобланиши мумкин:

- яратувчилерга тўланган ҳақлар;
- ихтисослаштирилган ташкилотларга аҳборот ва маслаҳат хизматлари учун, шунингдек номоддий активларни барпо этиш ҳамда шай ҳолатга келтириш давомида ишлари ва хизматларидан фойдаланилган чет ташкилотларга тўланган суммалар;

▪ интеллектуал мулк объектлари хукукӣ ҳимоялананинти таъминлаш муносабати бўян тўланган рўйхатга олиш йигимлари, божлар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

- урни копланмайдиган соликлар;

▪ номоддий активларни барпо этиш ҳамда шай ҳолатга келтирици билан бевосита боғлик бўлгән бошқа ҳаражатлар.

Умумхўжалик ҳамда бошқа шунга ўхшаш ҳаражатлар номоддий активларни сотиб олиншига қилинган амалдаги ҳаражатларга қўшилмайди. Факат активларни сотиб олиш билан бевосита боғлик бўлган чиқимлар бундан мустасно.

Корхона устав фондига кўйнамалар ҳисобига киритилиган номоддий активлар дастлабки қиймати сифатида корхона мусенслари (иштирокчилари) билан келишилган қиймат тан олинади. Конунгларда бошқа ҳолат кўзда тутилган, ҳоллар бундан мустасно.

Бозор нархлари асосида баҳоланганд қиймат ташкилот томонидан бепул олинган чомоидий активларниң дастлабки қиймати ҳисобланади.

Кўйидагилар гул маблағлари, акциялар ва бошқа қимматли ҳогоzlардан фарқ қилувчи ўзгача мулк эвазига сотиб олинган номоддий активларниң дастлабки қиймати деб тан олинади:

- айирбошланаётган мулкнинг бозор нархлари асосида баҳоланганд қиймати;
- номоддий активларниң бозор нархлари асосида баҳоланин қиймати;
- айирбошланаётган мулкнинг колдик қиймати.

Ташкилот чиқарган акциялар ёки бошқа қимматли ҳогоzlар эвазига сотиб олинган номоддий активларниң дастлабки қиймати сифатида айирбошланаётган қимматли ҳогоzlарнинг бозор қийматига генг сумма ёки номоддий активларниң бозор нархлари асосида баҳоланганд қиймати тан олинади.

Номоддий активларниң улар бухгалтерия ҳисобиги қабул қилиниши учун асос бўлган қиймати конунда кўзда тутилганидан ташқари ҳолларда ўзгартирилмаслиги лозим.

Интеллектуал мулк объектларини ва бошқа номоддий активларни балансга киритиш учун Қабул қилиш далолатномаси асос бўлиши лозим. Бундай далолатнома шакли корхона (ёки битим субъектлари) томонидан мустақил равишда белгиланиши ва унда қўйидаги реквизитлар бўлиши керак: ҳужжат номи; у тутилган сана; ҳужжат қайси гашкилот(лар) номидан тутилган

бўлса, шу ташкилот(лар) номи; хўжалик операциясининг мазмуни; хўжалик операциясининг натурал ва пул кўринишидаги ўлчовлари; хўжалик операцияси бажарилиши ва у тўгри расмийлаштирилиши учун масъул мансабдор шахсларнинг исми-шарифи; мазкур шахсларнинг имзолари ва бошқалар. Шуни тиъкидлаб ўтиш лозимки, пул маблағлари билан ўтказиладиган хўжалик операциялари расмийлаштирилишида фойдаланиладиган хужжатларга ташкилот раҳбари ва бош бухгалтери ёки улар шундай ваколат берган шахслар имзо чекади.

Ўз юридик шаклига, иктисадий табнатига, кандай аниқ мақсадларда фойдаланилишига қараб, корхона сотиб олган номоддий активлар таркибида ҳисобга олиниши керак бўлган чителектуал мулк обьектлари ва бошқа ҳукуклар қиймати сотувчиларнинг пули тўланган ёки кирим килиниб, ҳисобга олинганидан кейин тўловга қабул қилинган тўловномалирига мувофик, 08-«Капитал қўйилмалар» ҳисобваракда акс эттирилади. Афсуски, Узбекистон Республикасида амал қилаётган «Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ҳисобвирақлари режаси»да бу операцияни бухгалтерия ҳисобида қайд этиш учун 08-«Капитал қўйилмасъ» ҳисобварак таркибида «Номоддий активлар сотиб олиниши» илова ҳисобвараги бўлиши кўзда тутилмаган. Бундай вазиятларда корхоналарга ўз бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида «Номоддий активлар сотиб олиниши» дегин илова ҳисобвараги очиш тавсия этилади. Унда номоддий активлар келиб гушиши дебет бўйича акс эттирилади. Кредит қисмида эса ушбу операция 60-«Товар етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобваракдан ҳамда 76-«Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобваракдан фойдаланиб акс эттирилади.

08-«Капитал қўйилмалар» ҳисобваракдан номоддий активларнинг дастлабки қийматини ҳисоб килишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бу дастлабки қиймат сотиб олиш қийматидангина эмас, сотиб олинаётган номоддий активларни мўлжалланган мақсадларде фойдаланишга ҷроқли ҳолатга келтириш учун зарур қўшимча харажатлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Объект фойдаланиш учун шай ҳолатга келтирилганидан кейин у Қабул қилиш далолатномаси асосида номоддий активлар таркибига киритилади. Бу ҳолат бухгалтерия ҳисобида куйидаги ёзув билан қайд этилади. 04-Номоддий

активлар хисобварак дебети, 08-«Капитал кўйитмалар» хисобварак кредити.

Эди номоддий активлар билан операциялар ўтказилётганда амалиётда энг кўп учрайдиган вазиятларни корхоналарнинг бухгалтерия хисобида қайл этиш тартибини кўриб чиқамиз.

Ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун барпо этилган ёки бошқа корхоналардан ва шахслардин ҳақ зазига сотиб олинган номоддий активлар кирими 04-«Номоддий активлар» хисобварак дебети ва пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар, яъни хисоб-китоб, валюта ёхуд банкдаги бошқа маҳсус хисобвараклар (50-«Касса» хисобварак, 51-«Хисоб-китоб хисобвараги» хисобварак ва 52-«Валюта хисобвараги» хисобварак) кредитида қайд этилади.

Муассислар бидал сифатида устав фондига кириттан ёки акцияларга обуна даки сифатида тўлаган номоддий активлар кирими 04-«Номоддий активлар» хисобварак дебетида ҳамда 75-«Муассислар билан хисоб-китоблър» хисобварак кредитида акс этирилади.

Бошқа корхоналар ва шахслардин бепул олинган номоддий активлар кирими 04-«Номоддий активлар» хисобваракда 80-«Кўрилган фойда ва зарир» хисобварак билан алоказорликда (Давлат корхоналари учун - 85-хисобварак) қайд этилади.

Сотиб олинган хусусийлаштирилган корхона туркибидаги номоддий активлар киймати (эскирмаган) 04-«Номоддий активлар» хисобварак дебетида ва 85-«Устав сармояси» хисобварак кредитида хисоб юритиш учун қабул килинади.

Корхона ва ташкилотлар давлат тасаруфидан чиқарилиши ҳамда хусусийлаштирилиши, мулкчиликнинг турли шакллариғи мансуб янги корхоналар ташкил этилиши муносабати билан устав фонди шакллантирилётганда, шу жумладан интеллектуал мулк кўрингышидаги улуш киритилётганда бундай турдаги бадалларни корхона балансида хисобга олиш юзасидан кўпинча саволлар туғилади. Юкорида таъкидлаганимиздек, устав фондига улуш қўшиш натижасид. корхона ихтиёрия ўтган номоддий активлар бухгалтерия хисобида 04-«Номоддий активлар» хисобварак дебети ва 75-«Муассислар билан хисоб-китоблар» хисобварак кредити бўйича қайд этилади. Бундай ҳолларда корхонанинг эълон килинган устав фонди ҳажми 75-хисобваракнинг дебети ҳамда

85-«Устав фондн» деган ҳисобварақнинг кредит қисмига ёзib кўйилади.

Таъсис хужжатларида интеллектуал мулк ва бошқа номоддий активлар устав фондига киритилиши мумкинлиги ёзб кўйилгани бу объектларни корхона балансига кўшиш учун етарли асос бўла олмайди. Таъсис хужжатлари муассисларнинг корхона устав фондига ўз интеллектуал мулк объектлари ва бонка номоддий активларини улуш сифатида кўшиш имконияти борасидаги ҳукукларини мустаҳкамлайди холос. Бундай холларда шундай объектларни бухгалтерия ҳисобига кўшиш учун, таъсис хужжатлари билан бир категорда ёзма равишда гузилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган Лицензия бигими (шартномаси) ва Қабул қилиш далолатномаси асос бўлади. Булар интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлар кўрганишидаги улуш устав фондига кўшилиши фактини тасдиқловчи хужжат ҳисобланади.

I-мисодни кўржб чиқаётлик П1 корхонаси ўз товар белгисини ишлаб чиқди. Бу ишга у Р1 корхонасини жалб этди. П1 корхонасининг товар белгиси ишлаб чиқишига доир ҳаражатлари (Р1 корхона хизматлар ҳаки) 57,0 минг сўмсан обораг кўшилтган қиймат солигини ҳам бирга ҳисобланганда 373,0 минг сўмни ташкил этди. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, тувоҳномани бериш ҳамда уни ўз кучида сяклаб туриш чиқимлари 15,0 минг сўмни ташкил этди. Мавлум вакт ўтгач П1 корхонаси масъулияти чекінгандан жамият шаклида рўйхатга олинган. П2 корхонасининг муассисларидан бирига айтаниб. П2 корхонаси устав фондига товар белгисидан фойдалиниш ҳукуқини бериш йўли билан ўз улушини кўшди. Товар белгисининг баҳолангани ва муассислар ўртасида келишилган қиймати 36000,0 минг сўмни ташкил этади.

Хўжалик операциялари ҳар икки корхона балансларида кўйилаги тарзда якс эттирилади:

#### P1 корхонаси

08-ҳ/в дебети, 76-ҳ/в кредити - 316 минг сўм - узоқ муддатли инвестицияр;

19-ҳ/в дебети, 76-ҳ/в кредити - 57 минг сўм - кўшилган қиймат солиги;

76-ҳ/в дебети, 51-ҳ/в кредити - 373 минг сўм - Р1 корхонаси хизматлари қиймати тўланган;

68-ҳ/в дебети, 19-ҳ/в кредити - 57 минг сўм - кўшилган қиймат учун тўланган соник суммаси ҳисобига олинди;

76-х/в дебети, 51-х/в кредити - 5 минг сўм - гувоҳномани рўйхатдан ўтказиш, бериш ҳамда товар белгиси кучини саклаб турниш учун йигимлар тўланган;

08-х/в дебети, 76- х/в кредити -15 минг сўм - узок муддатли инвестициялар;

04-х/в дебети, 08-х/в кредити - 358 минг сўм - товар белгиси номоддий активлар таркибига киритилди .

П1 корхонси П2 корхонасининг устав фондига ўз улушини киритганишан кейин ҳам ўз ишлаб чиқариш · хўжалик фаолиятида ўша товар белгисидан фойдаланишда давом этлаётганилиги туфайли (лицензия), П1 корхонасининг бухгалтерия ҳисобидә куйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

06-х/в дебети, 80-х/в кредити-36000,0 минг сўм - П2 корхонаси устав фондига узок муддатли молиявий қўйилмалар .

П2 корхонаси

04-х/в дебети, 80-х/в кредити - 36000,0 минг сўм - товар белгисидан фойдаланиш ҳукуки қиймати.

2-мисод. Агар П1 корхонаси П2 корхонасининг устав фондига улуш қўшაётганиша товар белгисидан фойдаланиш ҳукукидан маҳрум бўлса (тўлик лицензия), унинг бухгалтерия ҳисобида куйидати бухгалтерия ёзувлари қайд этилиши керак:

П1 корхонаси

48-х/в дебети, 04-х/в кредити - 358,0 минг сўм товар белгисининг дастлабки қийматини ҳисобдан чиқариш;

06-х/в дебети, 48- х/в кредити - 36000,0 минг сўм - товар белгисининг баҳолангандан ва келишилгэн қиймати;

48-х/в ҷебети, 80-х/в кредити 35642,0 минг сўм - молиявий натижা.

П2 корхонаси

04-х/в дебети, 80-х/в кредити 36000,0 минг сўм - товар белгисидан фойдаланиш ҳукуки қиймати.

Номоддий активлар бўйича амортизация ёзиш ва ҳисобини юритиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот тўғрисида низом» билан тартибига солинади. Бу ҳужжатга мувофиқ «Номоддий активлар ҳисоб юритиш ҳужжатлари ва ҳисботларда уларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар суммасида қайд этилади ҳамда ўз дастлабки қийматини ишлаб чиқариш ёки муомала чиқим. зрига корхонада улардан фойдаланиш муддатлари асосида белгиланган меъёрлар бўйича ўтказади».

«Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакттандириш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқтандган».

Номоддий активлар эскириши корхона уларнинг дастлабки қиймати ва фойдали ишлатиш муддати асосида хисоблаб чиқсан месъёрлар бўйича ҳар ойда махсулот (ишлар, хизматлар) танинархига кўшилади. Фойдали ишлатиш муддатини белгизашининг имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш месъёрлари беш йил муддатга белгиланади (лекин бу муддат корхона фаолият олиб борадиган муддатдан ошмаслиги лозим).

Номоддий активлар қиймати амортизация воситасида сўндирилтиди. Истеъмол хусусиятлари вакт ўтиши билан ўзгариб борадиган номоддий активлар амортизация килинмаслиги лозим. Бундай активларга ташкилий харажатлар, товар белгичари ва хизмат кўрсатиш белгилари киради.

Бухгалтерия хисобига кабул килинган номоддий активлар амортизация ажратмалари бир маромда кўшиб бориш йўли билан амалга оширилтиди. Номоддий активлар обьекти хизмат киладиган муддат мобайнича амортизация ажратмаларини ёзиш тўхтатиб гурилмайди. Факат ташкилот консервацияланадиган холаттар бундан мустасно. Амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси номоддий активлар обьектининг дастлабки қийматидан ҳамда шу обьект хизмат киладиган муддатдан келиб чиқиб белгиланади. Йил давомида номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари ҳар ойда йиллик сумманинг 1/12 кисеми микдорида кўшиб борилади.

Мавсумий ишлаб чиқариш шаронтида номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси ташкилот хисобот йилида ишлайдиган давр мобайнида қўшиб борилади.

Номоддий активлар обьекти хизмат киладиган муддат бу обьект бухгалтерия хисобига қабул килинаётганда экспертизадан ўтказиш йўли билан белгиланади. Номоддий активлар обьекти хизмат киладиган муддат куйидагилар асосида белгиланади:

- шу обьектдан фойдаланиш мўлжалланаётган муддат;
- шу обьектдан фойдаланиш муддатини чекловчи месъёрий-хукукий ва бошқа хужжатлар.

Номоддий активлар объекти хизмат қиладиган муддат ташкилот фаолият олиб борадиган вақтдан ошмаслиги керак.

Агар номоддий активлар объекти хизмат қиладиган муддатни белгилаш қийин бўлса ёки имконияти бўлмаса, бу муддат беш йилга тенг деб қабул қилинади, лекин бу муддат ташкилот фаолият олиб борадиган вақтдан ошиб кетмаслиги лозим.

Номоддий активлар объекти бўйича амортизация ажратмалари бу объект бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлианди.

Номоддий активлар объекти бўйича ажратмалар мазкур объект қиймати тўлиқ сўндирилган ёки бу объект бухгалтерия балансидан чиқарилган ойдан кейинги биринчи ойдан тўхтатилади.

Номоддий активлар объекти бўйича амортизация ажратмалари улар ёзилган ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига акс эттирилади.

Номоддий активларга таалукли алоҳида объектлар бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида тегиши суммаларни жамлаш ёки объектларнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли билан қайд этилади.

Номоддий активлар эскириши юзасидан ёзилгин сумма ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чикимлариг) ҳисобини юритиш ҳисобвараклари дебетига ҳамда 05-«Номоддий активлар амортизацияси» ҳисобварак кредитига киритилади.

Тегишилича асосий ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқаришларда, умумишилаб чиқариш ва умумхўжалик эҳтиёжларида, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда фойдаланиладиган номоддий активлар объектлари бўйича ёзилган амортизация ажратмалари 20-«Асосий ишлаб чиқариш» ҳисобварак, 23-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» ҳисобварак, 25-«Умумишилаб чиқариш харажатлари» ҳисобварак, 26-«Давр харажатлари» ҳисобварак, 29-«Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар» ҳисобвараклар дебетига 05-ҳисобварак кредити билан боғликликда киритилади.

Келгуси давларга таалукли номоддий активлар объектлари бўйича ёзилган амортизация ажратмалари 31-«Келгуси давлар харажатлари» ҳисобварак дебети ва 05-ҳисобварак кредитига акс эттирилади.

Махсулот сотиш жараёни юзасидан хизмат кўрсатувчи, шунингдек савдо фаолиятида фойдаланиладиган номоддий активлар объектлари бўйича ёзилган амортизация 26-«Давр

харажатлари» хисобварак дебети билан 05-хисобварак кредитига ўзаро боғлиқликда қайд этилади.

Агар номоддий активлар объектларининг қайсијариdir бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида уларнинг дастлабки кийматини камайтириш йўли билан қайд этилса, у холда шу киймат тўлиқ сундирилганидан кейин мазкур объектлар бухгалтерия ҳисобида ҳар бир объект учун шартли нархда (1 сўм) акс этирилади ёки балансдан ташкари ҳисобга киритилади.

Махсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки ташкилотни бошқариш жараёнида фойдаланилмайдиган номоддий активлар объектлари киймати бухгалтерия балансидан чиқарилиши керак.

Агар номоддий активларга таалукли қайсиdir объектлар бўйича амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисобида тегишли суммаларни жамғариш йўли билан қайд этилса, унда бу объектлар киймати бухгалтерия балансидан чиқарилиши билан бир вақтда жамғарилган амортизация ажратмалари суммаси ҳам бухгалтерия балансидан ўчирилади.

Номоддий активлар объектлари чиқиб кетаётганда (сотиш, ҳисобдан чиқариш, бепул бериб юбориш ва доказо). Амортизация суммалари ҳисобдан чиқарилиши 05-хисобварак дебетида ва 48-«Бошқа активлар сотилинин» хисобвириж кредитига ўзаро боғлиқликда қайд этилади.

Агар номоддий активлар обьекти сотилаётган бўлса, тушум олди-сотди шартномасида иштирок этувчи томонлар келишилган суммада бухгалтерия ҳисобида қабул қилинади.

Номоддий активлар обьектлари бухгалтерия балансидан чиқарилиши натижасида олинган даромад ва кўрилган зарарлар улар аниқланган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисобида акс этирилади.

Номоддий активлар обьектлари бухгалтерия балансидан чиқарилиши натижасида олинган даромад ва кўрилган зарарлар тегишлича ташкилот олган фойда ёки кўрган зарар таркибига киритилиши лозим.

Ташкилот бошқа ташкилотларга берган, лекин биринчи ташкилот унга доир барча мулкдорлик хукукларини саклаб қолган номоддий активлар бухгалтерия балансидан чиқарилимайди.

Бухгалтерия ҳисоботида ҳисоб юритиш ва ташкил этиш тўғрисидаги ахборот таркибида камидаги маълумотлар бўлиши лозим:

\* бошқа мулк эвазига сотиб олинган номоддий активларни баҳолаш усуллари түгрисида;

\* номоддий активлар бухгалтерия хисобига кабул килинаётганда ясосланилган қийматдаги барча ўзгаришлар түгрисида;

\* қиймати сўндирилмайдиган номоддий активлар объектларни түгрисида;

\* ташкилотда номоддий активлар хизмат килиши бўйича кабул килинган муддатлар түгрисида;

\* номоддий активларнинг айрим объектлари бўйича амортизация ажратмалари булгальтерия хисобида акс эттирилиши усули хақида.

Шундай килиб, интеллектуал мулкни тижорат оборотига киритиш учун аввало у хисобга олдиши зарур. Факат интеллектуал мулк ва бошқа номоддий активлар корхона балансида акс эттирилгандагина Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунларида интеллектуал фаолият субъектлари учун берилган солик имтиёзларидан фойдаланиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
2. И.А. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
3. И.А. Каримов. Истиклол йўли: муаммолар ва режалар. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
4. И.А. Каримов. Янги уй курмай турниб, эскисини бузманг. Тошкент «Ўзбекистон» 1993.
5. И.А. Каримов. Ижобий ишларимизни охирина етказайлар. Тошкент «Ўзбекистон» 1994.
6. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент «Ўзбекистон» 1995.
7. И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллӣ истиклол, иқтисод, сиёсат, мағкура. I том. Тошкент «Ўзбекистон» 1996.
8. И.А. Каримов. Биздан озод ва обод ВАТАН қолсин. 2 том. Тошкент «Ўзбекистон» 1996.
9. И.А. Каримов. ВАТАН саждагоҳ каби мұқаддасдир. 3 том. Тошкент «Ўзбекистон» 1996.
10. И.А. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4 том. Тошкент «Ўзбекистон» 1996.
11. И.А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чукурлаштиришининг мухим вазифалари. Тошкент «Ўзбекистон» 1996.
12. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент «Ўзбекистон» 1997.
13. Э.Х. Халилов. Ижтимоий турмушда хукукий онгнинг ўрни. Тошкент «Ўзбекистон» 1997.
14. Ўзбекистон республикасининг конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон» 1992.
15. Б. Алиев. Аҳлоқ - жамият кўрки. «Маърифат». 8.02.95.
16. О. Ахмедов. Маркетинг стратегияси. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси №1. 1998.
17. А. Азаров, Ш. Шайнаев. Аудит ва бизнес. Иқтисод ва ҳисобот. № 7-8, 1994.

18. Х. Абулқосимов. Брокерлик ўдораси. Ҳаёт ва иқтисод. №5. 1992.
19. С. Агзамходжаев. Все решает менеджмент. Народное слово. 5.07.1995.
20. О. Ата-Мирзаев, В. Гентшке, Р. Муртазаева. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Ташкент. Издательство медицинской литературы им. Абу Али Ибн Сино. 1998.
21. В. Афанасьев Малый бизнес: проблемы становления // Российский экономический журнал - 1993. - №2.- С. 59-66.
22. Л.К. Аверченко Уроки психолога для менеджера // ЭКО - 1993. -№7.- С. 201-21'.
23. Б.В. Бирюков Кибернетика и методология науки М. 1974.
24. С. Бейман, М. Алимова. Янги шароитда раҳбарнинг ўрни. Иқтисод ва хисобот №1-2. 1994.
25. А. Борзенко Dell корпорацияси. Компьютер Пресс. № 9, 1993.
26. Виленский А. Государственная политика Японии по отношению к малым и средним предприятиям // ЭКО - 1992 - С. 135-142.
27. Виктор ПЕКЕЛИС. Маленькая энциклопедия о большой кибернетике. Москва изд. «Детская литература» 1970.
28. С. Гуломов, А. Раззоқов. «Осиё йўлбарси» Ҳалқ сўзи 27.04.95.
29. Ш.Р. Гафуров., А.Г. Безбородов., Т.Х. Ҳусанов., Р.А. Ҳалбаев Процесс акционирования и инвестиционная деятельность. Ташкент. Информационно-рекламный издательский центр «ИРИЦ» 1995.
30. Гражданское, торговое и семейное право капиталистических стран (Сборник нормативных актов) Москва. Издательство Университета дружбы народов 1989.
31. Т. Дониёров, И. Суюнов. Фан ислоҳоти. Иқтисод ва хисобот №1-2 1994.
32. Дейл Корнеги. Қандай килиб дўстлар орттириш ва одамларга таъсир ўтказиш мумкинлиги хусусида.
33. В. Дмитриев Развитие малого предпринимательства в Узбекистане // Налоговые и таможенные вести. - 1995. - №34.

34. Э. Ёскин. Менеджер - маркетолог, архитектор. Народное слово 21.12.93.
35. Евстафьев Н., Николаев М. Малые предприятия: организация, функционирование, эффективность // экономические науки. - 1991. - № 11-С. 109-115.
36. Ж. Жалолов. Туркия тажрибаси. Иқтисод ва ҳисобот №7-8, 1994.
37. А. Жалолов. Хитой ислоҳоти мевалари. Ўзбекистон овози. 28 июн 1994.
38. С. Жабборов. Айрекс берган имконият. Ҳалқ сўзи 17.10.1995.
39. З. Жўрасев. Бозор иқтисоди тежамкорлик демакдир. Иқтисод ва ҳисобот №7-8, 1994.
40. Илҳом Иброҳим ўғли. Шарнат ва тижорат. Иқтисод ва ҳисобот №3 1995.
41. Г. Искандарова. Фан - ҳалқаро ҳамкорлик донрасида. Савдогар 01.09.96.
42. Интервью генерального директора агентства Б. Мусабекова. Бизнес - вестник Восток №18 (330) от 30 апреля 1999г.
43. Б. Исмаилов, Н. Мўминов. Автоматизированная система научно-технической информации Республике Узбекистан. Информационные ресурсы России. №4. 1997.
44. Интеллектуальный потенциал Республики Узбекистан. Ответственный за выпуск Н.А. Муминов. Ташкент. Отпечатано в типографии ГҶЧТИ 1996.
45. Кремянский И. Методологические проблемы системного подхода к информации. М. Наука, 1977.
46. Коган В.З., Уханов В.А. Человек: информация, потребность, деятельность. Томск: Издательство Том. Университета, 1991.
47. Кибернетика. Перспективы развития Изд. «Наука» Москва 1981.
48. Р.Каримов. Санация - корхонани «даволаш» услубидир. Ҳалқ сўзи. 11.03.98.
49. Ф. Котлер. Основы маркетинга. // Новосибирск, - 1992.
50. А.Кудашев. Государственные руководители и менеджеры - предприниматели: сравнение черт личности // Проблемы теории и практики управления. - 1996.- №4. - с. 64-67.

51. Конфликтная ситуация // Бизнес.- 1992.- №4.- С. 44.
52. Как научится управлять конфликтом // Бизнес.- 1992.- №5.- С.44.
53. Как подобрать кадры, которые бы «решали все» // ЭКО.- 1993.- №7.- С.193.
54. X. Мамажонов, О. Пахоменко. Интеллектуал мулк ва корхона балансидаги бошқа номоддий активлар ҳисобини юритиш. Банк ахборотномаси №34.1997.
55. X. Мамажонов. Интеллектуал мулк - сармоянинг энг муҳим манбай. Банк ахборотномаси № 24, 1995й., 5 июн.
56. Н.А. Мўминов. Кибернетиканинг методологик масалалари Тошкент «Фан» 1984.
57. 51. Н.А.Муминов. Информация становится товаром. Газета «Народное слово» 22.07.93.
58. Н.А. Мўминов., К.Дўстмуҳаммад. Амир Темур даврида фан ва иштаб чиқариш. ДИТАФ Тошкент 1996.
59. Н.А. Муминов. Стихия рынка или логика разума? Газета «Народное слово». 1993.
60. Н.А. Мумигов Беседы о кибернетике. Ташкент. «Узбекистан» 1981.
61. Н.А. Муминов и др. Организационно-технические основы управления качеством продукции. Ташкент. «Фан» 1979.
62. Н.А. Муминов О некоторых механизмах внедрения новых технологий и наукоемкой продукции в условиях рынка (Препринт) Ташкент. НПО «Кибернетика» 1992.
63. Н.А. Муминов Технологизация и управление производством - основы рыночных структур. (Препринт) Ташкент. НПО «Кибернетика» 1993.
64. Н.А. Муминов и др. Организация управления и информационная технология формирования и оценки научно-технических проектов. Ташкент. ГФТИ. 1994.
65. Н.А. Мўминов. Бошқарувнинг қоғозсиз технологияси. Тошкент оқшоми 24.12.90.
66. Н.А. Мўминов. Ким нимага қодир? Тошкент оқшоми 20.08.1990.
67. Н.А. Мўминов. Бўйруқбозлик қилиб максадга эришиб-бўлмайди. Тошкент оқшоми 1991.

68. Н.А. Мўминов. Килни қирқ ёрувчи. Совет Ўзбекистони. 10.02.91.
69. Н.А. Мўминов. Яккаҳоқимлик ёки жумҳуриятимиз илм-фан тараккиёти. Еш Ленинчи 14.02.92.
70. Н.А. Мўминов. Ақли машиналар (ишлаб чиқаришни роботлаширишдаги дастлабки қадамлар) Совет Ўзбекистони 16.06.85.
71. Н.А. Мўминов. Тежамкорлик - бутунги кун вазифаси. Тошкент оқшоми. 24 июль 1994.
72. Н.А. Мўминов. Фан-техника тараккиёти ва бозор иктисодиёти. Тошкент оқшоми. 1992.
73. Н.А. Мўминов. Ахборотлашириш ва ҳаёт. Тошкент. Фан. 1992.
74. Н.А. Мўминов. Илмга таянган тараккиёт. Тошкент оқшоми. 06.11.96.
75. Н.А. Мўминов, Н. Аликориев. Келажак бутундан боштанади. Ўзбекистон овози. 10 июнь 1992.
76. Н.А. Мўминов. Келажакни оддиндан кўриш - фаннинг асосий вазифаларидан бири. Тошкент. ДИТАФ. 1995.
77. Н.А. Муминов Информация - материальный ресурс. Информационные ресурсы России. №4-5. 1996.
78. Н.А.Муминов,К.Дўстмуҳаммад. Наука и производство эпохи Амира Темура. ГФНТИ. Ташкент 1996. .
79. Н.А.Муминов Вектор ғаузвых устремлений. Газета Народное слово 22.07.1997.
80. Н.А. Муминов Предвидение будущего - одна из основных задач науки. Ташкент. ГФНТИ. 1995.
81. Б.И. Мусабеков. Стоимость требует оценки. Бизнес-вестник Восток №18 (330) 30.04.1999.
82. Н.А. Муминов. Информация это ... Газета «Народное слово» 03.07.96.
83. Н.А. Муминов Успехом движет опыт. Газета Народное слово. 26.11.1996.
84. Г. Наврӯзова. Лукмангизни халоллаб енг. Иқтисод ва ҳисобот №7-8. 1994.
85. Несколько советов начинающему бизнесмену // Бизнес.- 1993.- №2.- С.42; 1993.- №3,4.- С. 46.

86. Ф. Низом. Иқтисодий интеграция - сиёсий барқарорлик гарови. Ўзбекистон овози. 27.04.1994.
87. В.Лобанов. США: административная этика и государственная служба // Проблемы теории и практики управления.-1996.- №4.-с. 68-72.
88. О стимулировании развития малого и частного предпринимательства: Закон Республики Узбекистан // Нароцное слово. - 1996. - 4 января.
89. Основы предпринимательской деятельности / В.М. Власова, Д.М. Волков, С.Н. Кулаков и др.; Под ред. В.М.Власовой - М.: Финансы и статистика, 1995.- 494с.
90. Общение в бизнесе // Деловой вестник.- 1993.- №6-7.с 31-32.
91. М Оразмедов. Давид Рикардо - савдо эркинилиги учун курашчи. Савдогар. 14.03.95.
92. Проблемы межгосударственного обмена научно-технической информацией. Региональная научно-техническая конференция 3-4 октября 1996. Сборник докладов
93. О. Пахоменко. Интеллектуал мұлк билан көридиқ сандхонник солық имтиёзини тақозо этады. Налоговые и таможенные вести. №19, 1999.
94. Развитие Государственной системы научно-технической информации республики Казахстан за 1996. Алматы 1997. КазГОСИНТИ.
95. Х. Раупов. Сомонийлар давлати. Иқтисод ва ҳисобот №1-2. 1994.
96. Ж. Рұзиев. АҚШда тәцбиркорлық: пәжімой - иқтисодий ва хукуқий масалалар. Тошкент. Фан. 1991.
97. Э. Ртвеладзе. «Из истории денежного обращения в Узбекистане» Газета «Правда Востока» 16.06.95г.
98. О. Раззоков, А. Типовов. Мұғжизакор Япония. Иқтисод ва ҳисобот №7-8, 1994.
99. О Раззоков. Англия иқтисодиёті ривожи ҳақида. Иқтисод ва ҳисобот №7-8, 1994.
100. Я.Р. Рейльян. Аналитическая основа принятия управленческих решений. М. Финансы и статистика. 1989.
101. И.Н. Смирнов Социально-философские проблемы информатики. Вопросы философии, 1986, № 10.

102. А.В. Соколов Информационно-поисковые системы. М. Радио и связь. 1981.
103. Г.Я. Смолян Человек и компьютер. Москва. 1981.
104. Современный компьютер. Сборник научно-популярных статей. Перевод с английского под редакцией канд. физ.мат. наук В.М. Курочкина. Москва, «Мир» 1986.
105. Состояние и проблемы информационного обеспечения научно-технологического развития страны в переходный к рыночной экономике. Материалы международной научно-практической конференции, посвященной 40-летию КазГОСИНТИ. Г. Алматы, 10-11 сентября 1997.
106. Х. Собиров. Бизга мерос тижорат. Иқтисод ва ҳисобот №3-4 1994.
107. В. Синягин. Как узбекские купцы Российский рынок освоили. Газета Ташкентская правда. 12.04.95г.
108. С. Салимов. Менежмент нима? Ҳалқ сўзи. 19.04.1996.
109. А. Тўқсонов. Нега ўзбекдан ишчи кам? Иқтисод ва ҳисобот. №7-8, 1994.
110. О. Умаров, С. Ҳўжамназаров. Кредит ва маркетинг. Иқтисод ва ҳисобот. №11-12, 1993.
111. А. Үлмасов. Бозор иқтисодининг туб белгилари. Иқтисод ва ҳисобот. №1-2, 1994.
112. И.Фаминский Внешнеэкономическая деятельность малых предприятий // Вопросы экономики. 1992. №3. С.73-80.
113. Л.Г.Хромченко Проблемы компьютеризации библиотек. Библиотековедение. 1993 №1.
114. К.К. Файзиева. Кичик ва ўрта корхоналар учун тадбиркор-режа. Ўзбекистон республикаси макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги бозор муносабатлари ўкув-консалтинг маркази. Тошкент. 1998.
115. Х. Ҳамрасиев. Корхонанинг маркетинг муддити нима? Иқтисод ва ҳисобот. №7-8. 1994.
116. Ӯ. Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар. Тафаккур №2. 1995.
117. Чечев В.В. Наука и управление наукой. Вопросы философии. 1989, №4.
118. В.А. Чжен. Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. Ташкент 1995.

119. В.А. Чжен. Сельское предпринимательство. Ташкент. Типография ГКИ 1995.
120. В.А. Чжен. Система поддержки предпринимательства в Узбекистане. Ташкент. «Ўзбекистон» 1995.
121. Честность. Взаимное доверие // Коммерческий вестник.- 1993. -№5-6, с.16.
- 122.. Этика бизнеса - это именно то, чего нам часто не хватает // Торговля. - 1993.- №7, с. 35-39.
123. Этикет официальных и неофициальных встреч .-Ташкент: «Адолат»,- 1992.
124. Этика бизнеса - Кишенев: МолдНИИТЭИ.- 1994.- с.25.
125. Язык бизнеса / Под ред. В.А. Чжена - Ташкент: Бизнес-Каталог -1995. - С.734.
126. М. Юнусова. Маркетинг ва уни аникловчи омиллар. Иқтисод ва ҳисобот. № 7-8, 1994.

## Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>3</b>
I БОБ. Бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли.	7
I.1. Ўзбекистон моделининг ҳаётйилиги.	7
I.2. Иқтисодий мустакиллик омиллари.	12
I.3. Иқтисодни бошқариш тарихидан.	14
I.4. Инфраструктура қандай бўдиши қерак?	19
II БОБ. Кичик ва ўрта бизнесда менежмент, маркетинг.	22
II.1. Менежмент нима?	22
II.2. Корхона мавженини мустаҳкамлашда менежментнинг тутган ўрни.	26
II.3. Менежер ва кенгашлар.	32
II.4. Менежер ишини пучга чиқарадиган ўн учта “ўлим гуноҳлари”	34
II.5. Шерик (ракиб)ларни ахтариш ва уларнинг имкониятларини аниқлаш.	36
II.6. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш тартиби ҳақида.	42
II.7. Маркетинг омиллари.	50
II.8. Кичик бизнесда маркёгинг.	52
II.9. Кичик ва ўрта бизнес тараққиётiga қўмаклашиш маркази.	54
II.10. Кичик бизнес бозорни тўлдириш маъбандир.	55
II.11. Курияда кичик ва ўрта бизнес.	57
II.12. Рекламанинг қоидаларй.	58
II.13. Тадбиркорликка йўлланма.	62
III БОБ. Бозор иқтисодиёти ва фан.	66
III.1. Ўзбекистон фанни ислоҳотлар йўлида.	66
III.2. Фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиёти.	71
III.3. Халқаро-илемий-техникавий ҳамкорлик.	73
III.4. Илмга таянган тараққиёт.	81
IV БОБ. Ахборот бизнеси.	85
IV.1. Ахборотлаштириш ва ҳаёт.	85
IV.2. Ахборот нима?	88
IV.3. Ўтмиш сабоклари, ахборотлаштириш ва бозор иқтисодиёти.	92
IV.4. Ахборот бизнеси.	101
IV.5. “Юкоридан” ва “кўйидан” келадиган ахборотлар.	103
V БОБ. Интеллектуал мулк ва бозор.	106
V.1. Интеллектуал мулк ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси тартиби.	106
V.2. Интеллектуал мулк даромадининг энг муҳим маъбади.	122

V.3. Интеллектуал мулкдан хўжалик фаолиятида кай тарзда самарали фойдаланиш мумкин?	127
V.4. Интеллектуал мулк объектларини баҳолашга услубий ёндошувлар.	139
V.5. Интеллектуал мулк соҳасидаги солиқ имтиёzlари юридик саводхонликни тақозо этади.	143
V.6. Интеллектуал мулк ва корхона балансидаги бошка номоддий активлар ҳисобини юритиш.	150
<b>Фойдаланилган адабиётлар</b>	<b>162</b>
<b>Мундарижа</b>	<b>170</b>

Нельматилла Абдуллаевич Муминов, Даурон Насридинович Ахмедов, Содик Собирович Косимов, Хамид Абиджанович Мамажонов, Шарифжон Йигиталиевич Пулатов, Бахтиёр Рихсибоевич Абидов, Бахром Исакандарович Мусабеков, Ольга Владиславовна Пахоменко.

## **КИЧИК ВА ЎРГА БИЗНЕС СТРАТЕГИЯСИ**

### **I-кисм**

Компьютерда ҳарф териувчилар. Абдуллаев Алишер  
Муминова Зулхумор

Босмахонага топширилди 20.11.1999 й. Босишига  
руҳсат этилди 18.11.1999 й. Көнгөз бичими 60x84  
1/16. Офсет босма усули. Нашр. хис.т. 9,0. Далови 1000  
нусха. Буюртма № 3/

УзФА “Кибернетика” ИИЧБ суга карашли Кибернетика  
институтининг босмахонасида чен этилган.  
700143, Тошкент, Ф.Хужаев кучаси, 34 уй.